



**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНЛАРИ**

**1995-1999**

**УКАЗЫ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**




**ТАДОЛАТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНЛАРИ

УКАЗЫ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН

4



Тошкент,  
«Адолат»  
2000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.

1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача. — Т.: «Адолат», 2000. — 680 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

ББК 67.99 (5У) — 3

*Нашир учун масъуллар:*

**Ҳ. Т. ОДИЛҚОРИЕВ,  
М. М. МИРСАМАДОВ.**

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январига қадар бўлган даврда чиқарилган меъёрий йўналишдаги Фармонлари ҳамда уларга айрим муҳим иловалар киритилган. Фармонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётнинг муҳим соҳаларини ҳуқуқий тартибга солувчи манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади.


Тўплам давлат идоралари ходимлари, олимлар, мутахассислар ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

В настоящий сборник вошли указы Президента Республики Узбекистан нормативного характера, изданные за период с 5 января 1995 года по 1 января 2000 года, а также наиболее важные приложения к ним. Указы занимают особое место в качестве источника правового регулирования важных отношений в сфере общественно-политической, экономической, культурной и духовной жизни.

Книга рассчитана на работников государственных органов, ученых, специалистов и широкого круга читателей.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНЛАРИ**

**1995 — 1999**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ

## Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида

Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг кўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ва идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва республиканинг бошқа ташкилотлари ўзларининг кундалик фаолиятида:

моддий-техника, ахборот ва кадр ресурсларига эришишда тадбиркорлар билан давлат корхоналарининг тўла тенг ҳуқуқлилигини оғишмай таъминласинлар;

қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, тадбиркорларнинг тезкор-хўжалик ва хўжалик-тижорат фаолиятига аралашшига йўл қўймасинлар;

томонлардан бирининг айби билан кўрилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш шарти билан, иқтисодий муносабатларда бошқарув органлари билан тадбиркорларнинг икки томонлама масъулияти принципига амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси ва Адлия вазирлиги тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан қабул қилинган қонунлар ҳамда Фармонларнинг қатъиян бажарилишини назорат қилишни таъминласинлар. Уларни сўзсиз бажариш ва қоидабузарликларнинг олдини олиш борасида тезкор чораларни кўрсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, хусусий корхоналар қонунларда кўзда тутилган ҳужжатларни улар жойлашган худуддаги ҳокимликка топширгандан кейин уч кун муддат ичида белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олинади.

Корхоналарни рўйхатга олишни ташкил қилиш учун жавобгарлик ўз мақомларига кўра тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармаларини бош-

лиқларининг зиммасига юклансин ҳамда ҳокимликларнинг тегишли бўлимлари ва хизматлари уларга бўйсундирилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси 1995 йилда Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармага давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган, реконструкциялаш, техника билан қайта қуроллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган маблағларнинг 50 фоизга қадарини топширсин.

Мазкур маблағлар аввало лойиҳаларни амалга оширишда ўз улуши билан қатнашиш, кредитлар бериш, шунингдек тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолатлар бериш йўли билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга сарфлансин.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотларни, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек қурилиш фаолияти билан, таъмирлаш, тузатиш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, хусусий корхоналарнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиш чоғида солиқ солинадиган база ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қайта ташкил қилишга, техника билан жиҳозлашга сарфланадиган маблағ миқдо-рида камайтиради.

6. Хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сони бўйича амалдаги чеклашлар бекор қилинсин.

7. Хўжалик судларига хусусий корхона эгаларидан пошлина ҳақини олдиндан тўлаттирмай даъво аризаларини қабул қилишга рухсат берилсин, кейинчалик унинг ҳақи суд қарори чиқарилгандан сўнг сўзсиз ундириб олинсин.

8. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг моддий-техника негизини амалда мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корпорациялар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда:

маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни ва турли

хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш учун фойдаланилмай ётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда хусусий корхоналарга ижарага беришни;

чала қурилган ишлаб чиқариш иншоотлари ҳамда фойдаланилмаётган ускуналарни кимошди савдоси ва танловлар орқали сотишни кенг жорий қилсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси:

1995 йилнинг 1 чорагида деҳқон (фермер)лардан ва хусусий корхона эгаларидан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилувчи доимий ишлайдиган улгуржи ихтисослаштирилган бозорларни ташкил қилсинлар;

буш ётган биноларни тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотлари сақланадиган омборларга айлантириш ва улардан фойдаланишга кўмаклашсинлар.

10. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, «Ўзбекбирлашув», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат қўмитаси;

товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни маҳаллий хом ашё ва материаллар билан таъминлайдиган улгуржи-воситачи тузилмаларни;

хом ашё ва материалларга буюртмаларни йиғиш, уларни харид қилиш, навларга ажратиш, сақлаш, зарур ҳолга етказиш ҳамда уларни тадбиркорларнинг буюртмалари бўйича сотиш билан шуғулланувчи тижорат марказлари ва савдо уйлари ташкил қилсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. З. Усмонов республиканинг катта шаҳарларида супермаркетлар барпо этишда хусусий корхона эгаларига ёрдам кўрсатсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига турар жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга хорижий юридик ва жисмоний шахслар — дипломатия корпусининг ходимларига, Ўзбекистон Республикасига вакил қилиб юборилган матбуот ходимларига, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимларига, қўшма корхоналарда доимий асосда ишлайдиган шахсларга, шу-



нингдек республикада доимий истиқомат қиладиган ва яшаш учун гувоҳномага эга бўлган шахсларга хусусий мулк қилиб сотишларига рухсат берилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддат ичида Молия вазирлиги ҳузурида қимматбаҳо қорозлар бўйича доимий ишлайдиган республика комиссиясини ташкил қилсинлар.

14. Ҳар йили хусусий корхоналар эгаларининг танловларини ўтказиб, ғолибларни — экспортга маҳсулот чиқариш билан шуғулланувчи фирмаларни халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда таништириб туриш туғрисида Тадбиркорлар уюшмаси билан Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг таклифи қабул қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда бир ой муддат ичида бозор муносабатлари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тармоғини кенгайтиришга оид тадбирлар тизимини ишлаб чиқсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокими шу йилнинг 1 чорагида Республика жамғарма биржаси ва Республика кўчмас мулк биржасига уларнинг фаолияти учун нормал шартшароитларни таъминлаб берадиган бинолар ажратилишини таъминласин.

17. Ўзтелерадио, газета ва журналларнинг таҳририятлари хусусий корхона эгаларининг иш тажрибасини тарғиб қилишни авж олдирсинлар, уларнинг аниқ-равшан намуналари асосида тайёргарлик психологиясини бартараф этиш ва улар шу негизга таяниб ўзларининг моддий фаровонлигини таъминлаш, шунингдек хайрия фаолиятини амалга ошириши соҳасидаги кенг имкониятларни намойиш қилсинлар.

18. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 5 январь,  
ПФ № 1030.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ХУЖАЛИК  
ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ЖАРАЕНИНИ ОСОНЛАШТИРИШ ВА ТАРТИБГА  
СОЛИШ МАҚСАДИДА:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолияти-ни хорижий сармоя иштирокида амалга оширадиган янги тузиладиган корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш вазифаси 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юкланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур корхоналарни рўйхатга олиш вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан зарур келишувни таъминлаб, қўшма корхоналарни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўшма корхоналар давлат реестрини, шунингдек хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ва ижро учун қабул қилинган ҳужжатларни уч ҳафта ичида белгиланган тартибда Адлия вазирлигига топширсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, олдин рўйхатга олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ушбу Фармонга мувофиқ қайтадан рўйхатга олинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
— белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати илгари қабул қилган қарорлар, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 январь,  
ПФ № 1034.

## **ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш мақсадида:

1. 1995 йилнинг 1 мартидан бошлаб фуқаролар даромадининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори ойига 300 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йилнинг 1 мартидан бошлаб фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар прогрессив ставкасининг чекланган миқдори 45 фоиздан 40 фоизгача камайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1995 йил 1 мартгача меҳнат қилиш шaroитлари алоҳида зарарли бўлган ишлаб чиқаришларда ишлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар учун солиқ олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган фуқароларнинг айрим тоифалари рўйхатини улар даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслигини назарда тутган ҳолда тасдиқласин;

фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ—1014-сон Фармонининг 5-банди 1995 йил 1 январдан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги ПФ—1080-сон Фармони 1-бандининг тўртинчи хатбоши 1995 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 24 февраль,  
ПФ № 1083.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОЙ ҚУРИЛИШИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозими жорий этилсин, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юклансин. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси айти пайтда Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини жорий этсинлар. Белгилаб қўйилсинки, мазкур лавозимларни тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллайдилар.

3. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида — 4 киши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида — 3 киши, шаҳарлар ҳокимликларида — 2 киши, туманлар ҳокимликларида — 1 кишидан иборат ишчи органлари тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий этиладиган лавозимларни ва ишчи органларни таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.

5. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 2 март,  
ПФ № 1084.

## ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА

Шу нарса қайд этиб ўтилсинки, қабул қилинган қарорларга қарамай, ташқи иқтисодий фаолиятда турли баҳоналар билан бартер (мавоза) операциялари ҳамон амалга оширилаяпти, улар бўйича номутаносиб тарздаги айирбошлаш ҳоллари мавжуд бўлиб, солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ҳамда валюта даромадининг бир қисмини мажбурий равишда сотиш таъминланмаяпти. Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратура 1994 йил ҳамда 1995 йилнинг биринчи чораги яқунларига кўра ушбу масала бўйича ишларнинг аҳволини таҳлил этсинлар ва «Бартер (мавоза) асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларидаги бузғунчиликлар ва суистеъмолларни бартараф этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 9 июлдаги Фармонини бузганлик учун айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

2. Юқорида айтилган Фармоннинг 2-бандига қўшимча қилиб шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг рухсати билан истисно тарзидаги бартер (мавоза) бўйича экспорт-импорт операцияларига йўл қўйилади.

3. Бартер операцияларини амалга ошириш чоғида солиқ солиш мақсадларида маҳсулот жўнатилган кунни маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинган пайт деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, барча экспорт ва бартер шартномалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва вакил қилинган банкларда қайд этилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиладиган тартибда Бош божхона бошқармасида ҳисобга олиниши лозим.

5. Валюта даромадининг бир қисмини мажбурий сотиш бўйича белгиланган тартиб бузилган ҳолларда солиқ органлари айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартиб ва миқ-

дорларда молиявий жазо чоралари ҳамда маъмурий жарималарни қўлласинлар.

6. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида Давлат солиқ қўмитасининг, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг, вакил қилинган банкларнинг раҳбарлари огоҳлантирилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

8. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳар, 1995 йил 11 апрель,  
ПФ № 1096.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА  
ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОЙ ҚУРИЛИШ АКАДЕМИЯСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбар кадрлар бўғини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилиш истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси ташкил этилсин.

2. Академия фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— давлат, жамоат ва хўжалик тузилмалари ходимлари ҳамда раҳбарлари орасидан истеъдодли, ақл-заковатли тингловчиларни пухта танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва профессионал савиясини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосига қурилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш;

— олий маълумотли ва олий ўқув юртини битирганидан сўнг камида икки йил ишлаган мутахассислар орасидан ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук бўлган ёшларни истиқболли ёш менежер ҳамда бошқарувчилар қилиб тарбиялаш учун қабул қилиш;

— раҳбар ходимлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда иштирок этиш;

— профессионал раҳбар тайёрлашнинг замонавий усуллари қўллаган ҳолда раҳбарларни тайёрлаш ҳамда ижтимоий ва давлат қурилишининг барча бўғинлари учун раҳбарлар заҳираси умумдавлат банкни шакллантириш;

— тегишли мутахассисликлар бўйича докторантура ва аспирантура орқали юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий тараққиётни, психология ва социологияни такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни илмий экспертиза қилиш;

— раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик.

3. Академияга ўқув-тадқиқот жараёнини ташкил этиш учун қўшимча ишлаш ёки яккама-якка битим тузиш шартлари билан республика ва хорижий давлатлардаги йирик илмий марказларнинг таниқли олимларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4. Академиянинг моддий, техникавий ва ижтимоий базасини ривожлантириш, унинг фаолиятига республиканинг ва хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Жамғарма даромадлари турли манбалар, жумладан, хориждаги жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, шунингдек хўжалик фаолияти ҳисобидан таркиб топади.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар, хўжалик ҳи-

собидаги корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада юксалтириш учун зарур бўлган янги тусдаги ходимларни тайёрлаш жараёнида муҳим ўрин тутиш лозим бўлган академиянинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Академия ҳамда у барпо этадиган муассаса ва корхоналар дастлабки беш йил давомида ҳар қандай солиқдан озод қилинсин.

5. Академия Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, меъёрий ва йўриқнома ҳужжатларини, шунингдек вазирлик ва идораларнинг статистика тўпламларини олиши шарт бўлган муассасалар рўйхатига киритилсин.

6. Академияга ўзбек ва рус тилларида йилига тўрт марта чиқадиган ва ҳажми 6—7 босма табоқдан иборат бўлган «Жамият ва бошқарув» сиёсий-иқтисодий журнални, шунингдек даврий ва алоҳида мавзуларга оид нашрларни чиқаришга рухсат этилсин.

7. Республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун алоҳида модда билан ажратиладиган маблағ, шунингдек илмий тадқиқотларни ўтказиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағ академияни молиявий жиҳатдан таъминлаш манбаи деб белгилансин.

8. Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини барпо этишга доир ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида комиссия ташкил этилсин.

Комиссияга бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлашга доир қарори лойиҳасини тақдим этиш топширилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 19 апрель,  
ПФ № 1086.



**1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини  
ва мамлакат ичкарасида ишлаган  
меҳнатқашларни фашизм устидан қозонилган  
Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати  
билан муқофотлаш тўғрисида**

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан:

1. Фашизмга қарши фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, партизанлар, яширын иш олиб борган кишилар, уруш даврида Қуролли кучларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган Ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган Ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача ўтган даврда халқ хўжалигида камида олти ой ишлаган, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун» медали билан муқофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерларида, гетто ва бошқа қамоқларида сақланган балоғатга етмаган собиқ тутқинлар, «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан муқофотлансин.

2. Бир йўла бериладиган қуйидаги пул муқофотлари белгилансин:

уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек байналмилал жангчилардан бўлган ногиронларга — энг оз иш ҳақининг уч баравари миқдорида;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган 1941—1945 йилларда мамлакат ичкарасида ишлаган меҳнатқашларга — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ички иш-

лар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Алоқа вазирлиги мукофотларни тўлаш тартибини бир ҳафта муддат ичида белгилаб қўйсинлар.

5. «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топширилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 20 апрель,  
ПФ № 1100.

**ХАЛҚ ХҲЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲАЗ ВАҚТИДА  
ЎТҚАЗИЛИШИ УЧУН ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР  
РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ  
БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Қорхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустақамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар), қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин.

2. Товарлар амалда жўнатишган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб олтмиш кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин.

Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мажбурлигига йўл қўйилган бўлиши билан раҳбарлари ва бош бухгалтерла-

рига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жинойй жавобгарликка тортиш чораси қўлланилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси тўлов қобилиятига эга бўлмаган истемолчиларга маҳсулот етказиб бераётган (ишлар, хизматларни бажараётган) мансабдор шахсларни жавобгарликка, шу жумладан жинойй жавобгарликка тортиш устидан назоратни кучайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, солиқ идоралари:

муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжуд бўлган тақдирда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига;

корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда тўловларни ўтказишнинг белгиланган муддатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарларига ва бош бухгалтерларига энг оз иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима соладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг тўловларни ўз вақтида ўтказишлари ва уларнинг ўзаро ҳисоб варақларининг ҳолати устидан доимий назоратни таъминласин, корхоналарнинг ҳисоб варақларидан тўловлар ўтказилишини кечиктиришга мунтазам суратда йўл қўяётган тижорат банкларининг филиалларини тугатишгача бўлган чораларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси вазирликлар, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви идораларининг корхоналар ва ташкилотлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзи, шу жумладан муддати ўтиб кетган қарздорлик ҳолати тўғрисида ҳар ойлик статистика ҳисоботини ишлаб чиқсин ва 1995 йилнинг июлидан жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда тўлов қобилиятига эга бўлмаган хўжалик субъектларининг касодга учраганлиги тўғрисида белгиланган тартибда ишларни қўзғатиш борасидаги фаолиятни кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги амалдаги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқади-

ган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни бир ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 12 май,  
ПФ № 1154.

**ХУЖАЛИКЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИҒАН ПАХТА  
ТОЛАСИ, ПИЛЛА, ЖУН ВА ҚОРАҚҮЛ ТЕРИ СОТИЛИШНИ  
ТАЪМИНЛОВЧИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА  
ВА ВИЛОЯТ УЮШМАЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

1. Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қорақўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон республика ва вилоят уюшмалари муассис-хўжаликларининг уларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Муассислар уюшмаларнинг қонунда белгиланган тартибда тугатилишини таъминласинлар.

2. «Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қорақўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон республика ва вилоят уюшмаларини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 октябрдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу масала юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 17 май,  
ПФ № 1157.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, унинг авиация саноатини ривожлан-

тириш, замонавий авиация техникаси ва технологиясини вужудга келтириш, парвоз қилувчи аппаратларнинг янги авлодларини ишлаб чиқариш ва уларни ишлатиш соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Тошкент давлат техника университетининг самолёт-созлик факультети, Киев фуқаро авиацияси халқаро университетининг Тошкент филиали, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ўқув маркази негизида Тошкент давлат авиация институтини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг, Ўзбекистон «Ўзбеккоинот» Давлат космик тадқиқотлар агентлигининг, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— авиация ҳамда авиасозлик корхоналари учун мутахассислар — конструкторлар, технологлар, таъмирловчилар ва ишлатувчиларни тайёрлаш;

— авиация тизимларининг асосий ва татбиқий тадқиқотлари соҳасида жаҳон ютуқларини ўрганиш негизида ўз илмий-заковат салоҳиятини ривожлантириш;

— парвоз қилувчи аппаратлар янги авлодларининг ижодий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

— республикада авиация саноати тараққиётини илмий таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш;

— авиация техникаси ва технологияси соҳасида жаҳон бозори конъюнктурасини ўрганиш;

— авиация соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, жаҳон авиация фани ва технологиясининг энг янги ютуқлари негизида уларни қайта тайёрлаш;

— Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг етакчи авиация ўқув ҳамда илмий марказлари билан таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини кенг кўламда кооперациялаш.

3. Ўрта маълумот негизида кичик мутахассисликларни тайёрлаш мақсадида Тошкент авиация техникуми базасида авиация коллежи ташкил қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга оши-

риш юзасидан ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 31 май,  
ПФ № — 1160.

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING ИШТИРОКИНИ АВЖ ОЛДИРИШ  
ВА РЕСПУБЛИКАДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР  
ТУҒРИСИДА**

Ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши — Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида:

1. Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилинсин.

2. Мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида хорижий сайёҳлар учун божхона расм-русумларининг халқаро меъёрларга мос содалаштирилган тартиби, шунингдек транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилинсин.

3. Мазкур шаҳарларда янги ташкил қилинадиган сайёҳлик ташкилотлари ва корхоналари барпо этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили фойда (даромад) солиғининг 50 фоизини, иккинчи йили — 75 фоизини, учинчи йилдан бошлаб — 100 фоизини тўлайдилар.

4. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб чиқиб кетиладиган фойдадан 5 йил муддатгача солиқ тўлашдан озод қилинсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги икки ой муддат ичида хорижий сайёҳлар учун Ўзбекис-

тон Республикаси қонунларида белгиланган объектлардан ташқари республиканинг бутун ҳудудида амал қилувчи ягона визани ўрнатсин.

6. Тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонхоналари ва меҳмонхона инфраструктураси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шарти билан кредитлар бериш тавсия қилинсин.

7. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки — «Ўзсаёҳатинвестбанк»ни ташкил қилсин ва жамланаётган маблағлар қатъиян аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Молия вазирлиги 15 кун муддат ичида «Ўзсаёҳатинвестбанк»нинг устав жамғармасини шакллантириш манбалари ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни киритсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича Идоралараро кенгаш тузилсин ва қуйидагилар шу кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;

сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;

ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш;

сайёҳлик тизимида мувофиқлаштирилган илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

сайёҳлик соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

9. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, ёдгорликларни муҳофаза қилиш Республика жамияти манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Буюк Ипак йўлидаги кўҳна шаҳарларда жойлашган меъморий, археологик, тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, ободонлаштириш ҳамда фойдаланиш бўйича миллий «Мерос» дасту-

ри лойиҳасини икки ой муддат ичида ишлаб чиқсинлар ва Идоралараро кенгаш муҳокамасига тақдим этсинлар.

10. Халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши учун шахсий жавобгарлик «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларининг, Ички ишлар вазирлигининг, Ташқи ишлар вазирлигининг, чегара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

11. Адлия вазирлиги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 2 июнь,  
ПФ № 1162.

**ДАВЛАТ МУЛКИ БУЛГАН ҚОРХОНАЛАРНИ  
АКЦИЯЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР БӨЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистонда давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш суръатларини жадаллаштиришни амалга оширишга имкон берадиган норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳукумат томонидан Давлат хусусийлаштириш дастури тасдиқланган, унда қонунда белгиланган ёндашувлар аниқлаштирилган, мақсадлар, устуворликлар белгиланган, тармоқлар ва худудлар бўйича хусусийлаштиришга доир топшириқлар берилган.

Ҳозирги вақтга келиб республикада уч мингдан кўпроқ давлат корхоналари акциялаштирилган. Ушбу жараёнлар «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаларида, шунингдек, Андижон, Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида фаол амалга оширилмоқда. Бир қатор акциялаштирилган корхоналарнинг ҳатто қисқа муддатдаги фаолияти ҳам улар ишининг анча яхшиланигандан, акционерлар даромадларининг кўпайганигидан, мулкдорлик туйғусининг, ижодий ва меҳнат потен-



циалининг сафарбарлиги ошганлигидан далолат бермоқда.

Бироқ бир қатор вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмаларнинг раҳбарлари янгиликка интилмаяптилар ҳамда корхоналарни акциялаштириш жараёнининг Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишдаги муҳим роли ва аҳамиятини тушуниб етмаяптилар. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда маъмурий-бошқарув ходимлари орасида ҳанузгача сақланиб қолган бошқарувнинг маъмурий буйруқ-бозлик тизими пайдо қилган боқимандалик кайфияти акциялаштириш муддатларини чўзиб юборишнинг ва баъзан уни эътироф этмасликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳолат давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашишга, ушбу жараёнларни жадаллаштириш бўйича зарур тушунтириш ва оператив ишларни таъминлашга даъват этилган бир қатор давлат муассасалари ишларида чуқур илдиз отган бюрократизм оқибатида ҳам кучаймоқда. Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва шу кабилар бир қатор бўлинмаларининг масъул ходимлари кўпинча бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйишмоқда, акциялаштирилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқишда сунъий тўсиқлар вужудга келтиришмоқда, бу билан акционерлик жамиятларини шакллантириш муддатларини чўзиб юборишмоқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришнинг ташкилий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, бу эса баъзан ушбу ғоят муҳим ишни амалга оширишда сунистеъмолчилик ҳолларига олиб келмоқда. Қимматли қоғозлар бозори сустривожланмоқда, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори эса амалда ташкил этилмаган.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарларининг ҳаммаси ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва умуман бозор инфраструктурасини ривожлантириш масалалари билан шахсан шуғулланмаяптилар.

Буларнинг барчаси монопол тузилмаларни тарқатиб юбориш йўлида кўплаб тўсиқлар пайдо бўлишига, бошқарувнинг ҳамда моддий ресурслар ва молия маблағла-

рини тақсимлашнинг марказлашган тизими сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Натижада «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзавтойўл» давлат концерни, «Ўзмеъасабзавотузумсаноат» уюшмаси, «Ўзбалиқ» давлат корпорацияси, «Ўздавпахтасаноатсо-тиш» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» давлат кон-церни, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркиби-га кирувчи, шунингдек Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги давлат корхоналарини акция-лаштириш жараёни асоссиз равишда чўзиб юборил-моқда.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялашти-ришни жадаллаштириш, бу жараёнга республика аҳоли-сини кенг жалб қилиш, қимматли қогозлар бозорини ри-вожлантириш мақсадида:

1. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорация-лар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликла-ри раҳбарларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ва норматив ҳужжатларга сўзсиз риоя қилиш бўйича ишлари қониқарсизлиги қайд этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда давлат корхоналарини очиқ турда-ги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг тартиб-қондаларини мумкин қадар соддалаштириш ва тегиш-ли ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қис-қартиришни, ташкил қилинган акционерлик жамиятла-рининг акцизлари ва сертификатларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш учун худудий, тармоқ ва ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарларининг жавоб-гарлигини назарда тутувчи ягона тартибни тасдиқла-син. Бунда қуйидагилардан келиб чиқилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига ай-лантириш жараёнига ташкилий раҳбарликни ва уни му-вофиқлаштиришни амалга оширади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқар-маси давлат корхонаси негизида ташкил этиладиган ак-ционерлик жамиятининг таъсисчиси ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий органла-ри томонидан корхонани хусусийлаштириш режасининг тасдиқланиши корхонани очиқ турдаги акционерлик жа-миятига айлантириш тўғрисидаги қарор бўлиб, Молия

вазирлиги билан биргаликда эмиссия проспектининг тасдиқланиши эса акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор бўлиб ҳисобланади;

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари очиқ турдаги акционерлик жамиятининг таъсисчилари сифатида, тегишли уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва корхоналар билан биргаликда акционерлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширадилар, шунингдек акциялар тўртта пакетнинг белгиланган тартибда тарқатилишини таъминлайдилар;

акционерлик жамиятини ҳокимликларда давлат рўйхатидан ўтказишни Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари амалга оширадилар;

давлат корхонасини акционерлик жамиятига айлантириш жараёнида рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди.

3. Аҳолини давлат корхоналарини акциялаштиришга кенг жалб қилиш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида, аҳолининг пул маблағларини бир жойга жамловчи ва акцияларнинг барқарор даромад беришини таъминловчи инвестиция фондлари тармоқларини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари инвестиция фондларига зарур биноларни муайян мақсадда ажратиш, аудиторлик фирмалари тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш, инвестиция фондларини ахборот билан таъминлаш ва улар учун мутахассислар тайёрлаш йўли билан инвестиция фондлари ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатишига ҳар томонлама қўмақлашсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда 1995 йил учун иқтисодиёт тармоқлари бўйича қайта ўзгартирилаётган давлат корхоналарининг акцияларини чиқариш жадвалини;

икки ҳафта муддатда қонун бузилишлари ва суиистеъмолчиликларни истисно қилиш механизмини назарда тутган ҳолда инвестиция фондлари тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Иқтисодиёт тегишли тармоқларининг давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни тартиби ва муддатларига сўзсиз риюя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси мажмуилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмита-

си, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги раҳбарлари зиммасига юклансин.

**6. Белгилаб қўйилсинки:**

(Иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 сентябрдаги Фармони билан ўз қучини йўқотди);

қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи «Тошкент» республика фонд биржасининг, Миллий депозитарий ва инвестиция фондларининг ўз инфраструктурасини ривожлантиришга ва рекламага йўналтириладиган фойдасидан 1996 йил 1 январгача солиқ олинмайди.

7. Оммавий ахборот воситалари акционерлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бозори ривожлантирилиши билан боғлиқ масалаларни кенг ёритсинлар, қимматли қоғозлар билан муваффақиятли ишловчи корхоналар тажрибаси ёйилишига кўмаклашсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва норматив ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 12 июнь,  
ПФ № — 1164.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИНГ  
ИЧКИ ЭРКИН АЛМАШТИРИЛИШINI ЯНАДА  
КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Миллий валютани мустақамлаш ва унинг ички эркин алмаштирилишини таъминлаш, республикага чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва истеъмол бозорини тўлдириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон республика валюта биржасида операцияларни янада эркинлаштиришни амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валюта-сўмни эркин муомаладаги валютага эркин алмаштиришга

бўлган талабини қондириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар кўриш зарур деб ҳисоблансин.

Марказий банк ва ваколатли банклар нақд сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштириш ҳажмларини кўпайтириш учун қўшимча ресурсларни қидириб топсинлар, ушбу мақсадларга 1995 йилнинг иккинчи ярим йилида камида 120 миллион АҚШ долларини йўналтирсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон республика валюта биржасида:

— халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва улар билан республика ички бозорини тўлдириш билан банд бўлган;

— экспортга, биринчи навбатда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспорт рўйхатига киритилган маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган;

— Ўзбекистонда ишлаб чиқариш фаолиятидан белгиланган тартибда олинган фойда ва дивидендларнинг бир қисмини репатриация қилишни амалга оширувчи;

— республика иқтисодиётининг базавий ва етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналар, жисмоний ва юридик шахслар эркин муомаладаги валютага айлантириш ҳуқуқига кўпроқ эга бўладилар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб кўрсатиб ўтилган корхоналар ва ташкилотларга, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, нақд пулсиз сўмларни эркин муомаладаги валютага айлантириш Ўзбекистон республика валюта биржасида ваколатли банкларнинг талабномалари асосида қўйидаги мажбурий шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади:

— хорижий шериклар билан тузилган контрактлар, шунингдек ваколатли банкнинг эксперт хулосаси мавжуд бўлиши;

— хорижий валютани маблағларни сўмларда олдиндан эҳтиёт қилиб қўйган ҳолда корхоналарнинг фақат ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш;

— корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қарзларининг, маҳсулот етказиб берувчилардан ва банк ссудалари бўйича муддати ўтиб кетган қарзларининг йўқлиги.

4. Эркин муомаладаги валютага алмаштириш бўйича валюта операцияларини ўтказишни ва ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадда Ўзбекистон республика валюта биржасида фойдаланишни, шунингдек уларда жисмоний ва юридик шахсларнинг қатнашиши учун бир марта рухсат бериш юзасидан қарорлар қабул қилишни назорат этиш пул-кредит снѐсати бўйича республика комиссиясига юклансин. Комиссия таркиби иловага мувофиқ қайта тасдиқлансин.

5. Комиссия Ўзбекистон республика валюта биржасида операциялар ўтказишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга жавоб берадиган тартибини ўн кун муддатда тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхона ва ташкилотларга кредит бериш фақат Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Эркин алмаштириладиган валютада кредитлар ажратиш назарда тутилган корхона ва ташкилотларга кўрсатиб ўтилган кредитлар ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, кейинчалик уни Ўзбекистон республика валюта биржасида эркин муомаладаги валютага алмаштирган ҳолда, ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган корхоналарга кредит бериш учун ваколатли банкларга миллий валютада кредит линиялари очсин.

7. Чет эл банклари, экспорт-импорт агентликлари ва халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратиладиган эркин муомаладаги валюта ҳолидаги қарз маблағларни кредитга бериш ва қайта маблағ билан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларга эркин муомаладаги валютада илгари берилган кредитларни тўлашнинг амалдаги тартиби ҳам сақлаб қолинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги қўйидагиларни назарда тутувчи тартибни белгиласинлар:

— валюта биржасида сотиб олинган ва 60 кун мобайнида белгиланган мақсадда фойдаланилмаган чет эл валютаси корхоналар томонидан ваколатли банклар орқали Ўзбекистон республика валюта биржасида сўзсиз қайта сотилиши керак;

— корхона ва ташкилотлар, ваколатли банклар импорт қилинадиган маҳсулотлар учун эркин муомаладаги валютада ҳисоб-китобларни амалга оширишда шундан келиб чиқадиларки, бунда аванс тўловларнинг энг юқори миқдори контракт қийматининг 15 фоизидан ошмаслиги ҳамда чет эл корреспондент-банкнинг муқобил кафолати албатта мавжуд бўлиши керак.

9. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси корхоналарнинг экспорт-импорт операцияларни амалга оширишнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилишлари устидан мунтазам назоратни таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк бир ҳафта муддатда:

— норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар;

— шу йилнинг III чорагида давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш ва сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

— Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда республикада ўз тайёр маҳсулотини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида экспорт ва импорт божларини қайта кўриб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки миллий валюта — сўмни мустаҳкамлашга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида 1996 йил 1 январгача республиканинг олтин-валюта ресурсларини Марказий банкка бериш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги 234-сон қарорига илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 27 июнь,  
ПФ № 1193.

## НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИҚ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон кон-металлургия мажмуининг устувор ривожланишини таъминлаш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Навоий техника коллежи негизида Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

— кончилик ишлари, кон-металлургия, кимё-технология, энергетика ва машинасозлик соҳалари бўйича мутахассислар — конструкторлар, технологлар, таъмирловчилар ва шу соҳаларнинг ишлатувчиларини тайёрлаш;

— жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлари ютуқларини ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ўз илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни республиканинг муайян геологик ҳамда иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш;

— жаҳон фани ва технологияларининг энг янги ютуқлари негизида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш;

— республика кончилик тармоғини ривожлантиришни илмий таҳлил ва прогноз қилиш;

— чет эллардаги йирик ўқув юртлари, МДХ мамлакатларидаги етакчи кончилик ва кон-металлургия олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказлари билан кенг операцияни амалга ошириш.

3. Навоий шаҳридаги 2-ҳунар-техника билим юрти негизида Навоий давлат кончилик институти ҳузурида коллеж ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



15 кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 7 июль,  
ПФ № 1203.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА**

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнини кучайтириш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш, республикага хорижий сармоялар оқимини рағбатлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти соҳасида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида нотариф чоралардан тариф асосида тартибга солиш чоралари сари босқичма-босқич ўтиш ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

— Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони тариф ва нотариф асосида йўлга қўйиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорини бир ҳафта муддат ичида қабул қилиб, бунда меъёрланадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхати анча қисқартирилишини кўзда тутсин;

— тариф асосида тартибга солиш чоралари юзасидан қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида божхона ҳақи ставкаларини кўриб чиқувчи идоралараро комиссия тузилсин. Комиссия заруриятга қараб, божхона ҳақи ставкаларини ўзгартиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг товарлар импортидан бож ҳақи олишни бекор қилишга оид 14-бандининг амал қилиш муддати 1995 йил 1 октябргача узайтирилсин.

4. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортини нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган ташқи савдо

фирмалари тендер шартлари асосида амалга оширадилар.

Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи ташқи савдо фирмаларини давлат йўли билан рўйхатга олиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги зиммасига юклансин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фирмаларга Ўзбекистон республика валюта биржасида пул алмаштиришда устун ҳуқуқ берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг меъёрлашга, лицензиялашга, бож ҳақи ва экспорт чеклашларига тааллуқли 3, 4, 5, 6-иловаларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори чиққан пайдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 19 июль,  
ПФ № 1205.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакат қудратини ва иқтисодиётини мустақкамлашда, халқаро ва ички қатновни таъминлашда Ҳаво Флотининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиокомпанияси кўп минг кишилик жамоаларининг, Ҳарбий Ҳаво Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ва ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг авиацияни, авиация саноатини ривожлантиришга ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссасини назарда тутиб:

1. Август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Флоти Куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 21 июль,  
ПФ № 1206.

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ СУҒУРТА ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳамда кредиторларга қарз капитали эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк», «Мевасабзавотбанк» нинг, Тадбиркорлар уюшмасининг, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмасининг, Ишбилармон хотин-қизлар уюшмасининг «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Мадад» агентлиги муассисларининг агентлик устав жамғармасини 10 миллион сўм миқдоридида шакллантириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Мадад» суғурта агентлиги: юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади ва ўз фаолиятини Уставга мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ташкил қилади. Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ўз бўлинмаларига эга бўлади;

хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд) билан қалин алоқада ишлайди, белгиланган тартибда таклиф ва лойиҳалар экспертизасини, шунингдек Бизнес-фонд томонидан қарз олувчиларга кредит ажратиб бериш учун асос бўладиган суғурта полиси берилишини таъминлайди.

3. Қўйидагилар «Мадад» суғурта агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш;

— тадбиркорлик таваккалчиликларидан имтиёзли шартлар асосида суғурта йўли билан ҳимоя этиш, кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорнинг масъулиятини суғурталаш;

— республикада хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий

сармояларнинг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

4. «Мадад» агентлигининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги унинг суғурта жамғармасини шакллантиришга 100 миллион сўм миқдорда фойзсиз ссуда ажратиб берсин.

5. «Мадад» суғурта агентлиги қонунда белгиланган солиқлар, шунингдек мажбурий тўловлар тўлашдан уч йилга озод қилинсин, маблағларнинг шу қисми суғурта жамғармасини тўлдиришга ва уни техника билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Мадад» суғурта агентлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 26 июль,  
ПФ № 1207.

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ  
Қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил  
этиш ҳақида**

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш-молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи Фонд муассисларининг мазкур фонд негизида очиқ усулдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Шу нарса маълумот учун қабул қилинсинки, Уставга мувофиқ Бизнес-фонд ихтисослаштирилган нодавлат ташкилоти бўлиб, хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга қўйидаги йўллар билан мадад кўрсатади:

хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини пул билан таъминлаш;

хусусий корхоналар ва кичик бизнеснинг устав сар-  
моясида қатнашиш;

хусусий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнесга мас-  
лаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техни-  
кавий кўмак бериш.

3. Қўйидагилар Бизнес-фонд ресурсларининг манба-  
лари этиб белгилансин:

давлат мулкани сотишдан тушган маблағларнинг,  
давлат мулки иштирокидаги ҳиссадорлик жамиятлари  
фаолиятидан давлатга тегишли бўлган дивидендларнинг  
50 фоизи;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи фондга туш-  
ган маблағларнинг 10 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юри-  
дик шахсларнинг маблағлари;

хорижий юридик шахслар ва халқаро молия таш-  
килотларининг маблағлари.

4. Белгилаб қўйилсинки:

юқорида кўрсатилган маблағлар Бизнес-фонд томо-  
нидан қайтариб бериш шартлари асосида жалб этила-  
ди ва унинг «Ўзтадбиркорбанк»даги ҳисоб варағида  
жамланади. Устав фондининг маблағлари ҳам худди шу  
ҳисобварағига ўтказилади;

Бизнес-фонд кредитларни одатда «Мадад» суғурта  
Агентлиги томонидан қарз олувчига берилган суғурта  
полиси мавжуд бўлган тақдирда «Ўзтадбиркорбанк» ор-  
қали ажратиб беради.

5. Бизнес-фондни давлат йўли билан қўллаб-қувват-  
лаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Молия  
вазирлиги Бизнес-фонднинг бошланғич сармоясини шакл-  
лантириш ва уставда белгиланган фаолиятини амалга  
ошириш учун 100 миллион сўм пул ажратиб берсин.

6. Бизнес-фонд давлат томонидан рўйхатга олинган  
пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида қонунда белгиланган  
солиқларни, шунингдек мажбурий тўловларни тўлашдан  
озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни Бизнес-фонд-  
нинг сармоясини кўпайтиришга ва уни ривожлантириш-  
га сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбе-  
кистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни  
ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил  
этиш тўғрисида» 1993 йил 21 июлдаги Фармони ўз ку-  
чини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида уш-

бу Фармоннинг ижро этилишига оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 26 июль,  
ПФ № 1208.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БЎЛИНМАЛАРИНИ ДАВЛАТ  
ҲИССАДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ  
ТУҒРИСИДА**

Бозор механизмларини ташқи иқтисодий алоқалар тизимига жорий этишни жадаллаштириш ва ташқи савдони эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Ўзташқитранс» хўжалик ҳисобидаги давлат ташқи савдо бирлашмалари, «Марказсаноатэкспорт» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо фирмаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Ўрта Осиё Транс» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи иқтисодий транспорт-экспедиторлик компанияси айни ўша номлар билан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклидаги давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантирилсин.

Янги ташкил этилаётган ҳиссадорлик компанияларининг акциялари қуйидаги тартибда тақсимланиши кўзда тутилсин:

Ўз қиймати бўйича акцияларнинг 51 фоизи — уларни давлат номидан бошқариш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига:

Ўз қиймати бўйича акцияларнинг 25 фоизи — ташқи савдо компанияларининг жамоаларига;

Бозор қиймати бўйича акцияларнинг 24 фоизи — фонд бозорида очиқ сотилиши лозим.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Марказсаноатэкспорт» давлат ҳиссадорлик ташқи савдо компаниялари, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспорт юк ташиш давлат ҳиссадорлик компанияси, «Ўзташқитранс» давлат ҳиссадорлик транспорт-экспедиторлик компанияси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли айни шу ном

билан аталувчи ҳўжалик ҳисобидаги бўлинмаларининг барча мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади ва белгиланган тартибда қўйидагиларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар билан тузиладиган шартномалар асосида экспорт, шу жумладан марказлаштирилган тарзда экспорт қилиш;

Ўзбекистон Республикасидаги буюртмачиларнинг топшириқлари бўйича давлат эҳтиёжлари учун товарлар харид қилиш;

ташқи савдо операцияларини бажаришга оид хизматларни кўрсатиш, экспорт-импорт юklarини жўнатиш ва транспорт хизмати кўрсатиш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган давлат ҳиссадорлик компаниялари уставларига мувофиқ ўзини ўзи пул билан тўла таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида иш юритадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Марказсаноатэкспорт» давлат ҳиссадорлик ташқи савдо компанияларининг, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспорт юк ташиш давлат ҳиссадорлик компанияси ҳамда «Ўзташқитранс» давлат ҳиссадорлик транспорт-экспедиторлик компаниясининг уставларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида мазкур Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 14 август,  
ПФ № 1212.

### **ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БЎЙИЧА АГЕНТЛИКНИ ТАШҚИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб этиш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонда инвестиция таклифларини тайёрлаш ва рўёбга чиқаришда эҳтимол тутилган хорижий сармоядорларга ҳамда маҳаллий шерикларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Ноҳукумат ташкилоти мақомига эга бўлган хорижий сармоялар бўйича Агентликни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистондаги БМТ Ваколатхонасининг, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Давлат мулк қўмитасининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

— хорижий сармоялар бўйича Агентлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Инвестицияларга қўмаклашиш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий сармоялар бўйича Миллий агентлик негизида ташкил қилинади;

— Агентликнинг иши унинг ишчи аппарати ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади, кенгаш таркиби давлат бошқарув органларининг вакиллари, иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва мутахассислардан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг раҳбарларидан иборат бўлади;

— Агентлик фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, БМТ ривожланиш Дастури ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини институционал ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Хорижий сармоялар бўйича Агентликнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— инвестиция фаолияти соҳасида хорижий ташкилотлар ва фондларнинг иштирокида халқаро ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— хорижий сармояларни жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи соҳасида таклифларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

— иқтисодиётнинг турли секторларида инвестиция муҳитини ўрганиш, Ўзбекистондаги ва хорижий давлатлардаги инвестиция муҳитини қиёсий таҳлил этиш;

— Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти ва сиёсати масалалари бўйича ахборот-реклама нашрларини тайёрлаш, уларни халқаро тадбиркорлар орасида тарқатиш;

— инвестиция соҳасидаги таклифларни ишлаб чиқиш, уларни расмийлаштириш ва амалга ошириш тартиби юзасидан вазирликларга, идораларга, барча мулк-



чилик шаклларидаги корхоналарга, шунингдек маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига кўмак бериш;

— амалдаги техникавий кўмаклашиш дастурларидан ва халқаро ташкилотларнинг маълумот базаларидан фойдаланган ҳолда манфаатдор хорижий сармоядорларни излаш;

— амалий алоқаларни кенгайтириш, чет эл тажрибасини ёйиш ва хорижий сармояларни жалб этиш бўйича семинарлар, конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш;

— хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари уюштириш орқали амалий шериклик муассасаларини ташкил этишга кўмаклашиш;

— сармояларни жалб этишнинг турли шаклларини ўрганиш бўйича чет мамлакатларнинг сармояларга кўмаклашувчи хизматларида, компаниялари ва корхоналарида ўзбек мутахассисларининг малака оширишларини ташкил қилиш;

— юқорида айтиб ўтилган ишлар ва тадбирларни амалга оширишга хорижий экспертларни жалб этиш.

4. Хорижий сармоялар бўйича Агентлик рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил муддатга солиқлар тўлашдан, шунингдек қонунларда белгиланган мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинсин, бунда бўшаган маблағларни хорижий сармоялар бўйича Агентликнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни ижро этишга оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. А. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 21 август,

ПФ № 1234.

### **ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уни жонлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек акциядор инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1—4. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996

Йил 26 мартдаги Фармони билан ўз кучини йўқотди).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссияси билан биргаликда:

— инвестиция институтларининг фонд биржасидаги савдоларга баб-баравар киришини;

— ҳақиқий талаб ва таклифни, эмитентларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини, қимматли қоғозларнинг сотилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозлар очиқ савдога қўйилишини таъминласин.

6. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг манфаатдорлигини ошириш, фонд бозорида операцияларни фаоллаштириш мақсадида:

— 1995 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар ҳолида қимматли қоғозларнинг айланишидан, қимматли қоғозларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги тафовутдан олинган даромадлари уч йил муддатгача солиққа тортилишдан озод қилинсин;

— 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузиш чоғида битим қатнашчиларидан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғи бекор қилинсин;

— 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитентдан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғининг ставкаси эмиссия ўз қийматининг 0,5 фоизидан 0,1 фоизига камайтирилсин.

7. Қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторларнинг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси қимматли қоғозлар ва фонд биржалари Давлат комиссияси билан биргаликда:

— хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси эмитентларининг қимматли қоғозларини сотиб олишга, қўйилган маблағларни ва улар бўйича олинган даромадларини конвертациялашга, кейинчалик амалдаги қонунчиликка мувофиқ репатриация қилишга бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар;

— хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ўзбекистон эмитентлариникини чет мамлакатларга киритиш, рўйхатдан

Ўтказиш ва жойлаштириш тартибини 10 кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки корхоналарини акциялаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришни жадаллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 6-бандининг 2-хатбошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилсин.

11. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 7 сентябрь  
ПФ № 1270.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕАТР ВА МУСИҚА САНЪАТИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА  
РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Театр ва мусиқа санъати ютуқларини мустаҳкамлаш ва янада юксалтириш, маданиятнинг ушбу соҳаси ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, шунингдек республика театр ва мусиқа жамоатчилигининг истакларини эътиборга олиб:

1. 1995 йил 1 ноябрдан бошлаб театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадний ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концерт-мейстерлари учун:

узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

пенсияга чиқишда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган асосий пенсияга республи-

када белгиланган энг кам иш ҳақиға нисбатан ҳар ойлик устама миқдорлари 2-иловаға мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

республикада театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришнинг истиқбол дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театри ҳузурида 15 кишидан иборат стажёрлар гуруҳи ташкил этсин;

хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда театр ва мусиқа санъати учун махсус буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мусиқа санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида консерваториянинг янги комплексини қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Давархитект-қурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу масала бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда театр-концерт ташкилотлари ва кўрсатиб ўтилган ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1996—1997 йилларда бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг жорий этилишига алоқадор харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 20 кун муддатда амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларга қўшимчалар тўғрисида таклифлар тайёрласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни бажариш юзасидан икки ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 20 октябрь,

ПФ № 1280.

1-ИЛОВА

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимлари, театр ва мусиқа санъати бўйича ижодий ходимлар тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларига ва концертмейстерларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули

МИҚДОРЛАРИ

Хизмат муддатлари	Лавозим маошига нисбатан фонизлардаги ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари
<b>I. Ешидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган театр-концерт ташкилотлари артистлари</b>	
1 йилдан 3 йилгача	10
3 йилдан 5 йилгача	20
5 йилдан 10 йилгача	40
10 йилдан 15 йилгача	45
15 йилдан ортиқ	50
<b>II. Театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимлари</b>	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	20
10 йилдан 15 йилгача	35
15 йилдан 20 йилгача	40
20 йилдан 25 йилгача	45
25 йилдан ортиқ	50
<b>III. Ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари</b>	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	15
10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан 20 йилгача	30
20 йилдан 25 йилгача	40
25 йилдан ортиқ	50

2-ИЛОВА

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ва концертмейстерларининг асосий пенсияларига ҳар ойлик устамалар

**МИҚДОРЛАРИ**

Гуруҳлар	Энг кам иш ҳақига нисбатан фойзалардаги ҳар ойлик устама миқдори
1. Ёшдан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар	75
2. Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимлари, ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари	50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ваколатхоналарни, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларининг республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи ишлар вазирлиги ва

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда амалдаги қонунчиликни ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 14 ноябрь,  
ПФ № 1287.

**АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРДАГИ ВА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ  
БҮЙИЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИШ  
ТУҒРИСИДА**

Ижтимоий адолатни таъминлаш, одамларнинг қимматли қоғозларга ва банклардаги омонатларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, аҳолининг жамғармаларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. 1996 йилдан бошлаб:

аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида омонатда турган пул маблағларини;

аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни суғурта қилиш, никоҳ кунда бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш зарур деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги ва Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида омонатларда турган пул маблағларини индексация қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда республикада доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар эгадирлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Марказий банк, Халқ банки:

Ўтган даврдаги нархлар индексининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг I-бандда кўрсатилган омонатларини индексация қилиш бўйича зарур ҳисоб-китобларни амалга оширсинлар;

аҳолининг омонатлардаги индексация қилинган жамғармаларини, шунингдек узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини табақалаштирилган ҳолда тўлашнинг ягона тартиби ва муддатлари тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, Давлат суғурта бош бошқармаси, тижорат банклари:

барча омонатларни ҳамда ҳаётни, болаларни ва ниқоҳ кунда бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда уларни индексация қилсинлар;

1996 йил 1 мартгача бўлган муддатда «Индексация» махсус счетлари очсинлар, унга 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган аҳолининг омонатлардаги пул маблағларини киритсинлар;

1996 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан паспорт, республикада донмий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан яшаш гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар томонидан паспортнинг ўрнини босувчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилишига кўра очилган «Индексация» махсус счетлари бўйича омонат дафтарчалари берсинлар;

аҳолига омонатлардаги индексация қилинган пул маблағларини ва узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини тўлашни 1996 йил 1 июлдан бошлаб, тўлов йилига боғлиқ равишда табақалаштирилган миқдорларда, ўн йил давомида босқичма-босқич амалга оширсинлар.

5. 1992 йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган аҳоли омонатларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кўрсатиб ўтилган омонатларни манбалари ҳисобидан индексация қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига, тижорат банкларига аҳолининг омонатлардаги тикланган пул маблағларига «йўқлаб олинadиган» омонатлар бўйича



амалдаги белгиланган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб йиллик фоизлар тўлаш тавсия этилсин.

Инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили фоиз ставкалари миқдорлари қайта кўриб чиқилсин.

7. Аҳоли омонатларини ва Давлат суғуртаси шартномалари бўйича тўловларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Халқ банки ҳузурида «Қоплаш фонди» республика жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ҳузуридаги «Қоплаш фонди» республика жамғармаси туғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат бюджети маблағлари, шунингдек банк муассасаларининг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари «Қоплаш фонди»ни шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

8. Индексация қилиш ва аҳолининг пул жамғармаларини тўлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Республика комиссияси тузилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, туманлар ва шаҳарларда тегишли комиссиялар тузинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 20 декабрь,  
ПФ № 1327.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ  
ҲУЗУРИДАГИ «ҚОПЛАШ ФОНДИ» РЕСПУБЛИКА  
ЖАМҒАРМАСИ ТУҒРИСИДА**

### **НИЗОМ**

«Қоплаш фонди» республика жамғармаси аҳолининг 1999 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган омонатлари ва суғурта бадалларини индексация қилиш ҳамда омонатчиларнинг индексация қилинган пул маблағларини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ташкил этилади,

Низом «Қоплаш фонди» республика жамғармасини шакллантириш манбалари ва ундаи фойдаланиш тартибини белгилаб беради. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, барча банклар ва бюджетдан ташқари фондлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

### 1. «Қоплаш фонди»ни шакллантириш манбалари ва тартиби

1. «Қоплаш фонди» Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондларнинг йиллик бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади.

2. «Қоплаш фонди»нинг 50 фоизи бюджет маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи эса банкларнинг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондларнинг йиллик бадаллари миқдорлари тегишли йилга йил чораклари бўйича тақсимланган ҳолда маблағларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб Халқ банкининг ҳисоб-китоблари асосида белгиланади

4. Халқ банкининг келаси йилга ҳисоб-китоблари Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағлари индексация қилиш бўйича республика комиссиясига ҳар бир йилнинг 1 октябридан кечикмасдан тақдим этилади.

5. Молия вазирлиги республика бюджетини шакллантиришда ҳар йили «Қоплаш фонди»ни тўлдириш учун ажратиладиган маблағларни йил чораклари бўйича тақсимлаган ҳолда бир йилга зарур маблағларни назарда тутди.

6. Халқ банкида «Қоплаш фонди»га тушувчи маблағларни жамлаш ва ҳисобга олиш учун махсус ҳисоб очилади.

7. Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлар ҳар йили «Қоплаш фонди» бадаллари учун ҳар бир йилга Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш бўйича республика комиссияси томонидан белгиланган улушларда зарур маблағларни назарда тутадилар.

8. Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар йилнинг ҳар чорагида (чоракнинг биринчи ойининг 10-кунига қадар) «Қоплаш фонди»га республика комиссияси белгиланган миқдорларда маблағ ўтказадилар.

9. 1997 йилдан бошлаб «Қоплаш фонди» маблағларини шакллантириш чоғида ушбу фонднинг бўш турган маблағларини кредит ресурслари сифатида бозор ставкалари бўйича тижорат банкларига беришдан олинган даромадлар ҳисобга олинади.

## 2. «Қоплаш фонди»нинг маблағларидан фойдаланиш

«Қоплаш фонди»дан «Индексация» махсус счётларидан аҳолига индексация қилинган суммаларни тўлаш учун фойдаланилади.

Халқ банки муассасаларидаги «Индексация» махсус счётларида йўқлаб олинмаган суммалар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маблағлардан тижорат банкларига бозор ставкалари бўйича бериладиган кредит ресурслари сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки «Қоплаш фонди»га маблағларнинг ўз вақтида тушишини ҳамда аҳолига индексация қилинган суммалар берилишини ҳар ойда ҳисобга олиб боради ва доимий назоратни амалга оширади.

Халқ банки йилнинг ҳар чорагида тугаган йил чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги-га «Қоплаш фонди»га маблағлар тушиши ва улардан фойдаланиш ҳақида ҳисобот тақдим этади.

«Қоплаш фонди» республика жамғармасига маблағлар тушиши ва сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилади.

### 1996 ЙИЛНИ «АМИР ТЕМУР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби Амир Темури туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб,

унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан ҳиссасини назарда тутиб,

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб.

Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида,

1996 йил «Амир Темури йили» деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 26 декабрь,  
ПФ № 1333.

**УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҲАРБИЙ  
МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРГАН ЕКИ МАМЛАКАТ  
ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН ШАХСЛАРГА ПЕНСИЯЛАРНИ  
ТУЛАШ ТАРТИБИ ТУҒРИСИДА**

1. «Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тўғрисида» 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сон Фармонга қўшимча равишда шу нарса белгилаб қўйилсинки, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларини бажарган ёки мамлакат ичкарисидда ишлаган, ҳозирда ҳам ишлаб турган пенсионерларга 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидда пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот, мудофаа, ички ишлар, молия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ижтимоий суғурта фонди «Ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлаш тартиби»га бир ҳафта муддат ичида тегишли қўшимчаларни киритсинлар ҳамда республиканинг барча вазирликларига, идоралари, корхоналари ва ташкилотларига етказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда амалдаги қонунларни ушбу Фармон қондаларига мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги таклифларни бир ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 28 декабрь,  
ПФ № 1334.

**ТУЛОВ ИНТИЗОМИНИ ВА УЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР  
ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТУҒРИСИДА<sup>1</sup>**

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фао-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрель 1988 Фармони таҳририда.

лият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк», «Ғалла-банк», «Мевасабзавотбанк» ва бошқа тижорат банклари корхоналар ва ташкилотлар томонидан кафолатланган тўловларсиз маҳсулот етказиб берилишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тизими устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳосил бўлганлиги учун тижорат банкларининг раҳбарлари корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда шахсан жавоб берадилар.

2. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар:

республика истеъмолчиларига маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмининг камида 15 фоизига олдиндан ҳақ тўланган ҳолдагина юклаб жўнатсинлар;

харидорларга хизмат кўрсатувчи ваколатли банкларнинг кафолатлари мавжуд бўлганда, экспортга маҳсулот етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) юзасидан контрактлар тузсинлар ва уларни бажарсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси харидорларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг кафолати олингани тўғрисида ваколатли банкнинг тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда товармоддий бойликларнинг республикадан ташқарига чиқарилишига йўл қўймасин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси 1996 йил 1 февралдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизимига корхона ва ташкилотлар балансларида тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ажратиб кўрсатиш жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 24 январь

ПФ № 1363

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш, уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ижтимоий кафолатлар ва ҳуқуқларни кучайтириш, фуқароларнинг эркин пул маблағларини уй-жой қурилишига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат мулки қўмитасининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг, Халқ банкининг, «Ўзсаноатқурилиш-банк»нинг, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Тошкентуйжойжамғармабанк»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Банкнинг устав фондини 250 миллион сўм миққорида ҳосил қилиш тўғрисида муассисларнинг таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Тошкентуйжойжамғармабанк» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини пул билан таъминлаш учун фуқаролар ва юридик шахсларнинг эркин маблағларини жамлаш;

уй-жой сотиб олиш ҳуқуқини берадиган номлари кўрсатилган уй-жой облигацияларини муомалага чиқариш ва улар билан операциялар ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахслар топширган буюртмаларга мувофиқ уй-жойларни қуриш ва сотиб олиш бўйича буюртмачи сифатида иш юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини махсус уй-жой ссуда-жамғарма ҳисобварақларида жамғариш ҳамда уларни муомалага киритиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

уй-жойларни сотиб олиш ҳамда қуриш учун фуқароларга ва юридик шахсларга узоқ муддатли кредитлар бериш;

уй-жойларни барпо этишга оид лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини ўтказишга маблағ сарфлаш;

фуқароларга, уй-жой қурилиш мажмуига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ҳар томонлама банк ҳамда валюта-инвестиция хизматини кўрсатиш;

уй-жой қурилишига ажратилган маблағлар аниқ

мақсад йўлида фойдаланилиши, шунингдек пудрат қурилиш ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши ҳамда берилган кредитлар қайтарилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

3. «Тошкентуйжойжамғармабанк»ка тажриба тариқасида қуйидаги ҳуқуқ берилсин:

фуқаролар ва юридик шахсларнинг буюртмаларига мувофиқ уй-жойларни беками-кўст қуриб топшириш учун буюртмаларни танлов асосида пудрат ташкилотлари ўртасида тақсимлаш;

тузилган шартномаларга мувофиқ, кейинчалик жисмоний ва юридик шахсларга сотиш учун кўчмас мулк бозоридан мавжуд уй-жой фондини сотиб олиш, уни таъмирлаш борасидаги ишларни амалга ошириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг номлари кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича уй-жойларни сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар:

18 ёшга тўлган ва Тошкент шаҳрида камида уч йил доимий рўйхатдан ўтиб истиқомат қилувчи жисмоний шахслар — маҳалла қўмиталари ва туман ҳокимликларининг тавсияномалари бўйича;

Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча мулкчилик шаклидаги юридик шахслар ўз ходимлари учун — меҳнат жамоаларининг қарорлари бўйича.

5. Белгилаб қўйилсинки, жисмоний шахслар «Тошкентуйжойжамғармабанк»нинг уй-жой облигациялари бўйича сотиб оладиган уй-жой қийматининг 50 фоизи давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Юридик шахслар бундан истиснодир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили, «Тошкентуйжойжамғармабанк» томонидан мазкур шартлар асосида жисмоний шахсларга бериладиган уй-жойларнинг тахмин қилинаётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда ушбу банкка молиялаш ҳажмларининг 50 фозини аниқ мақсад учун ажратиб берсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан биргаликда ушбу мақсадларга сарфланадиган харажатларни молиялаш Тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. «Тошкентуйжойжамғармабанк» омонатчиларига қуйидаги имтиёзлар берилсин:

жисмоний шахслар номи кўрсатилган уй-жой обли-

гацияларини сотиб олишга ва «Тошкентуйжойжамфармабанк» кредитини тўлашга сарфлайдиган даромадининг қисмидан даромад солиғи тўлашдан;

юримдик шахслар «Тошкентуйжойжамфармабанк» билан тузилган шартномалар бўйича ўз ходимлари учун уй-жой сотиб олишга фойдаланадиган даромад (фойда) қисмидан даромад (фойда) солиғи тўлашдан;

жисмоний ва юримдик шахслар билан «Тошкентуйжойжамфармабанк» тузган шартномалар бўйича уй-жой қурилиши қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;

«Тошкентуйжойжамфармабанк» давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил мобайнида солиқлар тўлашдан ва қонунларда белгиланган мажбурий тўловлардан озод қилинсинлар. Бунда бўшаб қолган маблағларни устав фондини кўпайтиришга, банкнинг моддий-техника ва ресурс базасини мустақкамлашга йўналтириш шарт.

7. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, ҳар бир жисмоний шахс мазкур имтиёزلарни қўлланган ҳолда фақат битта квартирани сотиб олиши мумкин.

Уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб 5 йил мобайнида у сотиладиган ёки бошқача тарзда кимгадир топшириладиган, ижарага бериладиган ҳолларда, олинган кредитлар ва тегишли имтиёзлар ҳамда солиқлар уй-жой сотилган ёки кимгадир топширилган кун амалда бўлган ставкалар бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

8. Белгилаб қўйилсинки, уй-жой қурилиши ва уни сотиб олиш учун шартномаларни тузиш чоғида «Тошкентуйжойжамфармабанк»нинг номлари кўрсатилган уй-жой облигацияларининг дастлабки туркуми:

жисмоний шахслар учун — сотиб олиниши тахмин қилинаётган уй-жой майдонининг камида 20 фоизига;

ўз ходимларига уй-жой сотиб олувчи юримдик шахслар учун — уй-жой майдонининг камида 50 фоизига мувофиқ бўлиши керак.

Уй-жой қийматининг қолган қисмига «Тошкентуйжойжамфармабанк»:

(5-хатбоши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 мартдаги Фармони билан ўз кучини йўқотди).

Юримдик шахсларга — амалдаги такрор молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан бир йилгача муддат билан қисқа муддатли кредит берсин.

9. Жисмоний шахс уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун:



олган кредитини муддатидан илгари тўлаган тақдирда белгиланган имтиёзли фоиз ставкалари уч йилгача бўлса — 50 фоизга, беш йилгача бўлса — 30 фоизга камайтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғуртаси бош бошқармасининг уй-жой қурилиши учун мўлжалланган фуқароларнинг аниқ мақсад йўлидаги барча омонатлари жамики таваккалчиликлардан имтиёзли шартлар билан суғурталаниши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддатда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан биргаликда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 31 январь  
ПФ № 1366.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш

соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликларнинг аҳолини ва миллий бойликларни муҳофаза қилиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга, аҳолини, мамлакат ҳудудини муҳофаза қилишга ҳамда улар вужудга келган тақдирда халқ хўжалиги объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга, шунингдек аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими тузилмаларини тайёрлашга қаратилган мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун молия, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий -техника ресурсларининг давлат фавқулодда захира фондларини ташкил этишга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш;

вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

3. Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбарлик қилиш<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимларига;

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда — вазирларга, давлат қўмиталари ва уюшмалар бошқарувлари раисларига, кор-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил, 11 декабрь № 2153 Фармони таҳририда.

хоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг директорлари ва бошлиқларга юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар ҳудудий органлари негизида фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)ни ташкил этсинлар.

Ушбу банднинг бажарилиши тўғрисида 1996 йилнинг 15 апрелигача ахборот берсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таркибий бўлимлари ҳисобланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бошқармалари (бўлимлари) ҳуқуқида ишлайди;

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари лавозимига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, тегишли ҳудудлар ҳокимлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар;

фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан лавозимга тайинланадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажариш вазирликлар, идоралар, уюшмалар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 4 март,

ПФ № — 1378.

## **БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

*(кўчирма)*

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб болали оилаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтириш, ёш авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида:

2. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақалар миқдорлари кўпайтирилсин ва улар энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоиз миқдорида белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 4 март,  
ПФ № 1383.

### **БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Деҳқон, буюм бозорлари ва ярмаркаларда савдо-сотиқни тартибга солиш, тушаётган молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтириш, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида:

1. «Ўзтайёрловсавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва ҳокимликларнинг:

деҳқон, буюм бозорлари ва ярмаркаларни республика туманлари (шаҳарлари) ҳокимликлари ихтиёрига бериш тўғрисидаги;

озик-овқат ва бошқа истеъмол товарларини ишлаб чиқариш (етиштириш), тайёрлаш, транспортда ташиш ва сотиш жараёни барча манфаатдор қатнашчиларининг мол-мулки ҳамда маблағларини бирлаштириш асосида деҳқон, буюм бозорлари ва ярмаркалар негизида очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этиш тўғрисидаги;

Тошкент шаҳрида ва бошқа йирик шаҳарларда кўрсатиб ўтилган очиқ турдаги акционерлик жамиятлари-

нинг уюшмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

аҳолини кенг ассортиментдаги деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа истеъмол товарлари билан таъминлаш; деҳқонларнинг ҳамда бошқа озиқ-овқат ва буюм товарлари сотувчиларининг савдо-сотиқни амалга оширишлари учун зарур маиший шароитлар яратиш; ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат бошқа органлари билан биргаликда ушбу соҳада зарур тартибни таъминлаш ташкил этилаётган акционерлик жамиятларининг асосий вазифалари ҳисобланади;

ташкил этилаётган акционерлик жамиятлари акцияларининг, назорат пакети ҳудудида ушбу бозорлар ва ярмаркалар жойлашган туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ёки уларнинг ваколатли органларига тегишли бўлади;

акционерлик жамиятларига айлантирилган бозорлар ва ярмаркаларнинг жорий фаолияти туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тавсиясига ҳамда жойлардаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан келишувга биноан акционерларнинг умумий мажлиси тайинлайдиган директор томонидан таъминланади.

## 3. Белгилаб қўйилсинки:

бозорлар ва ярмаркаларнинг хизматлар кўрсатишдан, бозорлар ҳудудида жойлашган (унга тегишли бўлган) ер участкаларини ижарага беришдан, бинолари ва иншоотларидан фойдаланишдан, шунингдек бир марталик йиғимлардан тушадиган даромадларидан умумдавлат ва маҳаллий солиқлар олинмайди;

бозорларнинг савдо-харид фаолиятини юритишдан олинadиган даромадлари умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан 5 йил мобайнида озод қилинади;

бозорлар ва ярмаркалар даромадлари умумий суммасининг 50 фоизи бозорлар, ярмаркалар дирекциялари ихтиёрида қолдирилади ҳамда улардан жорий харажатлар, ишлаб турган бозорлар ва ярмаркаларни реконструкция қилиш, янгилаш ва янгиларини қуриш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун фойдаланилади. Даромадлар миқдорининг қолган 50 фоизи белгиланган тартибда маҳаллий бюджетларга йўналтирилади.

## 4. Ўзбекистон Республикаси Олий судига:

маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозорларга эркин кириб келишларига тўсқинлик қилувчи, юқори нархларни сунъий равишда сақлаб турувчи ва бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахсларнинг, шунингдек бозорларнинг савдони ташкил этишнинг қонунчилик билан белгиланган тартибини бузувчи, ноҳақ йиғимлар олиш ва товламачилик билан шуғулланувчи мансабдор шахслари ва маъмурияти ходимларининг ноқонуний фаолиятлари тўғрисидаги ишлар юзасидан суд амалиётини ўрганиб чиқиш;

Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларини кўрсатиб ўтилган ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиш тартиби ҳақида тушунтиришларни ишлаб чиқиш мақсадида ушбу масалани Олий суд Пленуми кўриб чиқиши учун киритиш тавсия қилинсин.

5. Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат солиқ қўмитаси (Гатаулин):

йирик бозорларда ходимларнинг доимий ишловчи гуруҳини ташкил этсинлар, уларга савдо, хизматлар кўрсатишнинг белгиланган қоидаларини бузувчи, рўйхатдан ўтиш, рухсатнома олиш ва солиқлар тўлашдан бош тортувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига мувофиқ маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш вазифасини юкласинлар;

маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозорларга эркин кириб келишларига тўсқинлик қилувчи шахсларнинг, юқори монопол нархларни сақлаб қолишни, мол-мулкларни куч ишлатиш ва йўқ қилиш билан қўрқитиб арзонга сотиб кетишни талаб қилувчи сотувчиларнинг, шунингдек бозорларнинг ноҳақ йиғимлар олувчи ва товламачилик билан шуғулланувчи раҳбарлари ва ходимларининг, давлат органлари бошқа мансабдор шахсларининг ноқонуний фаолиятларини тўхтатиш бўйича тезкор-олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

6. Адлия вазирлиги (Мирсафоев) Олий суд (Мингбоев) билан биргаликда савдо қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий ва жинойий ишларнинг судларда қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Муста-

фоев)га ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат бошқа органларининг савдо тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг содир бўлишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва бошқа истеъмол товарларини сотиш соҳасидаги уюшган жиноятчиликка қарши қурашдаги фаолиятларини мувофиқлаштиришни таъминлаш, бозорлар фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчиликнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш таклиф этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 5 март,  
ПФ № 1384.

**ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА  
ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, мулкдорлар синфини жадал шакллантириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон тадбиркорлари уюшмасининг ўз негизда жойларда ҳудудий бўлинмалари бўлган Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш асосида амалга оширувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Палата тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган, аъзолиги шарт бўлган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида бирлаштиради.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни бирлаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;

давлат ҳокимияти органларида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ифодалаш;

мавжуд бозор инфраструктураси объектларини ривожлантиришга ва янгиларини ташкил этишга кўмаклашиш;

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, реклама, юридик, ахборот ва бошқа турдаги консалтинг хизматлари кўрсатиш;

тадбиркорлик фаолиятининг ҳар хил турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

товар ишлаб чиқарувчиларга ва тадбиркорларга бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи, аудиторлик текширишларни ташкил этишда ва уни юритишда ёрдам кўрсатиш;

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнесрежалар ва лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини тузишда, қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ташкил этишда, омборхоналар, техника, асбоб-ускуна, жиҳозлар беришда, шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатишда кўмаклашиш;

йирик, шу жумладан хорижий ва кичик бизнес билан ҳамкорлик қилишнинг шакллари жорий қилишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қорақалпоғистон тадбиркорлар уюшмаси, вилоятлар тадбиркорлар уюшмалари ва Тошкент шаҳар тадбиркорлар уюшмаси негизида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталарини белгиланган тартибда ташкил этсинлар.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг ҳудудий палаталарини ташкил этишда, Ўзбекбирлашув ва «Ўзбексавдо» уюшмаси билан келишган ҳолда, уларнинг вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг инфраструктураси ва моддий-техника базасидан фойдаланилсин. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» уюшмаси Фармоннинг ушбу банди қандай бажарилганлиги тўғрисида 1996 йилнинг 1 июлигача ахборот берсинлар.

4. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсади-



да Ўзбекистон тадбиркорлари уюшмасининг Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди негизида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилсин.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фонди ресурслари манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хусусийлаштириш, бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш учун мўлжалланган маблағларнинг 10 фоизи, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси кўрсатилган маблағларнинг ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг маблағлари;

хорижий юридик шахслар ва халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фондига хусусийлаштирилган объектларни техник қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган маблағлардан 100 миллион сўм миқдоридан бераз молиявий ёрдам кўрсатсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлари қўллаб-қувватлаш фондига 50 млн. сўм ўтказсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари учун йўналтириладиган маблағларнинг 5 фоизини бозор инфраструктураси объектларини ташкил этиш учун Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталарига йўналтирсинлар.

7. Палатани ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фондини улар давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 5 йил муддатга солиқлардан, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурий тўловлардан;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари тадбиркорлар томонидан импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун тех-

нология асбоб-ускуналарини импорт қилишда божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинсин.

8. «Бизнес-фонд»нинг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан республиканинг кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлиги субъектларига молиявий, маслаҳат ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома тузиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларни мазкур Фармонга мувофиқлаштириш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни бажариш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 12 март,  
ПФ № — 1407.

**ЭКСПОРТГА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ  
КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚУШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Тайёр маҳсулот (хизматлар)нинг ташқи бозорларга кириб боришига кўмаклашиш, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш механизмини яратиш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб товарларга уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар томонидан чуқур ишланишига боғлиқ равишда бож пошлиналарининг табақалаштирилган ставкалари белгилансин.

2. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871-сонли Фармони билан ўз кучини йўқотган).

3. Белгилаб қўйилсинки, ҳисобот йили якунлари бўйича корхоналар томонидан товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорт ҳажмлари ўсишидан олинган эркин алмаштириладиган валютадаги тушум (фойда)дан олиннадиган солиқ тўлашдан озод қилинади.

4. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб экспорт қилувчи корхоналар, экспорт қилинувчи товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун фойдаланган моддий ресурс-

лар учун қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлашдан озод қилинсин.

5. Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватлаш учун зарур техник-иқтисодий асослашлар мавжуд бўлган тақдирда уч йил муддатга махсус фоизсиз заёмлар бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун махсус фоизсиз заёмлар манбаалари ҳақида таклиф киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг 2, 3, 4, 5-бандларида назарда тутилган имтиёзлар воситачи ташкилотларга, шунингдек экспорт қилинадиган хом ашё: пахта толаси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо рангли ва қора металллар, ип-калава ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 17 июндаги ПФ — 872-сон Фармонининг 2, 3, 4, 5, 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ҳафта муддатда мазкур Фармон қоидаларига мувофиқ бож пошлиналари ставкаларини тасдиқласин; икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларни тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 20 март,  
ПФ № 1411.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚУМИТАСИ  
ХУЗУРИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШЛАШНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА**

Қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш самарадорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлашти-

риш, сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссияси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ҳамда унинг жойларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тузилмалари таркибидаги ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилиши ва бозор қатнашчиларининг ягона реестрларини юритиш, қимматли қоғозлар бозорининг структураси ва ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар банкни ташкил этиш, қимматли қоғозлар муомаласини тартибга солиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботни йўлга қўйиш;

барча давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунлар қандай бажарилаётганини назорат қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

Ўзбек ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозлар чиқаришлари ҳамда уларнинг миллий ва халқаро қимматли қоғозлар бозорида самарали муомалада бўлиши учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминловчи норматив ҳўжжатларни ишлаб чиқиш;

қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар — сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ҳамда унинг қатнашчилари тўғрисида сармоядорларни ва жамоатчиликни кенг хабардор қилиш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат:

ва маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ва непрофессионал қатнашчилари, уларнинг бирлашмалари (уюшмалари), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида операцияларни амалга оширувчи фуқаролари ижро этишлари учун мажбурий ҳисобланади;

қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади;

қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ҳузурида шикоят аризаларини кўриб чиқиш бўйича Кенгаш тузилади, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, Республика «Тошкент» фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноҳукумат Агентлигини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи Агентликка хусусийлаштиришдан тушаётган маблағлар ҳисобидан 20 миллион сўм миқдорида қайтариб олинмайдиган бир йўла молиявий ёрдам берсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида мазкур Агентликни тузиш тўғрисидаги зарур таклифларни киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилиб, Марказнинг структурасини ва унинг тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қим-

матли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 7 сентябрдаги Фармонининг 1—4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 26 март,  
ПФ № — 1414.

**«ЎЗБЕКНАВО» ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Муסיқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон концерт ижодий жамоаларининг истакларини эътиборга олиб:

1. «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда худудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, у мулкчилик шаклларида ва қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштиради.

«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

3. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий муסיқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилиш;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли, комплекс, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш;

гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам-

да ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

4. Гастроль-концерт бирлашмаси, унинг корхоналари ва ташкилотлари давлат бюджетига ўтказиладиган давлат солиқларини тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли солиқ олинishi муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мусиқа-рақс санъатини янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустақкамлашга аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 5 апрель,  
ПФ № — 1419.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА**

1. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон «Бизнесфонди» бошқаруви, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари

бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишини ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқуллансин.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйганлиги эътироф этилсин.

Жамғарма қуйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилагани эътиборга олинсин:

— ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бош конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш;

— ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар,



жумладан хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ эканлиги эътироф этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг Устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қамолот» жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 17 апрель,  
ПФ № — 1425.

**«ЎЗБЕККИНО» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСINI  
ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ватанимиз кинематографиясини ташкил этиш даражаси ҳамда унинг Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, кўп асрлик маънавий, маданий қадриятлар ва миллий анъаналарини қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунингдек, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда миллий кинематография тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографиячилар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимлари билан биргаликда «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

киновидеомаҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказишда, шунингдек, кино тармоғини шакллантиришда ягона сиёсат юритиш;

Ўзбек миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий дунёқарашни шакллантиришда, айниқса, ёш авлодда шундай

дунёқарашни шакллантиришда кино санъатининг аҳамиятини ошириш, бадий жиҳатдан юксак кино ва видеофильмлар ишлаб чиқариш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш;

жаҳон кино санъатининг энг яхши ютуқларини тарғиб этиш, халқ онгида умумбашарий қадриятларга, миллий маданиятнинг буюк меъросига ҳурмат-эҳтиромни, келажакка ишонч туйғусини тарбиялаш;

ижодий-ишлаб чиқариш, кино кўрсатиш ва видео бирлашмалари, корхоналари, ташкилотлари ҳамда пунктлари қайси идорага мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

халқнинг маънавий-ахлоқий ва маданий мулкчининг бир қисми сифатида миллий кино ва видеофонд барпо этиш, мувофиқлаштириш ва сақлашда умумий умуммиллий сиёсат юритиш;

кино санъати соҳасида ташқи алоқалар ва фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ва минтақа кинофестивалларини ташкил этиш, биргаликда фильмлар яратишни мувофиқлаштириш;

кино тармоғини бошқариш, аҳолига кино-видео хизмати кўрсатиш объектларини ҳудудларга жойлаштиришни такомиллаштириш масалаларида республика ва маҳаллий идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

четдан харид қилинадиган кино ва видео маҳсулотига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видео фильмлар кўрсатиш ҳамда улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг ягона қондасини белгилаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси ҳуқуқий шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ихтиёрийлик асосида мулкчиликнинг барча шаклидаги киностудияларни, кино кўрсатиш ҳамда видео бирлашмалари ва пунктларини, шунингдек, бошқа кинематография ижодий ва ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини бирлаштирадиган очиқ турдаги акционерлик жамияти шаклидаги мустақил, ижодий-ишлаб чиқариш ва хўжалик бирлашмасидир.

4. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси зиммасига кино ва видео маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улардан нусха кўчириш, дубляж қилиш, кўрсатиш, импорт ва экспорт қилиш учун махсус ижозатномалар (лицензиялар) бериш вазифаси юклансин.

Шу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси иштирокида давлат кинематография ижодий-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларини, кинолаштириш ва кино кўрсатиш ҳудудий бошқармаларини, давлат мулкнинг бошқа турларини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириб қайтадан тузиш чораларини амалга оширсин.

Бунда қайтадан тузиладиган корхона ва ташкилотларнинг давлатга қарашли акцияларининг бир қисмини «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясининг дастлабки низом жамғармасини шакллантиришга йўналтириш кўзда тутилсин.

6. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар уч йил давомида фойда, мол-мулк ва ердан олинадиган солиқларни тўлашдан озод қилинсин.

Мазкур солиқ имтиёзларининг жорий этилиши муносабати билан компания ихтиёрида қоладиган маблағдан миллий кино санъатини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилсин.

7. «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компаниясига, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларга давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағдан моддий-техник базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддатда «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ПФ—360 Фармонининг Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясига тааллуқли бандларига алоқадор қисмлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 29 апрель,  
ПФ № — 1427.

## **ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 Май Ғалаба Күни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек байналминал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 1 май,  
ПФ № — 1459.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Халқаро талабларга жавоб берадиган молия-кредит тизимининг юқори малакали кадрларини тайёрлаш, шунингдек молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Марказий банки ва Банклар уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Банк-молия академияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

а) қўйидаги йўналишлар бўйича банк ишининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш:

- монетар сиёсат ва пул муомаласи;
  - молия менежменти, активлар ва пассивларни бошқариш;
  - инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама экспертиза қилиш ва молиялаш;
  - халқаро молия бозорларидаги операциялар;
  - банк аудити;
- б) халқаро банк ишидаги энг янги ютуқларга мунтазам суратда ўқитиш йўли билан банк раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- в) мамлакатда молия-пул тизимини ва банк ишини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш.

3. Республика бюджети ва Ўзбекистон Банклар уюшмасининг маблағлари тенг улушларда академияни молиялашнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Банклари уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда академия раҳбарияти билан биргаликда академия талабаларини, тингловчиларини ўқитиш ҳамда уларнинг ва профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш дастурларини пул билан таъминлаш учун халқаро молия муассасаларининг, хорижий банклар ва компанияларнинг маблағларини жалб этиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

4. Академия, у ташкил қиладиган муассасалар, корхоналар ва фондлар тузилган кундан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

5. Банк-молия академияси талабаларнинг биринчи қабулини 1996—1997 ўқув йилига белгиланган тартибда амалга оширсин. Ўқув йили бошлангунгача, академия кадрлар билан таъминланиб боришига қараб республика банк тизими мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўқув жараёнини, илмий ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш, шунингдек унинг моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш масалаларида Банк-молия академиясига ёрдам берсинлар. Шу мақсадда халқаро молия муассасаларининг, дунёдаги етакчи тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилиши таъминлансин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 2 май,  
ПФ № — 1460.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА  
ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида**

Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг қонунчиликка риоя этишнинг, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг фоят муҳим муассасаси сифатида телерадиоэшиттиришни янада ривожлантириш, шунингдек унинг республикадаги туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга таъсирини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси жойларда худудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио)га ўзгартирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси:

Давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг ҳуқуқий вориси, Ўзбекистонда телерадиоэшиттириш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади ва ўз фаолияти тўғрисида Вазрлар Маҳкамасига ҳисобот бериб боради;

жамоатчиликнинг оммавий ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи мустақил субъект ҳисобланади;

оммавий ахборот воситаларининг муассиси, таҳририяти, тарқатувчиси ва ношири ҳуқуқларига эга; республика бюджетидан, шунингдек тижорат ва хўжалик фаолиятдан олинadиган маблағлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг худудий (минтақавий) бўлинмалари:

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан таъсис этиладилар:

юрдик шахс ҳуқуқлари билан Ўзбекистон Телерадиокомпанияси таркибига кирадилар ва ўз фаолиятини ҳудудий телерадиокомпания тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширадилар;

маҳаллий ва республика бюджетларидан, шунингдек тижорат фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан маблағ билан таъминланадилар.

4. Қуйидагилар Телерадиокомпаниянинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

ахборотларнинг мафкурадан мутлақо ҳоли бўлишини назарда тутган ҳолда, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳолисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва қониқтириш;

мамлакат аҳолисини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;

мустақил давлатни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга жамоатчилик таъсирининг ортиб боришини таъминлаш, турли ижтимоий табақалар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни замонавий маданиятли жамият барпо этишнинг долзарб муаммоларини ошкора ва амалий муҳокама қилишга фаол жалб этиш;

мамлакатда конституциявий нормалар ва қонунчиликни чуқур тушунтириш, уларни рўёбга чиқаришга ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

жамоатчилик фикрининг хилма-хиллигини акс эттириш, инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган эътиқодлар ва инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш;

республика ичкарисида ва унинг ташқарисида телерадиоэшиттиришларни юксак даражадаги одоб, аниқлик ва ҳаққоният мезонлари асосида ташкил қилиш ҳамда ахборотларни тарқатиш. Шафқатсизликни тарғиб қиладиган, инсон қадр-қимматини таҳқирлайдиган ёки одамларни уларнинг дини, миллий ва маданий белгиларига қараб ҳақоратлаш сифатида талқин этилиши мумкин бўлган материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслик;

аҳолини фуқаролик жамияти қурилишига фаол жалб этиш, одамларни умуминсоний демократик қадриятлар ва миллий меросни ҳурмат қилиш, миллатлараро тотув-

лик ва дўстлик руҳида тарбиялаш, ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқатни шакллантириш;

эркин бунёдкорлик меҳнати ва тадбиркорлик тажрибасини фаол тарғиб этиш, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиёти вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги энг мақбул ва муқобил йўлларни излаб топишни рағбатлантириш;

телерадиоэшиттириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, замонавий техника билан жиҳозлаш ҳамда кўрсатув ва эшиттиришларнинг илғор технологияларига ўтиш йўли билан дастурларнинг касб маҳорати даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг жанр жиҳатдан хилма-хиллигини таъминлаш;

худудий телерадиоэшиттириш бўлинмаларига амалий ёрдам бериш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

етакчи хорижий телерадиокомпаниялар билан ижодий ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистонда уларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари очилишига фаол кўмаклашиш.

#### 5. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, бюджетдан маблағ билан таъминлаш миқдорлари аста-секин камайтириб борилишини ҳисобга олган ҳолда, компаниянинг 2000 йилдан бошлаб ўзини ўзи пул билан таъминлашга босқичма-босқич ўтишига оид таклифларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда телерадиокомпания ходимлари меҳнатини меъёрлаш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шакллариغا, яъни ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришларнинг амалдаги ҳажмига, сифатига, жанрларига ва рейтингига боғлиқ қилиб қўйилишини кўзда тутувчи шакллариغا ўтиш тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, унинг корхоналари ва ташкилотлари хўжалик, реклама ҳамда бошқа фаолиятдан тушган фойдадан олинадиган солиқдан 2000 йилгача озод қилинсин ва бўшайдиган маблағлар компаниянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин.



7. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда, етакчи хорижий теле, радио ҳамда бошқа компаниялар орқали жалб этиладиган замонавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни мамлакатнинг барча минтақаларига тарқатиш бўйича умумдавлат дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитасини Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 7 январдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 7 май.

ПФ № — 1462.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ҲУЗУРИДА МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Монополияга қарши давлат сиёсатини фаоллаштириш, рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунларини бажариш юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилсин.

Нарх сиёсатини ўтказиш соҳасидаги функциялар Ўз-

бекистон Республикаси Молия вазирлиги ва маҳаллий молия органларида сақлаб қолинсин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси рақобатни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни ўтказиш бўйича давлат бошқарув органи ҳисобланади;

Қўмитанинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва кўрсатмаларини бажариш вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини лавозимига кўра Молия вазирининг ўринбосари ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Раис бошқаради.

3. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

монополияга қарши қонунчиликка ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини яратишга ягона методологик ёндашувни, монополиядан чиқариш тармоқ ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шакллантиришга кўмаклашиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополистик фаолиятнинг, товар ва молия бозорларида устунлик мавқеининг суистеъмол қилинишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик, ноҳалол рақобатга ва истеъмолчилар манфаатларининг камситилишига барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш;

монополист бирлашмалар (корхоналар)нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрини юритиш;

ишда ошкораликни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан ихтисослашган даврий нашрлар орқали иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қандай амалга ошириладиганидан хабардор қилиб бориш;

монополияга қарши курашишни тартибга солиб бориш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги чет эл тажрибасини таҳлил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига:

хўжалик юритувчи субъектларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш тўғрисида;

хўжалик юритувчи субъектларнинг монополистик фаолият, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиш натижасида асоссиз олган даромади (фойдаси)ни нархларни тартибга солиш фондига мусодара этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

маҳаллий молия органлари билан биргаликда Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларнинг ноҳалол рақобат, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг нархлари асоссиз равишда оширилиши натижасида олинган даромад (фойда)ни нархларни тартибга солиш фондига олиб қўйишга оид қисми бажарилишини;

нархларни тартибга солиш фондига олиб қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши, фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармаларининг монополияга қарши сиёсатни ўтказиш бўлимлари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳу-

зуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаларини ташкил этсинлар.

Туман ва шаҳарларда — туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари молия бўлимлари ҳузурида монополияга қарши қонунчиликка ва истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича инспекторлар лавозими жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига, шунингдек тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига ҳисобот берадилар;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органлари бошлиқлари лавозимга Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадилар.

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ходимларига уларнинг ўз хизмат бурчларини бажаришларида кўмаклашсинлар, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг Қўмита ходимлари зиммасидаги вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларининг олдини олсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин, республика Ҳукуматининг норматив ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 15 май,  
ПФ № — 1464.

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ  
КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ВА УЛАРНИНГ  
ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республиканинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишга қўшадиган ҳиссани ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва инвестиция сиёсатидаги муҳим устуворлик ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида хорижий инвесторларнинг мулкка ва олинган даромадни олиб кетишга бўлган ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминловчи, улар учун қулай инвестиция муҳитини яратувчи кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими белгиланганлиги иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатлар чиқариш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш тақиқлансин.

Тегишли идоралар ва тузилмаларнинг раҳбарлари уларнинг фаолиятига энг аввало хорижий инвестициялар жалб қилинишига ва қўшма ишлаб чиқаришлар сони кўпайишига кўмаклашишларига ва рағбатлантиришла-

рига қараб баҳо берилиши ҳақида огоҳлантириб қўйилсин.

3. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш корхоналарига мансуб деб ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун 1996 йил 1 июндан бошлаб қўйидаги қўшимча имтиёзлар жорий қилинсин:

уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредити олиш ҳуқуқи берилсин, яъни бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача муддатга кечиктирилсин;

устав фондида хорижий сармоя улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этган корхоналар мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сўмдаги маблағлари хом ашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун эркин муомаладаги валютага кафолатли ва ўз вақтида конвертация қилиниши, шунингдек кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг хорижий муассисларига тегишли бўлган фойда ва дивидендларнинг конвертация қилиниши таъминлаши белгилаб қўйилсин.

Мазкур банднинг бажарилишини назорат қилиш Марказий банкка юклансин.

6. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва корпорациялар иштирокида 3-бандга мувофиқ тармоқлар, ишлаб чиқариш фаолияти соҳалари, республика ҳудудлари бў-

йича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш бўйича инвестиция таклифларини бир ой муддатда аниқлаштирсинлар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси кўрсатиб ўтилган устувор инвестиция таклифлари рўйхатини чет эл элчихоналари ва ваколатхоналарига, манфаатдор хорижий банкларга, фирмалар ва компанияларга етказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзистик-болстат» давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси Хорижий сармоялар бўйича агентлик билан бирга хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлашнинг ягона тизимини 1996 йил охиригача ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг йўналиши ва бориши, иқтисодиётга инвестиция қўйишнинг шартлари ва устувор йўналишлари, имтиёзлар ҳамда кафолатларнинг, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими билан хорижий инвесторларнинг кенг доирасини таништириш;

хорижий инвесторларни зарур қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, йўриқнома ва ахборот-маълумот материаллари билан таъминлаш;

ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумотлар базасини яратиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳисоб-китоблар тартибини соддалаштириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга кўрсатиладиган банк хизматлари тизимини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги соддалаштирилган виза режимини, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар таклифларига биноан ва иш юзасидан шерикчилик алоқалари ўрнатиш учун келувчи чет эл фуқарола-

ри ва мутахассисларининг келишлари ва кетишлари, яшашлари ҳамда республика ҳудуди бўйлаб юришлари тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кириштишга оид таклифларни бир ой муддатда тайёрласинлар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 31 май,  
ПФ № — 1467.

### **РЕСПУБЛИКАДА БАНК АУДИТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Банк тизимига ишончни мустаҳкамлаш, банкларни аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги холисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Тижорат банклари уюшмасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки:

Ўзбекистон Республикаси банк тизимига кирувчи банклар аудитини ўтказиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

банк аудитини ўтказиш хусусида мамлакатимиз ва чет эл аудиторлик фирмалари билан тузиладиган шартномалар бўйича буюртмачи сифатида чиқишга ҳақли;

республика ҳудудида иш юритувчи аудиторлик фирмалари ва аудиторларга банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқи учун тегишли сертификатлар ҳамда малака сертификатларини беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидагилар тавсия этилсин:

банк аудитини амалга оширишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг талаблари тўғрисидаги Низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

банк аудитини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик фирмаларининг рўйхатини белгиланган тартибда мунтазам суратда матбуотда эълон қилиб туриш;



банк аудитини ўтказиш учун ўз маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш.

3. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 24 июль,  
ПФ № — 1500.

**ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ  
ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан Давлат солиқ қўмитасининг Раиси В. С. Беганов) зиммасига юклансин<sup>1</sup>.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклларида қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади.

Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 30 сентябрь Фармони таҳририда.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши:

режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда ҳар бир чоракка мўлжалланган жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

комплекс текширишларни ўтказиш амалиётга жорий этилсин, бунда бир корхонадаги текшириш барча ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, шунинг ҳисобига ўтказиладиган текширишлар сони ва масалаларни такрорлаш кескин камайтирилсин.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни текширадиган идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги бундан мустасно), концернлар, корпорациялар, уюшмалар мавжуд тафтиш хизматларини тугатсинлар ва ўз таркибларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари қўлласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мазкур банднинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, 1997 йил бюджетда бошқарув идораларининг лавозимлари рўйхатидаги тегишли ўзгаришларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида» 1993 йил 10 декабрдаги 696-сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 8 ноябрдаги 574-сон Фармойишининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 8 август,  
ПФ № — 1503.

## **БЮДЖЕТ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР УЧУН ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ ва тўлов-интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари учун масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан бир-галикда тўловни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

2. Тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларининг ҳолатидан қатъи назар, солиқ тўловчида маблағ мавжуд бўлган тақдирда бюджетга тўловлар ўз вақтида ўтказилишини таъминласинлар.

Қарздор корхонанинг сўмлардаги маблағи етарли бўлмаган ва валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда вакил қилинган банкларга солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича мазкур валюта маблағларини Ўзбекистон республика валюта биржасида сотиладиган кундаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни узиш учун зарур ҳажмларда қатъий тартибда сотиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

экспорт маҳсулоти (марказлаштирилган экспорт бундан мустасно) республика божхона чегарасидан ўтган пайтдан бошлаб 60 кундан кейин сотилган ҳисобланади ва тегишли барча солиқ тўловлари тўланиши мажбур;

солиқ идораларининг сўрови бўйича банклар ўз ми-жозлари бўлмиш корхоналарнинг солиқ тўловларини бе-каму-кўст ва тўғри тўлаётганликлари устидан назорат-ни амалга ошириш учун шу корхоналарнинг операция-лари тўғрисидаги зарур маълумотларни беришлари шарт;

хўжалик юритувчи субъект хизмат кўрсатувчи бошқа

Банкка ўтганида у солиқ идорасининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича ўзининг давлат бюджети билан ўзаро муносабатлари қандай ҳолатда экани тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши кѐрак. Бунда хўжалик юритувчи субъект бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан кейингина янги ҳисоб-китоб варагини очишга йўл қўйилади;

барча чакана савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳолансин ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилсин;

корхоналар ва тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга векселлар билан операциялар бўйича ёки бажарилиши тўхтатилган шартнома бўйича олдиндан тўлаш ҳолида тушган тўловларни қайтариш мақсадида нақд пул маблағларини тўлашга йўл қўйилмайди. Мазкур пул маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли ҳисоб-китоб (жорий) варақларига ўтказилиши лозим. Белгиланган тартибни бузганлик учун айбдор корхона ва тижорат банкига юридик ёки жисмоний шахснинг банк ҳисоб-варағига олдиндан ўтказилмай берилган нақд пул маблағи миқдорида жарима солинади.

4. 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза асосидаги шартномалар тузиш тақиқлансин.

5. Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўласинлар, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўймасинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу тартибни бузиш даромадни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда векселларни қўлланиш бюджет билан ҳисоб-китоблар тартибининг бузилишига олиб келмаслигини назарда тутган ҳолда вексел муомаласини такомиллашти-

ришга оид таклифларни бир ой муддатда тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб республика Молия вазирлиги ва молия идораларининг таркибига республиканинг акциз солиғига тортиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи катта корхоналарида акциз солиқлари бўйича инспекторлар лавозимини жорий этиш, уларнинг зиммасига акциз солиқларини хомчўт қилиш ва тушумини таъминлаш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси солиқ тўловчи мазкур катта корхоналар, биринчи навбатда вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган шундай корхоналарда даромадларни муттасил назорат қилиш ҳамда бюджет олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун уларнинг рўйхатини ҳар йили тасдиқласин.

8. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 март Фармони билан ўз кучини йўқотди).

9. Республиканинг суд ва солиқ идоралари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишга йўл қўяётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 176-моддасида кўзда тутилган маъмурий таъсир чораларини кенгроқ қўлласинлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 9 август,  
ПФ № — 1504.

**«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚУШИҚ БАЙРАМИ  
ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз

маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини, минглаб фуқароларимиз томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганлигини эътиборга олиб, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачуғидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадний савиядаги мусиқа асарлар ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият туғдириш мақсадида:

1. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида қўшиқ байрамини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 27 август,  
ПФ № — 1550.

**САМАРҚАНД ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА**

Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳон илму фани, маданияти ва меъморчилик санъатининг ривожланишига ҳамда давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва шаҳар аҳлининг ўзбек халқи тарихий ва маънавий меросини кўп асрлар мобайнида авайлаб-асраб, жаҳонга машҳур этишдаги ғоятда катта хизматларини эътиборга олиб, мустақил мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги фаол иштироки учун ҳамда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 28 август,  
ПФ № — 1553.

## **ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Шаҳрисабз шаҳри аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб вояга етказиш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб ҳамда соҳибқирон Амир Темур Таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан **Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени** билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 28 август.  
ПФ № — 1554.

## **РЕСПУБЛИКАДА НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Республикада эркин алмаштириладиган валютада ҳисоб-китоблар ва хизматларнинг барча турларини тезкорлик билан амалга ошириб, хорижий ҳамда ватанимиздаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли валюта маблағларининг Ўзбекистон Республикасига ўз вақтида ўтказилишини таъминлаётган ваколатли банклар тармоғи вужудга келтирилган.

Шу билан бирга текширишларнинг кўрсатишича, республикада валютани тартибга солиш тўғрисида амал қилаётган қонунлар жиддий равишда бузилмоқда. Шуларга мувофиқ миллий валюта — сўм Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси ҳисобланади ва хорижий валютада, шу жумладан нақд ҳолида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш ман қилинган. Мазкур тартибни бузганлик учун жавобгарлик, ҳатто жиноий жавобгарлик чоралари ҳам кўзда тутилган.

Назорат қилинмаётган бозорда ғайриқонуний равишда сотиш ва олинаётган даромадларнинг солиққа тортилишидан бўйин товлаш мақсадида ажнабий фуқаролар нақд хорижий валютани каттагина ҳажмларда олиб келиш ва ҳисоб-китобларда фойдаланиш ҳолларига йўл

қўйилмоқда, бу эса миллий валютага нисбатан ишончга салбий таъсир қилмоқда.

Бундай тартиб-қоидаларнинг бузилишига чек қўйиш ва республиканинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунларига оғишмай риоя этиш мақсадида:

1. Корхоналар ва ташкилотлар, бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари республикада белгиланган тартибга қатъий амал қилсинлар, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта — сўм ягона қонуний тўлов воситаси ҳисобланади ва шуни назарда тутсинларки, мазкур тартибни бузганлик учун жавобгарлик, ҳатто жиноий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юридик шахслар нақд хорижий валютани олиб киришлари ва олиб чиқиб кетишларига йўл қўйилмайди, ваколатли банклар эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан берилган рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирдагина бунини амалга оширадилар.

3. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 март Фармони билан бекор қилинди).

4. Махфий.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар резидентлар ва норезидентлар, шу жумладан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар томонидан барча турдаги ишлар ва хизматлар ҳақини, шу жумладан маош ва унга тенглаштирилган тўловларни беришда нақд хорижий валютада ҳисоб-китоблар ҳамда тўловларни амалга оширишлари қатъиян ман қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур тўловлар Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасида, шунингдек сўмларни республика тижорат банкларидаги тегишли ҳисобварақларга ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Норезидентлар учун тўловлар юқорида кўрсатилган тўлов шакллари билан бир қаторда хорижий валютани уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги валюта ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Барча мулкчилик шаклидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига Фармоннинг ушбу банди бажарилиши учун шахсий масъулият юклатилсин. Огоҳлантириб қўйилсинки, бунинг бузилишига йўл қў-



йилган тақдирда уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлмиш ходимларига барча турдаги ишлар ва хизматлар учун миллий валютада ҳақ тўлаш бўйича; шунингдек нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тўғрисида хорижий давлатларнинг элчихоналари ҳамда чет эл фирмалари, компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан иш олиб борсинлар.

7. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, ваколатли банклари «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбектуризм» уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда пластик ҳисоб-китоб карточкаларини қўлланиш тармоқларининг кенгайтирилишини, товарларнинг чекларга сотилишини ҳамда товарлар ва хизматлар учун нақдсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари жорий этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси темир йўл, автомобиль, авиация ва дарё транспорти билан божхона чегараси кесиб ўтиладиган жойларда қўшимча божхона постларини очиш бўйича таклифларни икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликни ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг рўёбга чиқарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. М. Муллажонов, Ташқи ишлар вазири А. Ҳ. Комилов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 24 октябрь,  
ПФ № — 1601.

## **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгилансин:

— миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ўринбосари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун харажатлар моддаси бўйича ажратиладиган маблағдан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўшаб қолган маблағни марказнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфлаш шарти билан беш йилгача солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан озод қилинсин.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхати-га киритилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» маҳсус журналинини нашр этишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг сўровига мувофиқ республикада инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этсинлар.

9. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича

**Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатсинлар.**

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 31 октябрь,  
ПФ № — 1611.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш масалаларида уларнинг мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилсин.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат бошқарув органи деб белгилаб қўйилсин ва унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

суғориладиган ерлар унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган ягона стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Республика сув хўжалиги ташкилотларининг, лойиҳа-қидирув, илмий, гидрогеология-мелиоратив, тупроқ-ер тузилиши ҳамда таъмирлаш-қурилиш муассасалари ва корхоналари имкониятларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланиш;

мамлакатимиздаги илғор тажриба ва жаҳондаги энг яхши ютуқларни уйғунлаштириб, қишлоқ ва сув хўжалигида ягона илмий-техникавий ва технологик сиёсатни юритиш;

қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш мақсадида уларнинг манфаатларини бирлаштириш;

аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати ва хусусий ташаббускорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи ва майда улгуржи бозорларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини оқилона ташкил этиш, алмашлаб экиш ва экинларни навбат билан экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, бозор талабларига қараб экин майдонлари таркиби ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини бошқариш;

агросаноат мажмуи ҳолатини таҳлил этиш ва уни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашё етиштириш ҳамда улар ҳаракатда бўладиган аниқ мақсадни кўзловчи дастур ва балансларини тузиш;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини, чорвачиликда наслчилик ишини ва ветеринария хизматини ташкил этиш, уруғлик сифатини, пестицид ва ўғитларнинг қўлланилиши, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликлари тарқалишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш, янги турдаги техника, машина ва механизмларни жорий этиш асосида уни интенсивлашни таъминлаш;

ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг барча тоифаларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга ошириш;

қадимдан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янгилаш, янги ерларни ўзлаштириш, суғоришнинг илғор усулларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш;

экология муаммолари ва Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳисобга олиб, барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш;

катта каналлар, йирик сув омборлари ва бошқа сув

хўжалиги иншоотлари ва тизимларини давлат йўли билан бошқариш;

олий ва ўрта махсус таълимни ташкил этиш, фермерларни ўқитиш, ходимларни тайёрлаш, уларнинг ма-лакасини ошириш, агросаноат мажмуи соҳасида давлат кадрлар сиёсатини ўтказиш.

3. Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ташкил этилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва тегишли ҳудуд ҳокимиغا бўйсунитилиши белгилаб қўйилсин.

Вазирлик таркибидаги мавжуд республика ишлаб чиқариш бирлашмалари, корпорациялар ва бошқа ташкилотлар сақлаб қолинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари ер ва сувдан фойдаланиш турларидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш шаклларида қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштириш учун уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тузишга доир ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун ташкилот қўмитаси тузилсин.

Ташкилот қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш, унинг таркиби, штатлар сони ва вазирлик тўғрисидаги Низом ҳақида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини икки ҳафта муддатда тайёрлаш топширилсин. Қарор лойиҳасини тайёрлаш чоғида икки вазирлик негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар учун зарур рағбатлантирувчи шароит яратиши лозим бўлган мутлақо янги бошқарув органи барпо этилиши назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил

8 декабрда чиқарган «Ўзбекистон ССР агросаноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 107-Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 1 ноябрь,  
ПФ № — 1617.

**ТУМАНГА БЎЙСУНУВЧИ ШАҲАРЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ  
БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва ҳудудий бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш, маъмурий-бошқарув ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш; уларни сақлашга харажатларни камайтириш мақсадида:

1. Туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликларининг аппаратларини тугатиш ва уларнинг вазифаларини тегишли туманлар ҳокимликларининг аппаратларига топшириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимларининг таклифи қабул қилинсин.

2. Туманга бўйсунувчи шаҳарларга эга бўлган туманлар ҳокимликларининг штат жадвалига туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — шаҳар ҳокими қўшимча лавозими киритилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси, вилоятларнинг ҳокимлари тегишли ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар ҳамда бўшайдиган ходимларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этсинлар.

4. Ушбу Фармоннинг ижро этилишини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 26 ноябрь,  
ПФ № — 1651.

## **ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚУШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек республика иқтисодиётига сармоя қўядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;  
корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 март Фармони таҳририда).

2. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган ҳамда хўжалик фаолиятдан тушадиган жами маблағнинг 60 фоиздан кўпроғи низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот ва (ёки) кўрсатаётган сервис хизмати улушига тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига киради.

3. Ушбу Фармон қабул қилингунга қадар рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзлари белгиланган муддат тугагунча сақлаб қолинсин.

4. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сар-



мойлар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун амалдаги кафолатлар ва имтиёзларга қўшимча равишда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турлари жорий этилсин:

4.1. Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ сарфлаётган хорижий сармойлар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинadиган солиқдан озод қилиш муддати 5 йилдан 7 йилга қадар узайтирилсин.

Илгари Республика инвестиция дастурига киритилган хорижий сармойлар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун мазкур Фармоннинг 1-бандида кўзда тутилган шартларга риоя этилгани ҳолда аввал берилган имтиёзли муддатни ҳисобга олиб, солиққа тортиш имтиёзли режимининг умумий даври 7 йилгача оширилади.

4.2. Низом жамғармасидаги хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармойлар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан олинadиган солиқнинг амалдаги ставкалари камайтирилиб, улар низом жамғармасининг катталигига қараб қуйидаги миқдорларда белгилансин:

300 минг АҚШ долларидан 1 млн, долларигача тенг бўлган суммадан — 20 фоиз миқдориди;

1 млн. АҚШ долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан — 16 фоиз миқдориди.

4.3. Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий сармойлар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари:

агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинadиган солиқни тўлашдан озод қилинсин. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасидан солиқ амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинсин;

агар корхонанинг низом жамғармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинadиган солиқни тўлашдан озод қилинсин.

Фойдадан олинadиган солиқ тўлашдан озод қилинган хорижий сармойлар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш чоғида белгиланган имтиёзли давр-

дан сўнг бир йил ўтгунга қадар солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.4. Низом жамғармасида хорижий сармоялар улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси солиққа тортишдан озод қилинсин.

4.5. Қўшимча солиқ имтиёзлари 1997 йилнинг 1 январига қадар ишлаб турган ва рўйхатга олинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин, бунда улар ўзларининг таъсис ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришлари ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари жумласига кирмайдиган янгидан ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амалдаги ва қўшимча равишда жорий этилаётган солиқ имтиёзлари тадбиқ қилинмайди.

6. Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охириги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июнь Фармони таҳририда).

7. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 30 ноябрь,  
ПФ № — 1652.

## ! **ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА**

1. Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш мақсадида иловада кўрсатилган қатор Республика жамоат ташкилотлари, вазирликлар, муассасалар, корхоналарнинг, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Жамғарма ўзини-ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият кўрсатувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси эканлиги таъкидлансин.

3. Жамғарма қуйидаги мақсад ва вазифаларни ўз фаолиятининг асоси этиб белгилаганлиги эътиборга олинсин:

— республикада ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъозлаш, уларнинг атрофида эҳтиромли муҳит ҳосил қилиш, зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашиш;

— мустақил Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, фахрийларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари, бор билим ва салоҳиятларини истиқлол ишига сафарбар этишлари, мустабид совет тузумининг халқимиз, ўлкамиз тараққиётига етказган зарарини чуқур таҳлил қилиш ҳамда жамоатчиликка етказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— миллий қадриятларимиз, ўзбекона эрксеварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тотувлик, бошқаларга иззат-икром ҳислатларини авлоддан-авлодга ўтиб янада бойишига ҳисса қўшиш, ёшларни она Ватанга, халқимизга, истиқлол ишига садоқат, буюк келажак учун курашчанлик руҳида тарбиялашда самарали фаолият кўрсатиш;

— фахрийлар ва ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, улар учун белгиланган имтиёзларнинг, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг тўла ва ўз вақтида амалга оширилишида раҳнамолик қилиш, бу борада ижрочи ҳокимият органларига кўмаклашиш, кексалар, ёрдамга муҳтож ва бошқа турли табақаларга савдо, маданий-

маиший, тиббий ёрдамлар кўрсатиш, шу мақсадларга йўналтирилган ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия ишларини амалга ошириш, оммавий тадбирлар ўтказиш.

4. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар, бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг кекса авлод олдидagi фарзандлик бурчи деб ҳисоблансин.

5. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий ҳомийлар учун очиқ эканлиги маълум қилинсин.

6. Жойларда жамғарманинг тегишли тузилмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

7. «Нуроний» жамғармаси, унинг жойлардаги бўлимлари тасарруфидаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари Уставда кўрсатилган мақсад ва вазифалар доирасида кўрсатган фаолияти учун барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Нуроний» жамғармасининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 4 декабрь,  
ПФ № — 1655.

### **БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари то-

монидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролари йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

бир нафар болали оилаларга	—	50 фоиз;
икки нафар болали оилаларга	—	100 фоиз;
уч нафар болали оилаларга	—	140 фоиз;
тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга	—	175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисобварақлари (илова ҳисобварақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ—1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (2-банди бундан мустасно).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 10 декабрь,  
ПФ № — 1657.

**КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКРОТЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҚОНУНЧИЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ҲАҚИДА<sup>1</sup>**

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш, корхоналар банкротлигининг олдини олишга, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан банкротлик ва санациялаш (давлат ҳисобидан ёрдам бериш) тўғрисидаги ишлар бўйича ишлаб чиқариш тадбирларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек кредиторлар ҳамда акциядорларнинг манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги Фармони билан ўз кучини йўқотди).

2. Ҳукумат комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июль Фармони таҳририда.

корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ва улар банкрот бўлишининг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини ўтказиш;

мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тўғрисидаги ёки санациялаш ҳақидаги ишларни хўжалик судларининг кўриб чиқиши учун киритиш;

банкротликка олиб келган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш ва шунга оид қарорлар қабул қилиш;

қарздор корхонага нисбатан санацияни ўтказишнинг асосий принциплари ва тартибини, вакил қилинган органлар ва ташкилотларнинг уни ўтказишда қатнашиш шартларини тасдиқлаш;

корхоналарни санациялашга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қарздор корхонани ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ҳамда қарздор корхона раҳбариятининг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш режаларини ва тугатиш жараёни ниҳоясига етказилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

банкрот деб топилган корхонани санациялаш ёки тугатиш тўғрисидаги хўжалик суди қарорларининг ижросини назорат қилиш;

мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш, бу қарор кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёни Фармойиши билан тасдиқланиши шарт.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузурида иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги ишлар бўйича Қўмита (бундан буён — Қўмита) ташкил қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қўмита:

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги давлат бошқарув органи ҳуқуқларига эга бўлган мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

банкротлик ва санация масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи бўлиб хизмат қилади;

мол-мулкида давлат мол-мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этади;

барча мулкчилик шаклидаги иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ёки санациялаш жараёнида кредиторларнинг манфаатлари ва акциядорлар (пайчилар)нинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

5. Қуйидагилар Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

корхоналар ва ташкилотлар молия-хўжалик ҳолатининг мониторинги, улар фаолиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини қўлланишдан келиб чиқадиган жараёнларни амалга ошириш мақсадида меъёрий ва услубий базани яратиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

иқтисодий ночор хўжалик юритиш субъектини банкрот деб топиш ҳақида ёки қарздор корхонани санациялаш тўғрисида илтимосномаларни, банкротликнинг ташқи белгиларига эга бўлган корхоналарни қайтадан ташкил этиш ва тугатиш механизми бўйича таклифларни банкротлик ва санация масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига киритиш;

хўжалик судининг қарорларига мувофиқ иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш ёки тугатиш жараёнини ташкил этиш, кредиторларнинг банкрот корхонага нисбатан даъволари қондирилишига кўмаклашиш, тугатиш ҳамда санациялаш жараёнида акциядорлар (пайчилар)нинг мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

иқтисодий ночор корхонани қайта ташкил этиш даврида банкротлик ва санация масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарорига биноан шу корхона мулкӣ бошқаришга вакил қилинган орган вазифаларини бажариш;

банкрот корхонанинг мол-мулкӣни кимошди савдолари орқали сотиш борасидаги ишларни ташкил этиш;

иқтисодий ночор корхоналар, уларнинг қарз миқдорлари ҳамда йиғилиб қолган қарзларининг турлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;



ночор қарздорнинг мулкини рўйхатга олиш ва қий-  
матини баҳолаш ҳамда унинг кредиторлар олдидаги,  
бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тў-  
ловлари бўйича мажбуриятларини рўйхатдан ўтказиб  
баҳолаш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

банкротлик хавфини бартараф этишга қаратилган  
чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда  
хўжалик юритувчи субъектларга шартнома асосида ёр-  
дам кўрсатиш.

6. Қўмитага қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

иқтисодий ночор корхоналарни қайта ташкил этиш  
дастурларини тузишда, хўжалик суди томонидан банк-  
рот деб топилган ночор қарздор корхоналарни туга-  
тишда иштирок этиш;

тугатиш жараёнини амалга оширишда фаол иштирок  
этиш ва ишончли шахс сифатида қатнашиш, мол-мулки-  
да давлат мулкининг улуши бўлган ҳамда хўжалик суд-  
лари томонидан банкрот деб эътироф этилган қарздор-  
лар бўйича тугатиш комиссияларини ташкил этиш;

тўлов қобилиятини йўқотган корхоналарни санаця-  
лаш ва банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектларни  
тугатиш учун ажратилган маблағларни тасарруф этиш;

ўз ваколати доирасида ижро этиш учун мажбурий  
бўлган қарорлар ва норматив ҳужжатлар чиқариш;

қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органла-  
ри, иқтисодиёт ва статистика органларидан корхоналар-  
нинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги маълумотларни  
олиш;

экспертизаларни ўтказиш, ночор қарздорларни ту-  
гатиш ёки корхоналарни санацялаш режаларини ишлаб  
чиқиш учун белгиланган тартибда вазирликлар, идора-  
лар, корхоналар ва ташкилотларнинг, аудиторлик фир-  
маларининг мутахассисларини жалб этиш.

7. Қўмита қўзғатилган даъволар бўйича хўжалик  
судларининг кўриб чиқиши учун киритиладиган ишлар  
бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

8. Қўмита ҳузурида корхоналарни санацялаш жам-  
ғармаси тузилиб, унинг манбалари қуйидагилардан ибор-  
рат қилиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси  
билан Меҳнат вазирлиги тенг улушларда бир йўла қў-  
шадиган 100 млн. сўм;

давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан  
тушадиган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки

қўмитаси ихтиёрида қоладиган улушнинг 5 фоизи миқдоридоги маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар шартнома асосида ихтиёрий равишда қўшадиган маблағлар;

иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита мансабдор шахслардан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим қилинмагани ёки ўз вақтида тақдим қилинмагани учун ундириб олинган жарималар;

банкрот корхоналарни кимошди савдоси орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, кредиторларнинг талаби қондирилган тақдирда мулкнинг баҳоланиш ва сотилиш қиймати ўртасидаги фарқдан тушган маблағларнинг бир қисми.

9. «Ўзистикболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари Қўмитанинг таклифларига мувофиқ унга қарздор корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида зарур бўладиган ана шундай қарздорлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида:

корхоналарни банкротликка олиб келган корхона раҳбарларининг маъмурий-жиноий жавобгарлигини ошириш тўғрисидаги;

ҳозир амалда бўлган қонун ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни киритсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни рўёбга чиқариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 11 декабрь.

ПФ № — 1658.

**ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ВА УЛАРНИНГ САРМОЯ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ  
ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришни, уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини кучайтиришни, юқори малакали ишчилар ва мутахассисларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, валюта операцияларини амалга оширишга лицензияси бўлган тижорат банкларига ўз маблағи ва жалб этиладиган кредит ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларига эркин алмаштириладиган валютада кредит беришга, шунингдек сармоя учун валюта билан бериладиган кредитларга фоиз ставкаларини мустақил белгилашга рухсат этилсин.

2. Хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун иш ҳақига сарфланадиган маблағларни давлат йўли билан бошқаришнинг амалдаги тартиби 1997 йил 1 январдан бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки бир ҳафта муддатда амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мазкур Фармон асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш туғрисида таклифларни тайёрласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажоновга юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 13 декабрь.

ПФ № — 1659.

**РЕСПУБЛИКАДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ, МАДАНИЯТ  
ВА САНЪАТ УҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
ЯХШИЛАШ ТУҒРИСИДА**

Еш авлодни ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий-иждодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, рес-

публика маданият ва санъат билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўз тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларини «Таълим муассасалари» рўйхатига киритиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

1997 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари (директор, директор ўринбосари, ўқитувчи ва концертмейстрлари)га Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 январдаги 3-сонли қарорида белгиланган имтиёзлар; ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, концертмейстрларига ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қарорида белгиланган моддий рағбатлантириш бўйича барча имтиёзлар татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига:

тегишли вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳозирги замон ижодий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш;

ўқув юртларини юқори сифатли чолғу асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

нодир, қимматбаҳо мусиқа асбобларини тўплаш, асраш, улардан унумли фойдаланиш мақсадида вазирлик ҳузурида «Мусиқий чолғулар давлат коллекцияси»ни ташкил этиш;

истеъдодли ёшларни санъат соҳасидаги халқаро ва

республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фестиваллар ва бошқа турдаги анжуманларда иштирок этишлари, уларнинг чет элларга ижодий сафарларга чиқишлари, шунингдек, мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ республика бюджетидан қопласин.

Марказий банк тегишли маблағларни белгиланган тартибда эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

4. Жойлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Оммавий ахборот воситаларига ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш, янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни танитишда бевосита иштирок этиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1996 йил, 31 декабрь.

ПФ № — 1692.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ИЛМИЙ-  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқ хўжалиги фанининг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда илмий муассасаларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, республика агросаноат мажмуидаги ислоҳларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси умумий йиғилишининг уңи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази:

илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюrolари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бош илмий ҳамда илмий-ёрдамчи ташкилотлар бирлашмаси;

қайси идорага қарашлигидан қатъи назар, агросаноат мажмуи соҳасида республика илмий муассасалари ва Олий ўқув юртлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи орган;

мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда марказнинг илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини энг аввало қишлоқ хўжалиги тармоқлари мажмуини чуқур ўрганишга ва уни келажакда ривожлантиришнинг принципиал йўналишларини ишлаб чиқишга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг аниқ амалий вазифаларини ҳал этишга йўналтирган ҳолда қуради.

3. Қўйидагилар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг асосий вазифалари ҳисоблансин:

Ватанимиз ва жаҳон илм-фани ва амалиётининг энг яхши ютуқларидан тўлароқ фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда республика агросаноат мажмуининг муҳим муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш. Уларнинг натижаларини қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш;

суғориладиган ва лалми ерларнинг унумдорлигини ҳамда самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришнинг, чорва моллари ва парранда ўстиришнинг, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш;

селекция ва уруғчилик, наслчилик иши соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш, селекцияга оид ютуқларни синаб кўриш ва муҳофаза қилиш;

илмий тадқиқотлар соҳасида шартнома муносабатларини ривожлантириш, тугалланган ишланмаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилиш учун илмий ходимлар ва мутахассисларнинг манфаатдорлигини ҳамда масъулиятини рағбатлантирувчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, юқори самарали, ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, хўжалик ичидаги муносабатлар механизмини такомиллаштириш, қишлоқда хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни шакллантириш муаммоларини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш;

юқори унум билан ишлайдиган, мустаҳкам ва тежамкор қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмларининг янги турларини яратиш ва жорий этиш;

эскидан суғориб келинаётган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш, суғоришнинг илғор усулларини ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш;

қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва юритишнинг жаҳон илғор тажрибасини ўрганиш ва ижодий қўллаш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикада ва хорижда қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда қатнашиш.

4. Илмий-тадқиқот ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва илмий-техник ишланмаларни ҳаётга самарали жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бўлимлари тузилсин.

5. Собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзоларининг амалдаги барча имтиёзлари, шу жумладан, гонорарлари сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига академия таркибида қишлоқ хўжалиги фанлари бўлимини ташкил этиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 11 июндаги 218-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 6 январь,  
ПФ № — 1693.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ  
ОЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ «УМИД»  
ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТўҒРИСИДА**

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишини назарда тутиб, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қобил, истеъдодли йнгит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тузилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Қамолот» жамғармаси, шунингдек Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотларининг жамғарма ҳомийси бўлиши ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Бундан буён Жамғарма бошқаруви ҳомийлар таркибини, шу жумладан чет эллик иштирокчилар ҳисоби-га ҳам кенгайтириш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиши белгилаб қўйилсин.



3. Жамғарма фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг барча турларидан озод қилинсин.

4. Қўйидагилар жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш ҳамда танлов асосида чет эл ўқув юртларига ўқишга юбориш;

— қобилиятли ёшларнинг нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда иштирок этишини ташкил этиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек етакчи чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказлари, таълим йўналишида фаолият кўрсатаётган халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш;

— иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлари асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавийли юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш;

— чет эл олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларни миллий тикланиш мафкурасига асосланган ҳолда умумбашарий қадриятларни ўрганишга, Ўзбекистон илм-фанининг шон-шухратини, обрў-эътиборини дунёвий миқёсларга олиб чиқишга даъват этиш.

5. Иқтидорли ёшларни чет элда ўқитиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти грантлари (ўқиш харажатлари учун бериладиган мукофотлар) жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларини бериш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

6. Жамғарма йўлланмаси бўйича хорижда ўқитиш ҳар йили тасдиқланадиган устувор мутахассисликлар

бўйича амалга оширилсин ва устувор мутахассисликларнинг таълим шакллари белгилансин. (3—4-иловалар).

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти грантлари бўйича чет элда таълим олиб келган ёш мутахассислар Ўзбекистон учун устувор бўлган соҳаларга давлат томонидан ишга тақсимлансин ва уларнинг иш фаолияти, шунингдек ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча масалаларга алоҳида аҳамият берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармоннинг амалга оширилишига доир ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 7 январь,  
ПФ № — 1694.

### **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақдидга асосланган хатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда бу соҳа ташкилотларининг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси ва «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ҳамда «Тановар» ансамбллари негизида танлов асосида Маданият ишлари вазирлиги тизимида янги Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси («Ўзбекрақс»)ни ташкил этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси тасарру-

фида «Шодлик», «Чен-Чун» ва уйғур ансамллари негизида «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбекрақс» бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, унинг мулкчилик шаклларида ва қайси идора тасарруфидалигидан қатъи назар, турли рақс жамоаларини бирлаштириши белгилаб қўйилсин.

3. Бирлашма ўз фаолиятини қўйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратганлиги эътиборга олинсин:

Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш;

мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадиий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш;

бирлашма таркибидаги ижодий жамоаларнинг, ташкилий, молиявий, моддий-техник масалаларини ечиш, уларни мусиқа асбоблари, ранг-баранг рақс либослари, замонавий радиоэлектрон техника, зарур анжомлар билан таъминлаш;

рақс санъатини Ўзбекистон халқи, чет мамлакатлар жамоатчилиги орасида тарғиб қилиш, ансамблларнинг кенг кўламли дастурларга асосланган самарали гастроль фаолиятини уюштириш, реклама-тижорат ишларини йўлга қўйиш.

4. «Ўзбекрақс» бирлашмаси таркибидаги ансамбллар юридик шахс бўлмаган бадиий жамоа сифатида фаолият кўрсатиши ва уларнинг ҳар бири ўз қиёфасига, услубига эга бўлишлари белгилаб қўйилсин.

Маданият ишлари вазирлигига бир ой муддат ичида «Ўзбекрақс» бирлашмасининг фаолияти ҳақида Низомни тайёрлаш ва бу вазифаларни амалга ошириш учун дирекция таркибини ташкил қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритиш юклансин.

5. «Ўзбекрақс» бирлашмаси, унинг тасарруфидаги

жорхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда рақс санъатини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустақкамлашга мақсадли сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбек хореография билим юрти ҳамда Тошкент давлат маданият институти «Хореография» бўлими негизида олий махсус ўқув юртлари мақомидаги Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилсин, унинг ўқув театри биносини қуриш назарда тутилсин. Олий мактаб қошида мавжуд бошланғич (интернати билан) ва ўрта махсус таълим бўғинлари сақлаб қолинсин.

Қуйидагилар Олий мактабнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бакалавр дастури асосида миллий рақс ва балет бўйича балетмейстерлар, балетмейстер-режиссёрлар, рақс ижрочилари, ўқитувчилар тайёрлаш;

магистр дастури асосида миллий рақс ва хореография санъати бўйича илмий-педагогик, ижодий кадрлар тайёрлаш;

миллий рақс ва хореография санъати бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш;

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўзбек рақс ва хореография санъати тарихи, тараққиёти йўналишлари бўйича тадқиқотлар, дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш;

маданият ва санъат ўқув юртлари, рақс жамоаларига услусий-ижодий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини илмий-назарий жиҳатлардан мувофиқлаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси биноларини таъмирлаш, зарур анжомлар ва техник воситалар билан таъминлаш ҳамда ушбу Фармонда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши учун Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига зарур

Ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 8 январь,  
ПФ № — 1695.

**КИЧИК ВА УРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚУШИМЧА ЧОРА-  
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, уни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган замонавий хорижий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида, шунингдек жалб этилаётган хорижий кредит маблағлардан самарали фойдаланиш манфаатларини кўзлаб:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаш учун халқаро молия ташкилотларининг кредит мажбуриятларини, шунингдек хорижий сармоядорларнинг маблағларини республиканинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда бошқа тижорат банклари орқали жалб этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифи иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, асосан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариладиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чуқур қайта ишланадиган мавжуд кичик ва ўрта қўшма корхоналарни янада ривожлантириш ҳамда шундай янги корхоналарни барпо этиш, шунингдек энг аввало қишлоқ жойларда инфраструктурани ривожлантириш йўли билан рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳалари жалб этилаётган хорижий кредит маблағлари ҳисобига биринчи навбатда пул билан таъминланади.

3. Давлат мулки қўмитаси, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисо-

дий алоқалар вазирлиги, Хорижий сармоялар бўйича агентлик, «Ўзинвестлойиҳа» компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Бизнесфонд, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда хорижий кредитларни жалб этиш ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг 1997 йилга мўлжалланган устувор йўналишларини иловага мувофиқ ишлаб чиқсин.

4. «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси хорижий валютада олинадиган кредитларни таъминлаш учун берилган гаровларни белгиланган тартибда суғурта қилишни амалга оширсин.

5. 1997 йилнинг 1 февралидан бошлаб кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари, лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган технологик ускуналар учун импорт бож ҳақи тўловларидан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўзинвестлойиҳа» компанияси билан бирга кичик ва ўрта тадбиркорлик учун хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва технологиялар замонавий турларининг кўрик-савдоларини мунтазам суратда ўтказиб турсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилиб, бунда лойиҳаларни танлаб олиш тизимини ҳамда хорижий кредит мажбуриятларининг маблағлари ҳисобидан олинган ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун қарз олувчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги белгиланишини назарда тутсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Т.-Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 31 январь,  
ПФ № — 1702.

## «ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Экспорт ўсишини янада рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспорт қилувчиларни суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш, Ватанимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технология, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига комплекс маркетинг орқали кириб боришини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясининг ҳуқуқӣ вориси ҳисобланади.

2. Қўйидагилар «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

сармоя, технологиялар, товарлар ва хизматларни миллий экспорт қилувчиларни халқаро бозорларда сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик таваккалчиликларидан суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган тижорат банклари томонидан технологиялар, товарлар ва хизматлар экспортини маблағ билан таъминлаш учун ажратиладиган экспорт кредитларини қоплашга суғурта кафолатлари бериш;

комплекс маркетинг таҳлилини ва Ватанимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг технологиялар, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларига самарали кириб бориши стратегияси ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларига жалб қилинаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилиш.

3. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг устав сармояси муассислар томонидан 60 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда эълон қилинганлиги ва устав сармояси қўйидагилар ҳисобига шаклланиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) Молия вазирлигининг 50 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги таъсис бадали, бу бадал:

қайта ташкил этилаётган «Ўзбекинвест» компаниясининг 30 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги ўз маблағларидан;

«Ўзбекинвест Интернэшнл» (Лондон шаҳри) қўшма компаниясининг 1996—1997 йиллардаги фаолиятидан олинган дивидендлардан ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятидан олинган 10 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги ўз фойдасини сармояга айлантиришдан;

компаниянинг ўз фойдасини ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 10 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги 1998 йилда қўшиладиган маблағларини сармояга айлантиришдан ҳосил бўлади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 10 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги 1997 йилда қўшиладиган таъсис бадалли.

4. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси:

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компаниясининг ўз фаолиятидан олинган, 1997—1998 йилларда компаниянинг устав сармоясини шакллантиришга йўналтириладиган, сўмлардаги даромадини эркин алмаштириладиган валютага конвертация қилиш масалаларини белгиланган тартибда босқичма-босқич кўриб чиқсин;

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг суғурта қопламасига эга бўлган экспорт қилувчиларга сўмларда тўланган суғурта тўловлари, компания мажбуриятларига тенг миқдордаги суммада, эркин алмаштириладиган валютага конвертация қилинишини таъминласин;

компанияга юкланган вазифаларни амалга оширишда унга қўмаклашсин.

5. Белгилансинки, давлат экспорт суғуртаси халқаро нормаларига мувофиқ «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан келишилган суғурта мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кафил ҳисобланади.

6. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва унинг ҳудудий шуъба корхоналари даромаддан олинадиган солиқдан ва мулк солиғидан беш йил муддатга озод қилинсин, солиқ солишдан озод қилинган барча маблағлар компаниянинг устав сармоясини



ҳамда унинг суғурта (захира) жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 18 февраль,  
ПФ № — 1710.

**ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ  
ДАВЛАТ ИУЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА  
МАМЛАКАТНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА  
УЛАРНИНГ РОЛИНИ ҚУЧАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Қайд этиб ўтилсинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари учун ер ажратиб берилиши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш имконини берди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар майдони суғориладиган ерларда 650 минг гектардан ошиб кетди. Ана шу майдонларда умумреспублика миқёсидаги картошка ва сабзавот ҳажмининг 69 фоизи, гўштнинг 80 фоиздан кўпроғи, сутнинг салкам 90 фоизи етиштирилмоқда. Деҳқон хўжаликлари сони қарийиб 20 мингтага етди, уларда 109 мингдан кўпроқ ходим иш билан банд.

Шу билан бирга, жойлардаги ишларнинг аҳволини ўрганиш шуни кўрсатдики, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига аралashiш фактларига йўл қўйилмоқда. Якка тартибда маҳсулот етиштирувчиларга ажратиб берилаётган ерларнинг сифати баъзида паст бўлиб, бунда улардан самарасиз фойдаланиш ҳоллари мавжуддир. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига ҳамда деҳқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар, ем-хашак ва ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ихчам техника сотиш тизими аниқ-пухта йўлга қўйилган эмас, сервис хизмати кўрсатиш паст даражада ташкил қилинган. Улар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда қийинчиликлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда яқка тартибда маҳсулот етиштирувчиларнинг ролини кучайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarининг самарали ишлашини ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Шу нарса қайд этилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, «Ўзмеvasабзавотузумсаноат», «Ўзгўштсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаларининг, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясининг, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг раҳбарлари республикада шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик актлари ҳамда бошқа норматив актларнинг бажарилишини тўлиқ даражада таъминламаяптилар.

Юқорида кўрсатилган раҳбарлар зиммасига «Ер тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мазкур тоифасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари оғишмай бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин, амалда буйруқбозлик тугатилсин, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга бўлган мустақил ҳуқуқи тўла-тўқис рўёбга чиқарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarининг мақоми тўғрисида тегишли қонунчилик актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

2. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklари учун ер ажратиб бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатиш, хўжасизлик фактларининг олдини олиш, ажратиб берилган ер эгалари улардан оқилона ва самарали фойдаланишларини таъминлаш мақсадида:

— ажратиб берилган ерларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ҳолатини ўрганиш-

ни ташкил этиш учун «Ўзистикболстат» давлат қўмита-сининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, «Ўзмеvasабзавотузумсаноат» уюшмасининг, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Прокуратурасининг раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат республика комиссияси тузилсин. Қорақалпоғистон Республикасида ва республика вилоятларида ҳам худди шундай комиссиялар тузилсин;

— мазкур комиссияларга 3 ой муддатда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган ерларни ялпи рўйхатдан ўтказиш топширилсин. Ана шу ерлардан хўжасизларча фойдаланиш фактлари аниқланган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларига ҳамда бошқа қонунчилик актларига мувофиқ қайтариб олинсин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Прокуратураси мазкур топшириқнинг ижроси устидан назоратни таъминласин;

— ажратиб берилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланаётган қишлоқ хўжалигидаги энг яхши товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тариқасида уларга бериладиган ер майдонларини суғориладиган ерларда 0,25 га, дан 0,35 га. гача ва лалми ерларда 0,5 га дан 1 га. гача кўпайтириш имконияти кўзда тутилсин;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги республика ва ҳудудий комиссиялар билан биргаликда ерларни рўйхатдан ўтказиш яқунлари бўйича қонунчилик актларига Фармоннинг ушбу бандидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

3. Майда ва ўрта қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмасининг мазкур уюшма негизида «Ўзлугуржимевасабзавот» акциядорлик компанияси ҳузуридаги Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасини Қорақалпоғистон Республикасида, республика вилоятлари ва туманларида тегишли бўлинмалари билан бирга ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Белгилаб қўйилсинки, Уюшма раиси «Ўзулгур-

**Жимевасабзавот»** компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, республика қонунчилиги томонидан уларга берилган ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш;

— шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида ерлардан самарали фойдаланилишини мунтазам суратда ўрганиб бориш, қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча ер майдонларини ажратиб бериш ёки уларни қайтариб олиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга таклифлар киритиш;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни шартнома асосида уруғлик, ўғитлар, кўчатлар, наслдор чорва ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш-технология, транспорт, таъминотчилик хизмати ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш;

— «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» тизимидаги машина-трактор парклари билан бирга шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига техник ҳамда сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш;

— «Ўзулгуржимевасабзавот» компаниясининг бўлинмалари билан бирга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотишда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ёрдам бериш;

— шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига юридик, ахборот, маркетинг хизматлари ҳамда бошқа хизматларни кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Уюшма маблағлари шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан ихтиёрий ажратмалар ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан ҳосил бўлади. Уюшма ҳузурида Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин. Қуйидагилар Жамғарма маблағларининг манбалари этиб белгилансин:

— кимошди савдосида ер майдонларини фуқароларнинг меросга қолдириладиган умрбод эгалик қилишлари учун сотишдан тушадиган даромаднинг 5,5 фоизи;

— шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидан ундириб олинadиган ер солиғи суммаси маблағларининг 5 фоизи;

— юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси президентларининг, шунингдек хорижий юридик шахслар ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари.

Бир йўла молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида Жамғармага 500 млн. сўм, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси маблағлари ҳисобидан — 200 млн. сўм, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги маблағлари ҳисобидан — 50 млн. сўм, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан — 250 млн. сўм ажратиб берилсин.

«Ўзулгуржимевасабзавот» компанияси, Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низом лойиҳасини, маблағ жамғариш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун киритсин ва бунда маблағлар энг аввало қўйидагиларга йўналтирилишини назарда тутсин:

— кредитни қоплашнинг зарур гаров, суғурта ва бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг эгаларига имтиёзли кредитлар бериш;

— мазкур хўжаликларга агротехник, транспорт ва зооветеринария хизмати кўрсатиш бўйича Уюшма барпо этадиган инфраструктура иншоотларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш бўйича кичик корхоналарни лойиҳалаш ҳамда қуриш;

— ташкил қилинадиган кичик корхоналарга айланма маблағлар ажратиб бериш.

5. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга давлат йўли билан мадад бериш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасига айланма маблағлар ажратиб берсин;

«Пахтабанк», «Мевасабзавотбанк», «Ғаллабанк», «Тадбиркорбанк» қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни уруғлик, ўғитлар, кўчатлар, наслдор чорва ва бошқа ресурслар билан марказлаштирилган тартибда таъминлаш учун Уюшмага кредит маблағлари ажратиб берсин. Марказий банк 10 кун муддат ичида «Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид туб чора-тадбирлар тўғрисида»ги

**Фармон талабларига мувофиқ гаров асосида кредитлар бериш механизмини ишлаб чиқсин;**

**«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси тажриба тариқасида 1997 йилда деҳқон хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун тортиш кучи 0,4 ва 0,6 тонна бўлган русумдаги 150 та тракторни уларнинг тўлиқ туркумдаги қуроллари билан бирга ишлаб чиқарсин. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги ва зирлиги билан бирга 1997 йилнинг 1 ноябрига қадар ихчам қишлоқ хўжалик техникаси бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказсин ва заруратга қараб уни кўплаб тайёрлаб бериш дастурини ишлаб чиқсин;**

**«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси зиммасига шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига техник ҳамда сервис хизмати кўрсатиш масалалари юклансин. Машина трактор парклари таркибида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига механизмлар билан ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган бўлинмалар тузилсин, уларга ихчам техника, шундай техниканинг эҳтиёт қисмлари ва таъмирлаш буюмлари етказиб бериш ҳамда сотиш ташкил қилинсин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига шу мақсадларда унинг ҳисоб-китоблари бўйича машина-трактор парклари учун айланма маблағлар ажратиб берсин.**

**6. «Ўзулгуржимевасабзавот» компанияси, Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси 2 ой муддатда:**

— шаҳарларда, туман марказларида, шаҳарчалар ва йирик қишлоқларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг эгаларидан мевасабзавот, гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шартнома асосида қабул қилиб олувчи пунктларни ташкил қилсинлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини доимий равишда топшириб турувчи Уюшма аъзоларига уруғлик, минерал ўғитлар, ўраш материаллари ва ускуналарни муқобил тартибда етказиб бериш амалга оширилсин;

— харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўлаган ҳолда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг эгалари билан фьючер контрактлари тузишни амалда кенг жорий этсинлар;

— маҳсулотни, айниқса мева, резавор ва сабзавот

маҳсулотлари ялли пишиб етиладиган даврда уларни қабул қилиб олиш ва сотишни жадаллаштириш мақсадида «Ўзулгуржимевасабзавот» компанияси билан Ўзбекбирлашувнинг мавжуд музхоналари, базалари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш қувватларидан мумкин қадар кўпроқ фойдалансинлар. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги 98-сон қарорида кўзда тутилганидек, мева-сабзавот маҳсулотларининг улгуржи бозорлари тармоғини бунёд этиш жадаллаштирилсин.

7. Уюшма ҳамда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек улар таъсис этадиган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатадиган шўба корхоналар давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Қ. Ғ. Обидов, Бош вазир ўринбосари М. З. Усмонов ва Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 18 март,  
ПФ № — 1737.

**РЕСПУБЛИКАДА ВЕКСЕЛЬ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

Векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилшини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

мулкчилик шаклларида қатъи назар молиявий барқарор корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек тижорат банклари узоғи билан уч ой муддатга, алоҳида ҳолларда эса олти ой муддатгача векселлар чиқариш ҳуқуқи-га эгадирлар;

корхоналар ва ташкилотларга аниқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилишга уларда вақтинча етишмаётган пул маблағларини қоплаш учунгина векселлар чиқаришга йўл қўйилади, бунда хизмат кўрсатувчи банк томонидан вексель кафолати (аваль) расмийлаштирилиши шарт;

тижорат банклари томонидан вексель чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Векселларни траст бошқарувига топшириш, шунингдек кредитларни векселлар билан бериш ман қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ҳафта муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

корхоналар, ташкилотлар ва тижорат банклари томонидан векселлар чиқариш ҳуқуқини олишга бўлган талаблар рўйхати ва тартиби;

тижорат банклари томонидан вексель кафолати (аваль)ни расмийлаштириш тартиби, бунда аваль мабодо вексель берувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда вексель сақловчига вексель пулини ўз вақтида қайтариш бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолати ҳисобланади. Шу нарса кўзда тутилсинки, тижорат банки вексель берувчи корхонанинг молиявий аҳволини текшириб кўргандан кейингина унинг ликвид активлари гарови эвазига авални расмийлаштириши мумкин.

3. Тижорат банклари ушбу Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган вексель чиқариш ҳуқуқини олишга нисбатан талаблар рўйхатига мувофиқ, аваль олиш учун банкка мурожаат қилган корхонанинг молиявий барқарорлигини синчиклаб таҳлил этсинлар ҳамда корхона етарли даражада тўлов қобилиятига эга бўлган тақдирда ликвид активлар гарови шартномасини ва вексель кафолати (аваль) тўғрисидаги шартномани расмийлаштирадилар.

4. Векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида шу нарса белгилансинки, вексель берувчи корхонанинг ҳисобварағига келиб тушадиган маблағлар иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангунга қадар биринчи навбатда муомала муддати тугаб бораётган векселларнинг пулини қайтаришга йўналтирилади.

Бунда корхоналарнинг бюджет билан ҳисоб-китобла-



ри ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун белгилаб қўйилсинки, бюджет олдида боқимондаси бўлган вексель сақловчи — хўжалик юритувчи субъектлар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун пулини қайтариш муддати мазкур ойда бошланадиган векселлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасдирлар. Ана шу векселларнинг пулини қайтаришдан вексель сақловчиларга тушадиган пул маблағлари бюджетга мавжуд боқимонда ҳисобига ўтказилиши лозим.

#### 5. Тижорат банклари:

вексель берувчи корхоналар учун махсус ҳисобварақлар очиб, уларда векселларнинг пулини қайтариш пайти келгунгача вексель берувчиларнинг зарур миқдордаги пул маблағларини захирада сақлаб турсинлар;

вексель пулини қайтариш пайтида вексель берувчининг бўш пул маблағари бўлмаган тақдирда, вексель кафолати (аваль)га асосан вексель сақловчига тегишли маблағларни ўз вақтида тўлаб, кейинчалик векселга эътироз билдириш ва қарздор корхонага нисбатан чоралар кўриш тартиб-қондасини қўлласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда нотариал идоралар томонидан векселларга эътироз билдириш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва бунда шуни назарда тутсинки, тўловчи вексель пулини тўлашдан бош тортган ёки у нотариал идорага келмаган тақдирда давлат нотариуси векселга эътироз тўғрисидаги белгини қўяди ва бу белги аваль берган банкнинг хўжалик судига мурожаат қилиши учун асос ҳисобланади.

7. Аваль берган тижорат банкларига тўловни вексель берган корхона мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

Олий хўжалик суди векселлар пулини қайтариш, шу жумладан тўловни вексель берувчининг мулки ҳисобидан ундириб олиш билан боғлиқ ишлар жадал кўриб чиқилишини таъминласин. Ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда материаллар тезкорлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилсин.

8. Молия вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари, Прокуратура органлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вексель муомаласи тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, республика миқёсида векселлар пули ўз вақтида ва бир текис қайтарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Муайян айбдор шахсларга

нисбатан жавобгарлик, шу жумладан амалдаги қонунларда кўзда тутилган жиний жавобгарлик чоралари қўрилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан бирга икки ҳафта мuddат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 19 март,  
ПФ № — 1738.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА  
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТУҒРИСИДА**

Одамларнинг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, фуқароларнинг уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини таъминлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш ҳисобига Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилиш тажрибасини республиканинг бутун ҳудудига кенг ёйиш мақсадида:

1. Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда номи ёзилган уй-жой облигацияларини сотиб олиш йўли билан уй-жойлар қурилиши бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк»нинг иш тажрибаси маъқуллансин.

«Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги ПФ—1366-сон Фармоннинг амал қилиши республиканинг барча минтақаларига ёйилсин.

2. Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Тошуйжойжамғармабанк» муассисларининг уни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Ўзуйжойжамғармабанк»ка айлантириш тўғрисидаги;

Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари Қенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

лар Кенгашининг вилоятлар ҳокимликларининг вилоят марказлари ва шаҳарларда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йнгирмата бўлимини «Ўзуйжойжамғармабанк» таркибига киритиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятларнинг ҳокимлари зиммасига «Ўзуйжойжамғармабанк» бўлимларига хоналар ажратиб бериш, уларни таъминлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ барча масалалар ҳал этилиши учун жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва унинг ҳудудий бўлимларига фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жамғариш, номи ёзилган уй-жой облигациялари билан операцияларни амалга ошириш, уй-жой қурилишига кредит бериш ва облигацияларнинг эгаларини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1997—1999 йиллар мобайнида уй-жойга нисбатан вужудга келган талаб-эҳтиёжга ҳамда уй-жой қурилиши шарт-шароитларига қараб, вилоят марказларидан ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан бошлаб аҳолининг бўш пул маблағларини, тижорат банклари муассасаларининг кредит маблағларини, шунингдек номи ёзилган уй-жой облигациялари бўйича сотиб олинмаган уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплашга йўналтириладиган бюджет маблағларини жалб этган ҳолда уй-жой қурилиши бўйича ишларни босқичма-босқич ташкил қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номи ёзилган уй-жой облигацияларини фуқаролар сотиб олишларига қараб:

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг номи ёзилган облигациялари бўйича жисмоний шахслар томонидан сотиб олинмаган уй-жой қийматининг 50 фоизи қопланишини таъминласин;

«Ўзуйжойжамғармабанк»ка юқорида кўрсатилган мақсадларда фуқароларга узоқ муддатли кредитлар бериш учун уй-жой қурилиши қийматининг 40 фоизи доирасида зарур маблағларни ажратиб берсин.

6. «Ўзуйжойжамғармабанк» номи ёзилган уй-жой облигацияларининг эгалари бўлган жисмоний шахслар-

га уй-жой сотиб олиш учун қарзни 10 йил муддат мобайнида узиш шарти билан йиллик 20 фоиздан ошмайдиган ставка бўйича узоқ муддатли кредитлар берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелерадио, Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда уй-жойлар қуриш ва сотиб олиш борасида шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда «Ўзуйжойжамгармабанк» муассасаларининг амалий иш тажрибасини мунтазам суратда ва кенг ёритсинлар.

8. «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги ПФ—1336-сон Фармон 8-бандининг бешинчи абзаци ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 24 март,  
ПФ № — 1739.

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФОНД БОЗОРИДА ХОРИЖИЙ  
ИНВЕСТИОРЛАР ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ  
БОРАСИДАГИ ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, фонд бозорида инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг фаоллигини ошириш мақсадида:

1. Шу нарса белгилансинки, давлат ўз улушини сақлаб қоладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармоясини шакллантириш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг қуйидаги пакетлари кўзда тутилади:

давлатга — акцияларнинг кўпи билан 25 фоизи;  
меҳнат жамоасига — акцияларнинг кўпи билан 26 фоизи;

хорижий инвесторга сотиш учун — акцияларнинг камида 25 фоизи;

қолган қисми — эркин савдога.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ай-  
рым ҳолларда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил  
этиладиган акциядорлик жамиятларининг акциялари па-  
кетини тендер (танлов) шартлари асосида тақсимлаш  
тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур тартиб эмиссия про-  
спекти рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир йил  
мобайнида амал қилади, шундан кейин сотиб олинмаган  
акцияларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Дав-  
лат мулки қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний,  
шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар-  
га эркин сотиш учун қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмита-  
си, қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаш-  
тириш ва назорат қилиш Маркази бир ҳафта муддатда  
давлат корхоналари негизида ташкил қилинган акция-  
дорлик жамияти таъсисчилари ўртасида акцияларни  
тақсимлашни таъминлаш механизмининг норматив-ҳу-  
қуқий асосини такомиллаштиришга оид таклифларни  
ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Дав-  
лат мулки қўмитаси раиси В. А. Чжен зиммасига юк-  
лансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 31 март,  
ПФ № — 1740.

**ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ  
САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙУЛИ  
БИЛАН ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадий  
ҳунармандчиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини  
ошириш: қўлда ишланадиган юксак бадий буюмларни  
тайёрлаш асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини  
қайта тиклаш ҳамда халқ ҳунармандларига давлат то-  
монидан мадад кўрсатиш мақсадида:

1. Хонадон шароитида юксак бадий буюмлар иш-  
лаб чиқарувчи халқ ҳунармандларига уларни маҳаллий

хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказишда, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар ва киоскалар тармоғини ташкил қилишда, ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида, рўйхатдан ўтган хонадон шароитида бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хонадон шароитида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг мазкур турлардаги буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар.

Ушбу рўйхатдаги буюмлар республикадан ташқарига сотилиши чоғида улардан олинадиган бож ҳақи бекор қилинсин.

3. Бадий ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг энг яхши намоёндалари хизматларини, уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантиришга ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўшган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси» унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Халқ усталарининг, «Усто» бирлашмаси ва «Му-саввир» илмий-ишлаб чиқариш марказининг ушбу марказ ҳузурида халқ ҳунармандларининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бўлинмаларга эга бўлган «Ҳунарманд» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Қўйидагилар Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

халқ ҳунармандларининг меҳнат фаолияти масалаларини мувофиқлаштириш, республика қонунчилиги то-

монидан уларга бериладиган ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳимоя қилиш;

усталар ва ҳунармандларни моддий-техника ресурслари, асбоблар, кичик механизация воситалари билан таъминлашни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан экспорт қилишда ёрдам беришни назарда тутган ҳолда уларга уйда ишлашлари учун шарт-шароитлар яратишда кўмак бериш;

бозор талабларини ўрганиш ҳамда юксак бадий буюмлар тайёрлаш учун маҳаллий хомашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

мамлакат ичкарасида ва чет элларда халқ усталарининг буюмлари кенг тарғиб ва реклама қилинишини, расми материаллар ва каталоглар чиқарилишини, кўр-газмалар ва кимошди савдолари ўтказилишини ташкил этиш;

халқ санъатининг ноёб турларини ва буюмларнинг юксак бадий нухаларини тайёрлашда анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда бу иш кўникмаларини ёшларга сингдириш, моҳир усталарни тайёрлаш бўйича махсус мактаблар ташкил қилиш.

6. Шу нарса белгилансинки, халқ ҳунармандларининг Республика «Хунарманд» уюшмаси маблағлари уюшманинڭ ўз тадбиркорлик фаолияти, аъзоларининг бадаллари, ҳомийларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш юридик шахслар ва халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланади.

Уюшмага бир йўла молиявий ёрдам кўрсатиш учун 150 млн. сўм, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг маблағлари ҳисобидан — 50 млн. сўм, Меҳнат вазирлигининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш Жамғармаси ҳисобидан — 50 млн. сўм, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан — 50 млн. сўм ажратиб берилсин.

7. «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга ҳудудий уюшмаларни ташкил этиш ва уларнинг нормал ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин;

«Хунарманд» уюшмасининг таъсис конференциясини ўтказсин ва унинг Низомини қабул қилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 31 март,  
- ПФ № — 1741.

### **ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Хусусий тижорат банкларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, хусусий сармояни жалб этиш ва ундан хўжалик оборотида самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган тижорат банклари билан бир қаторда хусусий тижорат банклари ташкил қилиниши мумкин, муассислар-жисмоний шахсларнинг мазкур банклардаги улуши устав капиталининг камида 50 фоизини ташкил этади, қолган қисми эса давлатга қарашли бўлмаган юридик шахсларга тегишли бўлади;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари хусусий тижорат банкларининг устав капиталига маблағларини ўз даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмасдан қўшишлари мумкин;

хусусий тижорат банклари ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида бюджетга даромад солиғи тўлашдан озод қилинади, бунда бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилади;

хусусий тижорат банки устав капиталининг энг оз миқдори 250 минг ЭҚЮга тенг суммада белгиланади ва банк фаолиятининг дастлабки уч йили давомида ўзгартирмай сақлаб турилади;

фаолият бошлангандан кейин олти ой ўтгач, хусусий тижорат банкига хорижий валютада операциялар ўтказишга лицензия берилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касса узелларини сотиб олиш ва улар билан ускуна-



лашда, биноларни Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлашда хусусий тижорат банкларига зарур ёрдам берсин.

3. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши хусусий тижорат банкларининг фаолиятига назорат органларининг асоссиз аралашуви-га йўл қўймасин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хусусий тижорат банкларига мослаштирилган хоналарни шартнома асосида сотиб олишда ёрдам кўрсатсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича таклифлар тайёрлаб тақдим этсин.

Марказий банкка бир ҳафта муддатда ўзининг норматив актлари ва йўриқномаларини мазкур Фармон талабларига мувофиқ ҳолга келтириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 24 апрель,  
ПФ № 1749.

### **ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТУҒРИСИДА**

1941—1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунини нишонлаш юзасидан ва уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига энг оз меҳнат пенсияси миқдоридан бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа

вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мазкур мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 8 май,  
ПФ № 1776.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ  
ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ  
МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услубларини жорий этиш, республикани ривожлантиришнинг мақбул макроиқтисодий пропорцияларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқ самарали ишлашини ташкил қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартирилсин.

2. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишларини, йўллари ва услубларини белгилаш, республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш;

макроиқтисодий ва моддий балансларни, миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тахминларини ва тахминий вариант ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш;

Молия вазирлиги билан бирга тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

иқтисодиётнинг реал соҳасида энг мақбул суръатлар ва пропорцияларни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилona фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор

ривожлантириш ва жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялаш;

ҳисобга олишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистика усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт, маданиятнинг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалишини назорат қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истиқболни белгилаш ва статистика бўйича ишлаб турган бўлинмалар негизида:

Қорақалпоғистон Республикасида	— Иқтисодиёт ва статистика вазирлигини;
республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида	— Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларини;
республика шаҳарлари ва туманларида	— иқтисодиёт ва статистика бўлимларини
ташқил қилсинлар.	

Мазкур органлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига қарашлидир.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи статистика бошқармаларининг раҳбарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинланадилар;

Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимига кўра, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлимларининг раҳбарлари тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан тайинланадилар.

6. Иқтисодиёт ва статистика ҳудудий органлари зиммасига:

минтақаларда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш  
чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;  
худудий балансларни, минтақаларни комплекс ри-  
вожлантиришни таъминлаш, табиий ресурслардан оқи-  
лона фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлаш;  
аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, истеъ-  
мол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш,  
ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида  
аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва  
аниқ йўллари белгилаш;

халқаро нормалар ва андозаларга мос келадиган  
статистика ахборотини йиғиш ва ишлов бериш усулла-  
рини жорий этиш, минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий  
ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни статистик ҳисоб-  
га олиш ва таҳлил этиш тўлиқ ҳамда тезкор бўлишни  
таъминлаш вазифаси юклансин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва ста-  
тистика давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»  
1992 йил 5 августдаги 449-сон Фармон ўз кучини йўқот-  
ган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн  
кун муддатда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирли-  
гининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул  
қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 15 май,  
ПФ № 1780.

**ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДУСТЛИК  
ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ  
КЕНГАШИНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий  
мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан мада-  
ний-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш,  
ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ диплома-  
тиясини фаоллаштириш мақсадида:

1. Республикадаги қатор жамоат ташкилотларининг  
Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик

ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Кенгашнинг Устави белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани ва ушбу Кенгаш ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ноҳукумат бирлашмаси эканлиги инобатга олинсин.

3. Қўйидаги вазифалар Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари деб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

хорижий мамлакатлар халқлари ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлаш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида дўстлик жамиятлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистон халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш;

хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ҳамда хорижий мамлакатлар ташкилотлари йўли билан маданий-маърифий алоқалар масалалари бўйича муносабатларни ривожлантириш.

4. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари кенг қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини ва демократик ўзгаришлар руҳига мос келишини эътиборга олиб, вазирликлар, идоралар, ҳудудий органлар Кенгаш фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

5. Кенгаш, унинг ҳузуридаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари 2000 йилга қадар Устав вазифаларини амалга ошириш бўйича барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилсин.

6. Кенгаш Қотибияти Ўзбекистон кўчаси, 49а-уйга жойлаштирилсин, лозим бўлган хоналар унинг тасаруфига бепул ўтказиб берилсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Кенгашни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсин, миллий ва хорижий валюталарда пул муомалаларини амалга ошириши учун тегишли ҳисоб рақамларини очсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 26 май,  
ПФ № 1785.

**ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ —  
«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»НИ  
«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИГА ЎЗГАРТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, корхоналарни илғор технология негизда техникавий қайта қуроллантиришни ниҳоясига етказиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш, тармоқ корхоналарини барқарорлаштириш ва молиявий жиҳатдан соғломлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» давлат концернининг «Ўзқурилишматериаллари» давлат концернини «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси:

тармоқнинг давлат корхоналари негизда ташкил қилинган акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлатга тегишли улушини унинг устав жамғармасига ўтказиш йўли билан очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади;

Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни («Ўзқурилишматериаллари»)нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва унинг барча мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

3. Қуйидагилар «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

тармоқда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, компания таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда қатнашиш, корхоналарнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини жорий этиш, республика корхоналари ва аҳолисининг янги турдаги қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш;

тармоқни техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш, етакчи хорижий фирмалар билан бирга ғоят хилма-хил турдаги юқори сифатли қурилиш материаллари тайёрланадиган қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;

ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспортга мўлжалланган қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда республикада қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

5. «Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни — «Ўзқурилиш материаллари»ни ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 ноябрдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 29 май,  
ПФ № 1787.

### **ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА АКЦИЗ МАРКАЛАРИ ҚўЛЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида**

Алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари олиб келиш ҳамда сотишни тартибга солиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб акциз маркалари

бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига (халқаро транзитдан ташқари);

«вақтинча олиб кириш» режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига;

жисмоний шахслар томонидан (қайтадан жўнатиш ҳам шу жумлага киради) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқлансин. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган нормалар доирасида акцизсиз олиб келиш бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб импортёрлар томонидан акциз маркаларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш юк бўйича ўрнатилган тартибда тўлдирилган божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш чоғида, шунингдек Давлат солиқ қўмитасига — уларни сақлаш, сотиш ҳамда яширинча ишлаб чиқариш чоғида шундай маҳсулотлар ва ичимликларни мусодара этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.<sup>1</sup>

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли солиқ идораларининг қарорлари асосида мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг бир ой муддатда баҳоланиши ҳамда махсус дўконлар орқали сотиш учун юборилишини таъминласинлар.

3. 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб четдан олиб келинадиган озиқабон спиртга контракт қийматининг 40 фоизи миқдорида акциз солиғи жорий этилсин.<sup>1</sup>

4. Давлат солиқ қўмитаси йигирма кун муддатда:

Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 апрель, 1998 йил 1988-сонли Фармони таҳририда.



ичимликларни мусодара қилиш ҳамда сотиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан бирга халқаро транзит тартибида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган акциз солиғига тортиладиган товарлардан олинадиган бож ҳақи ва акциз солиғини божхона органларининг депозит ҳисобварағига ўтказиб, ушбу суммани товар республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилгандан кейин қайтариб бериш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 12 июнь,  
ПФ № 1789.

### **АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Тасдиқланган стандартларга мувофиқ алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш, унинг тегишли технологияси ва сифатини таъминлаш, шунингдек уни сотиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар томонидан, шу жумладан хорижий сармойани жалб этган корхоналар томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган руҳсатномалар асосида амалга оширилади.

3. «Ўзмева сабзавотузумсаноат» ва «Ўзкимёсаноат» уюшмалари «Ўздавстандарт» ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда озиқабоп спирт, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чи-

қариш ҳуқуқини олиш учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шу жумладан корхоналар амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг технологияси ва сифатини, шунингдек уларни сотиш юзасидан белгиланган тартибни таъминлашларига нисбатан қўйиладиган талаблар рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

#### 4. Вазирлар Маҳкамаси:

корхоналар, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишлари учун уларга рухсатномалар бериш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар синчиклаб ҳисобга олсин ҳамда корхоналарга алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишга рухсатномалар бериш учун ушбу Фармон талабларига мувофиқ уларнинг рўйхатини белгиласин;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритиладиган вино-ароқ маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимнинг, шу жумладан бундай маҳсулотлар савдо-сотиғи ҳуқуқи учун лицензия йиғимининг қатъий белгилаб қўйилган ставкаларини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 19 июнь,

ПФ № — 1790.

**ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ,  
ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЕРЛАШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМОАТЧИЛИҚ ФИКРИНИ  
УРГАНИШ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА**

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчилик-

ни мустақамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятни сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг Низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

— ислохотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг

давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

— кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгнинг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

— аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

— жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

— ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий услубий талабларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рўхсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг сўровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини тадбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни Марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази билан мувофиқлаштирсинлар, унинг сўровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш Маркази тузилсин, мазкур Марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар Юристлар малакасини ошириш Марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристлар малакасини ошириш Маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратиладиган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристар малакасини ошириш Маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишни кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумлада).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳузурда илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий Кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур Кенгашга нашр қилишга тавсия қўлинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 25 июнь,  
ПФ № — 1791.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил қилиниб, у бевостита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган божхона хизматлари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармалари тузилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектлари

республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари билан, божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар bajarлишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, у қуйидаги ҳуқуққа эгадир:

божхона масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда халқаро битимлар ва шартномалар тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилган ҳолда божхона органларининг ваколатига дахлдор ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ишлари ва зарур тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш;

божхона қонунчилиги бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий таъсир чораларини қўлланиш;

айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласи давлат божхона органларининг ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича ҳужжатларни тергов ва суд органларига топшириш;

товарлар ва транспорт воситалари республика божхона чегараси орқали олиб ўтилишининг қонуний асосларини аниқлаш учун вазирликлар, идоралар, ташкилотлардан ва маҳаллий ҳокимият идораларидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан (мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар) белгиланган тартибда материаллар ва ҳужжатларни олиш.

4. Шу нарса белгилансинки, Ўзбекистон Республика-



си Давлат божхона қўмитаси томонидан ўз ваколати доирасида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган қарорлар мулкчилик шаклларида қатъи назар барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро этишлари учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар, хизматни ўташ, жумладан махсус ва шахсий унвонлар бериш, лавозим маошларига ҳамда кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига нисбатан жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Бош давлат солиқ бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги Фармонининг иккинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, шунингдек мазкур Фармоннинг кириш қисмидаги «ва божхона» сўзлари олиб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 8 июль,  
ПФ № — 1815.

**АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ЎЗ  
ВАҚТИДА ТЎЛДИРИЛИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ  
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Солиқ ва молия органлари томонидан ўтказилаётган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг баъзи вазирликлари, идоралари, корхоналарида молиявий аҳвол қониқарсизлигича қолапти, ўз айланма маблағларини сақлашга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, талайгина маблағларни дебиторлик қарзига жалб этиш, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқларида ишлатмай қўйиш фактлари мавжуд.

Ўз айланма маблағларини сақлаш ва тўлдиришга масъулиятсизларча муносабат хўжалик юритувчи субъ-

ектлар ўртасида кооперация асосидаги алоқаларнинг бузилишига, тўланмаган қарзларнинг кўпайишига, бюджет тўловлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келмоқда ва умуман ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Айланма маблағларнинг сақланишини ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, айланма маблағларнинг сақланиши, мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ҳамда бошқа корхоналарнинг ихтиёрий бирлашмаларида — раҳбар ва унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, хўжалик юритувчи субъектлар даражасида эса — корхона (ташкилот) директори, унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва бош бухгалтери шахсан жавобгар бўладилар.

2. Назорат қилувчи органлар, мулкчилик шакллари-дан қатъи назар корхона ва ташкилотларда айланма маблағлардан мақсадли фойдаланилмаганлиги ва тугатиб йўқ қилинганлиги фактларини аниқлаган ҳолларда шуларга оид ҳужжатлар уларнинг банкротлиги ва I-бандда кўрсатилган шахсларни амалдаги қонунларда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича ишларни қўзғатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун тегишли органларга киритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Истиқболсиз ва тўловга қурбсиз корхоналар ҳамда ташкилотларни аниқлаш, улар бўйича зарур чораларни кўриш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича Қўмитанинг иши етарли эмаслиги қайд этиб ўтилсин.

4. Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳамда корхоналар банкротлиги ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиялари (У. Т. Султонов) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Прокуратураси билан бирга бир ой муддатда:

тармоқлар ва ҳудудлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳосил бўлиш сабабларини пухта таҳ-

лил этиб, ўз ваколати доирасида ҳисоб-китоб ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин;

ҳисоб-китоблар ҳолатини нормаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб, бунда қарздорликнинг кўпайиши — айланма маблағларни тугатиб йўқ қилиш, улардан мақсадли фойдаланмаслик, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча заҳираларига ва тугалланмаган қурилишга актив айланма маблағни жалб этиш сабабларини бар-тараф қилишга алоҳида эътиборни қаратсин;

банкротлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишни тезлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқсин. Иқтисодий ночор корхоналар ва банкрот корхоналар бўйича ишларнинг аҳволи матбуот ва телевидение орқали кенг ёритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар билан бирга 1997 йилнинг 1-ярми якунлари бўйича республика иқтисодиёти тармоқларида айланма маблағларнинг ҳолатини кўриб чиқсинлар, айланма маблағларнинг сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши устидан, уларни тўлдириш манбалари устидан қаттиқ назоратни таъминлаш чора-тадбирлари дастури-ни ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

6. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар бир ой муддатда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, бунинг учун ўзларининг реал манбаларини аниқлаб олсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хўжалик-молия фаолияти билан боғлиқ амалдаги норматив ҳужжатларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб, уларда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини, ҳатто жиний жавобгарлик чораларини кўзда тутсин. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгар-

тириш ва қўшимчалар талаб этилган ҳолларда ўз таклифларини Олий Мажлисга киритсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 9 июль,  
ПФ № — 1816.

**ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА  
БАНК ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД  
ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга банк хизматини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий сармоялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар иштирокида барпо этилган корхоналар ўз хоҳишларига кўра бир ёки бир қанча банк муассасаларида сўм ва хорижий валютада талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварақларига эга бўлишга ҳақлидирлар;

(Учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 мартдаги 241-сонли Фармони билан ўз кучини йўқотди).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки бир ҳафта муддатда амалдаги норматив ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил 17 июль,  
ПФ № — 1819.

**«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» ҚУКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС  
ЭТИШ ТУҒРИСИДА**

Миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида

мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 22 июль,  
ПФ № — 1822.

1-И Л О В А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 22 июлдаги Фармони билан

**ТА С Д И Қ Л А Н Г А Н.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ ТЎҒРИСИДА**

**Н И З О М**

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўсини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларга берилади.

2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун берилиши мумкин.

3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига тақдим этиш ҳоқимият, вазирлик ва идоралар ҳамда республика жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

4. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида берилади.

5. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони кўкракнинг чап томонида тақилади.

6. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони такроран берилмайди.

7. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ва гувоҳномаси тантанали ва ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан тегишли раҳбар ходимлар томонидан топширилади.

2-И Л О В А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 22 июлдаги Фармони билан

ТА С Д И Қ Л А Н Г А Н.

## **«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ**

### **ТА В С И Ф И**

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони 1,0 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ва диаметри 22 миллиметрли ташкил этадиган ҳалқадан иборат бўлади.

Нишоннинг марказида мустақиллик рамзи — кумуш тусдаги Ҳумо қуши тасвири акс эттирилади. Ҳумо қуши ортидаги рангли эмаль билан ишланган фон Ўзбекистоннинг гўзаллиги ва бойлигини ифодалайди.

Юқорида, Ҳумо қушининг тепасида Ўзбекистон Давлат гербининг рамзи — мусамман акс эттирилади. Унинг марказида диаметри 2,5 миллиметрли фианит кристали жойлаштирилади.

Ҳумо қушини дафна новдалари ўраб туради.

Белгининг остки қисмида, Ҳумо қушининг тагидаги оқ фонда «O'ZBEKISTON» ёзуви битилган Ўзбекистон Республикасининг байроғи акс эттирилади. Ҳарфларнинг баландлиги 0,8 миллиметр.

Нишоннинг орқа томони текис бўлиб, ўртасида бураб маҳкамланадиган мурвати бор.

Унинг пастки қисмида нишоннинг тартиб рақами 1,0 миллиметрли ҳарфлар билан битиб қўйилади.

## **АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ СОҲАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва шу соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги туғатилсин ҳамда унинг негизида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги зиммасига қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқасини, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тармоқларини вужудга келтириш, уларнинг фаолияти ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

почта алоқаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни йўналтириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, бу соҳада рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш;

телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий сармояларни жалб этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш;

телекоммуникация технологияларини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича ягона шартлар ҳамда талабларни тасдиқлаш, шунингдек мазкур шартлар ва талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, миллий телекоммуникация тармоғи фаолиятининг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация ва почта тармоқларининг ишлашини таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектларнинг «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик компанияларини ва «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳузурида почта ва телекоммуникацияларни давлат йўли билан қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари Жамғарма ташкил қилиниб, қўйидагилар шу Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида белгилаб қўйилсин:

почта алоқаси ҳамда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш, техника билан

қайта қуроллантириш ва қайтадан тиклаш соҳасидаги устувор ҳамда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаш;

мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни молиялашда қатнашиш;

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги маҳкамасининг фаолиятини, шунингдек унинг тизимига кирувчи мустақил даромад манбаларига эга бўлмаган телекоммуникация тизимларини тартибга солувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи давлат органларининг фаолиятини молиялаш.

Белгилаб қўйилсинки, корхоналарни хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизини, шунингдек Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимига кирувчи акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналардаги давлатга тегишли акцияларнинг пакетлари (улушлар) бўйича дивидендларнинг 25 фоизини Жамғармада тўплаш унинг асосий манбалари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилансинки, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ ўз ваколати доирасида чиқариладиган норматив ҳужжатлар телекоммуникация ва почта алоқаси хизмати кўрсатувчи ёки улардан фойдаланувчи, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар телекоммуникация ва почта тизимлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга оширувчи барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

6. «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятлари 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий фаолият бўйича фойдадан солиқ тўлашдан 2 йил муддатга озод қилинсин, бунда бўшаб қолган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон почта ва телеком-



муникациялар агентлиги фаолиятини ташкил қилиш масалалари бўйича қарор тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 23 июль,  
ПФ № — 1823.

**РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЕСАТИ КОМИССИЯСИНING  
ТАРҚИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

1. 1996 йил 11 июлдаги ПФ — 1492-сон Фармоннинг 1-бандини қисман ўзгартириб, Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ қайтадан тасдиқлансин.

2. Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси Ф. М. Муллажонов Комиссия махсус ишчи гуруҳларининг раҳбарлари (Г. К. Саидова, Т. Н. Гуськова, М. Б. Нурмуродов, Ш. Р. Ғофуров, А. В. Акмалов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда ишчи гуруҳларининг таркибини ўзгартириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 1 август,  
ПФ №—1827.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-  
нинг 1997 йил 1 августдаги ПФ-1827-  
сонли Фармонига  
2-И Л О В А

**РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЕСАТИ КОМИССИЯСИ  
ТЎҒРИСИДА**

**Н И З О М**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 июлдаги ПФ — 1492-сонли Фармонининг 5-бандига му-

**вофиқ** ишлаб чиқилган бўлиб, у Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг (келгуси ўринларда «Комиссия» деб юритилади) мақсад ва вазифалари ҳамда ишни ташкил этиш шартларини белгилаб беради.

1.2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонун тусидаги ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимлари ва мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Комиссия таркибида қуйидаги ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади:

— валюта ресурслари манбалари ва уларни тўлдириш заҳиралари бўйича;

— пул-кредит сиёсати ва пул эмиссиясини қисқартириш бўйича;

— инвестиция дастурлари бўйича;

— истеъмол бозорини таъминлаш ва унинг баланси бўйича.

Комиссия таркибида махсус ишчи гуруҳ фаолият юритади.

1.4. Комиссиянинг ишчи гуруҳлари ўз фаолиятларини Комиссиянинг ҳар бир ишчи гуруҳ тўғрисида тасдиқлаган низомларига асосан улар зиммасига юклатилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ҳолда амалга оширадilar.

1.5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишли ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига кўра Комиссия ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияларининг таркибини тасдиқлайди.

Ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ўз фаолиятини мазкур низом ва Комиссия қарорларига мувофиқ ҳолда амалга оширади.

## II. Комиссиянинг асосий вазифалари

2.1. Комиссиянинг асосий вазифалари:

— Республикада олиб борилаётган пул-кредит, молия ва валюта сиёсатини мувофиқлаштириш;

— пул муомаласи ва халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар аҳволи, валюта операцияларини бажариш тартибига риоя қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устивор тармоқларини ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлардан, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидаң ваколатли идоралар томонидан самарали назорат ўрнатиш;

— барча хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва ташкилотларнинг пул муомаласи, кредитлаш ва ҳисоб-китоблар, ташқи

иқтисодий фаолият ва валютани тартибга солиш, инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда истеъмол бозорини муҳофаза қилиш борасида амалда бўлган қонулар ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиши;

— валюта тушумларининг ўсиши, шунингдек ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг валюта ресурсларидан самарали фойдаланишлари;

— мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

— ички истеъмол бозорини ривожлантириш, унинг юқори сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдирилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

### III. Комиссиянинг асосий функциялари

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:

3.1. Валюта ресурслари манбалари ва уларни тўлдириш заҳиралари бўйича:

— вазирликлар ва идораларнинг валюта сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш, ташқи иқтисодий мажмуанинг самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт-импорт таркибини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикасига валюта ресурслари оқимини кўпайтиришга доир ишларини мувофиқлаштиради;

— Республикада, валюта ресурсларининг янги манбаларини шакллантириш ва мавжудларини кенгайтириш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда Ҳукуматга тақдим этади;

— вазирликлар ва идораларнинг келишилган ҳолда валюта назоратини амалга оширишларини кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

— ички валюта бозори аҳволини таҳлил қилиш, валютани тартибга солишга доир қонулар ва меъёрий ҳужжатларнинг тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалда қўлланилиши тажрибасини ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— республиканинг биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида операцияларни самарали равишда амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

— ваколатли банкларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари юзасидан экспертлик хулосаларини кўриб чиқади ва уларни марказлаштирилган валюта ресурслари билан таъминлаш

бўйича хулосалар тайёрлайди ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

— хужалик юритувчи субъектларнинг уларга ажратилган мақсадли кредитларни чет эл валютасига айирбошлашга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

— айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларга ажратилган мақсадли валюта маблағларидан бошқа шартномалар бўйича тўлов учун фойдаланиш, шунингдек, уларни айнан шу мақсадлар учун ўз хорижий валютаси ҳисобидан илгари сарфлаган миқдорда жорий валюта ҳисобрақамларига ўтказишга рухсат беришга доир илтимосномаларини кўриб чиқади ва қарорлар қабул қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг ҳисоб-китоб муддатлари белгиланмаган операцияларини ниҳоясига етказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

— зарурият туғилганида ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва ваколатли банкларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар тайёрлайди.

3.2. Пул-кредит сиёсати ва пул эмиссиясини қисқартириш соҳасида:

— «Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари» бажарилишини таъминлашга қаратилган таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади;

— ягона давлат пул-кредит ва молия сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

— пул муомаласини барқарорлаштириш, кредитлаш ва ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, молиявий тизимлар фаолиятини ривожлантириш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритади;

— пул қадрсизланиши жараёнларининг пасайишини таъминлаш, банк ссудалари бўйича қарзлар ўсишини чеклашга доир таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

— марказлаштирилган молия маблағлари, шу жумладан иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган марказлашган кредитларни ажратиш шартлари ва қайтариш муддатларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқади ҳамда улар бўйича тезкор қарорлар қабул қилади;

— пул бозори ва қимматли қоғозлар бозорининг жорий аҳволи тўғрисидаги ахборот, уларни ривожлантиришга доир таклифларни кўриб чиқади ва ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилади;

— тўлов интизоми аҳволини яхшилаш, ҳисоб-китоблар тизимини

такомиллаштиришга йўналтирилган тезкор қарорларни қабул қилишга доир таклифларни кўриб чиқади ва Ҳукуматга таклиф киритади;

— айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи фондини тартибга солишга доир илтимосномаларни кўриб чиқади ва асосли ҳисоб-китоблар ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилади;

— нақд пул массаси муомаласини тартибга солиш ва нақд пулдаги, шунингдек майда улгуржи операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда қарорлар қабул қилади;

— пул муомаласини таҳлил қилиш, пул-кредит сиёсати ва ҳисоб-китоблар соҳасидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни амалда қўллаш тажрибасини ўрганиб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— зарурат туғилганида тўлов ва касса интизомининг белгиланган қоидаларига риоя қилиш, ажратиладиган банк кредитлари ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва концернлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;

— заруратга қараб тижорат банклари ва бошқа молия-кредит муассасалари раҳбарларининг самарали кредит ва депозит сиёсати ўтказиш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган кредит, депозит, суғурта операцияларини бажариш қоидаларига риоя қилишнинг аҳволига доир ҳисоботларини тинглайди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

### 3.3. Инвестиция дастурлари соҳасида:

— қулай инвестициявий иқлимнинг таъминланишига, ички инвестициявий фаолликнинг ўсишига ва хорижий сармояларнинг жалб қилинишига йўналтирилган қарорларни қабул қилади;

— давлатнинг мақсадли ва инвестициявий дастурларини амалга оширишга жалб қилинувчи тижорат банклари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;

— устивор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, биргаликда молиялаш ва кредитлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

— қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўли билан сармояларнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри жалб қилинишини оширишга доир таклифларни кўриб чиқади ва қарорлар қабул қилади;

— хорижий технологиялар, «ноу-хау», асбоб-ускуналар ва махсус материаллар қўлланиладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган буюртмачилар ва бош пудратчиларнинг шахсий ва

қарзга олинган маблағларини айирбошлаб бериш механизмини яхшилаш юзасидан таҳлил ўтказди ва тавсияномалар ишлаб чиқади;

— ички нодавлат ва хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, сармоя солиғига дотациялар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар беришни қисқартиришга йўналтирилган таклифларни кўриб чиқади, тегишли хулосалар ва тавсияномалар тайёрлайди;

— жалб этилаётган хорижий кредитларнинг самарадорлиги ва ўзини-ўзи қоплаши масалаларини кўриб чиқади;

— хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб қилиш ва улардан фойдаланишга доир таклифларни кўриб чиқади;

— сармояларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, инвестиция сиёсатида оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалда қўлланилишини ўрганиб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— заруратга қараб ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ҳамда ваколатли банкларнинг инвестиция сиёсатини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан тегишли хулосалар ва тавсияномалар тайёрлайди.

3.4. Истеъмол бозорини таъминлаш ва унинг баланси соҳасида:

— халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта корхоналар секторини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга ёрдам беради;

— истеъмол моллари импорти таркибини таҳлил қилиш, улар ҳажми ва сифатининг ички бозор талабларига мос келиши асосида, шунингдек, истеъмолчилар ва ички товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда халқ истеъмоли молларини импорт қилишни тартибга солиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

— тегишли идоралар ва ҳокимликларнинг минтақавий товар бозорларини барпо этиш ва ривожлантириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини янада такомиллаштириш, савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир таклифларини кўриб чиқади;

— Марказий банкнинг сўмларни марказлаштирилган валюта ресурслари ҳисобидан эркин айирбошланадиган валютага имтиёзли айирбошлаш ҳуқуқини берувчи лицензиялари берилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Комиссиянинг махсус ишчи гуруҳи хулосалари бўйича қарорлар қабул қилади;

— истеъмол бозоридаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, унинг фаолият юритиши ва ривожланишига доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўлланилишини ўрганиб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— явгидан барпо этилаётган ёки қайта ташкил қилинаётган супермаркетларнинг белгиланган низомлар ва талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

— заруратга қараб ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг жойларда истеъмол бозорларини тўлдириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ошириш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади.

3.5. Комиссия ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқувчи бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3.6. Комиссия хорижий мамлакатлар, МДҲ давлатлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан унинг вазифа ва фаолият йўналишлари доирасига кирувчи масалалар бўйича тузилган битимларнинг бажарилиш жараёнини кўриб чиқади, улар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш юзасидан тегишли таклифлар киритади.

#### IV. Комиссия ишини ташкил этиш

4.1. Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун мазкур Низомга қатъий риоя қилган ҳолда қўйидагиларни бажаради:

— ишчи гуруҳлар ҳамда ҳудудий комиссиялар зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ҳолда улар фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

— ўз мажлисларида ишчи гуруҳлар, ҳудудий комиссиялар ҳисоботини ва Комиссия қарорларининг бажарилиши ҳақидаги ахборотни, шунингдек, ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти натижалари ва Комиссия қарорларини бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди.

4.2. Ишни самарали ташкил этиш ва мазкур Низомга мувофиқ ҳолда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасида тегишли натижаларга эришиш мақсадида Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўз фаолияти доирасига кирувчи масалаларга доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

— амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳукумат қарорларининг бажарилиши соҳасида Комиссия тўмонидан аниқланган камчилик ва тартиббузарликлар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасига, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига материаллар тақдим этиш;

— амалдаги қонунчиликка мувофиқ Давлат ҳокимияти ва бошқа давлат ва нодавлат муассасалардан унинг ваколатига кирувчи масалаларга оид зарур маълумотларни талаб қилиш.

4.3. Комиссия ҳар чоракда республика Ҳукуматига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

4.4. Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалаларни олдиндан ишлаб чиқиш, улар бўйича таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш мазкур низомнинг 1.3-бандига мувофиқ ташкил этилган тегишли ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

4.5. Комиссия мажлислари заруратга қараб, лекин камида ойда бир марта ўтказилади.

4.6. Комиссия ишини комиссия Раиси, у йўқ бўлганда унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

Комиссия Раиси ва унинг ўринбосарлари, ишчи гуруҳлар раҳбарлари, шунингдек, комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланади.

4.7. Комиссия қарорлари комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилингандан сўнг кучга киради.

Комиссия қарорлари Комиссия Раиси томонидан имзоланадиган мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларидан қатъий назар барча корхоналар, ташкилотлар ва банклар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

## **МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида**

Маҳаллий саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш, бозорнинг халқ истеъмол моллари билан тўлдирилиши учун маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, «Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернларининг:



«Маҳаллий саноат» Давлат корпорациясини тугатиш; мавжуд «Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернлари негизида республика (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компаниялари:

«Маҳаллий саноат» ҳудудий саноат-савдо концернларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вояларни ҳисобланади ҳамда очиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилади;

ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисоб берадилар;

ўз фаолиятини қатнашчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ҳудудий компания Устави-га мувофиқ амалга оширадилар.

3. «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компаниялари зиммасига қуйидаги асосий вазибаларни ҳал этиш юклансин:

компания таркибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва маркетинг фаолияти, моддий-хом ашё ресурсларини сотиб олиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш, шу жумладан хорижий сармояни жалб этиш асосида қайтадан жиҳозлаш ҳамда реконструкциялаш масалаларида уларга ёрдам кўрсатиш;

харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан жуда тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

тегишли минтақалар ҳудудида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш учун кичик ва ўрта корхоналарни барпо қилиш ҳамда ривожлантириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Маҳаллий саноат» ҳудудий компаниялари зиммасига юкланган вазибаларни ҳал қилишда уларга бутун чоралар билан ёрдам берсинлар.

4. «Маҳаллий саноат» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо

акционерлик компанияларига маҳаллий саноат корхоналарини тиклаш ва ривожлантириш Фондларини ташкил қилишга рухсат берилсин ва қўйидагилар уларнинг фаолиятидаги асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилсин;

компания корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашни молиялаш;

иш жойларини вужудга келтириш ҳамда маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан тўлиқроқ фойдаланиш мақсадида қишлоқ жойларда янги корхоналар барпо этиш ва ривожлантиришни молиялаш;

маҳаллий саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфраструктурани ривожлантириш.

Қўйидагилар маҳаллий саноат корхоналарини тиклаш ва ривожлантириш Фондларининг маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси таркибига кирувчи акционерлик жамиятларининг давлат акциялари пакетлари бўйича дивидендларнинг 50 фоизи;

давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг ҳоқимиятлар томонидан белгиланган тартибда йўналтирилдиган қисми;

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳудудий ишлаб чиқариш — савдо акционерлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг корхона баланс фойдасининг икки фоизига қадар миқдордаги эркин фойдаси қолдиқлари ҳисобидан ажратмалари.

5. Ўзбекистон Республкаси Президентининг 1992 йил 3 сентябрдаги ПФ—469-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 15 август,  
ПФ № — 1828.

## АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва рақобат муҳитини мустақкамлаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларининг Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси («Ўзмаишийхизматуюшма»)ни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мавжуд ҳудудий уюшмаларини ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмаларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Белгилаб қўйилсинки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари ўз фаолияти тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари эса туман (шаҳар)лар ҳокимликларига ҳисоб берадилар.

3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

туман (шаҳар) маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, шунингдек ихтиёрий асосда уюшмага кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш масалаларида қўмаклашиш;

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш туман (шаҳар) уюшмалари ва корхоналари фаолияти билан боғлиқ бўлган юридик, молиявий, техник ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш;

аҳолини иш билан таъминлашни кенгайтириш учун тегишли минтақалар ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатишнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

ҳудудий уюшмаларга кирувчи корхоналарга марке-

тинг фаолиятида, моддий-хом ашё ресурслари сотиб олишда кўмаклашиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларига улар зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

4. Қуйидагилар маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмаларининг асосий вазифари этиб белгилансин:

ихтиёрий асосда уюшма таркибига кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига улар фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ишлатиладиган ва бошқа хом ашё ресурслари билан таъминлаш масалаларида кўмаклашиш;

маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

5. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлар ва корхоналарга самарали ва малакали ёрдам бериш мақсадида техника сиёсати билан шуғулланувчи ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар негизида «Маиший хизмат маркази» акциядорлик фирмаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармонни бажариш бўйича ташкилий қўмита тузилсин. Ташкилий қўмитага шунингдек Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси («Ўзмаишийхизматуюшма»)ни тугатиш комиссияси функцияси ҳам юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 апрелдаги ПФ — 385-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 17 сентябрь,  
ПФ № — 1843.

**НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ  
ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 августдаги ПФ—1503 сонли «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қисман ўзгартирилиб:

1. 1996 йил 8 августдаги ПФ—1503 сонли Фармоннинг 1 банди қуйидагича таҳрирда баён қилинсин: «Хўжалик юритувчи субъектлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш этишни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан Давлат солиқ қўмитасининг раиси В. С. Беганов) зиммасига юклатилсин».

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янги таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ—1503 сонли Фармонининг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 30 сентябрь,  
ПФ № — 1867.

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ  
ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ, БАРҚАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА  
ЕТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун барқамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб

олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Таъдим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсати тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш;

республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъерий асосини Миллий дастур талабларига мос равишда қайта кўриб чиқишни ташкил қилиш;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишни таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга оширишни таъминлаш;

кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш асосида таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

халқаро донорлар, хорижий инвесторлар, жамғарма ва жамоат ташкилотларининг маблағларини жалб этиш ва улардан унумли фойдаланишга шароит яратиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мониторингини олиб бориш;

Миллий дастурнинг бажарилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам маълумот бериб боришни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва улар учун масъул ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳлар фаолиятига юқори малакали мутахассислар ва олимлар ҳамда хорижий экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сифидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонда белгиланган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 6 октябрь,  
ПФ № — 1869.

### **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш, тузилма хусусияти ва аҳамиятига эга бўлган йирик объектлар қурилиши бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда зарур тартиб ўрнатиш, валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хорижий ҳамкорлар олдида олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб:

молиявий таъминот манбаларидан қатъи назар, қиймати 25 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган (1991 йил нархида) объектлар;

ҳар йили давлат бюджети билан биргаликда тасдиқланадиган республика инвестицион дастурига киритилган объектлар;

лойиҳа қийматидан қатъи назар, ҳукумат кафиллигида хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилган ҳолда барпо этилаётган объектлар бўйича қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий

асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган халқаро битимларда техник-иқтисодий асосларни тасдиқлашнинг бошқача тартиби кўзда тутилган бўлса, ана шу битимларда белгиланган тартиблар қўлланилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганига қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим.

Корхоналарнинг, жойлардаги давлат органларининг ўз маблағи, тижорат банклари кредитлари ҳамда бевожита хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган бошқа инвестицион лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар кўрсатилган органлар, корхоналар ёки уларнинг юқори ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, қурилиш материаллари ва конструкциялар, бутловчи маҳсулотлар ҳамда бажарилган пудрат ишлари учун эркин муомаладаги валюта сарф қилинган ҳолда барпо этилаётган қурилишларнинг манзил рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси) билан келишган ҳолда тузилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари объектлар қурилишини молиявий жиҳатдан таъминлашда мазкур Фармонда белгиланган инвестицион лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини тасдиқлаш ва келишиш тартибларига қатъий амал қилсинлар.

4. Инвестицион лойиҳаларни барпо этиш ва амалга оширишнинг белгиланган тартибларига риоя қилиш бўйича шахсий жавобгарлик буюртмачи вазифасини бажараётган вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг капитал қурилиш бўйича ўринбосарлари, тижорат банклари бошқарувлари раислари зиммасига юклатилсин.

5. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятлар ва буюртмачилар мисолида тугаллан-



маган қурилиш бўйича ярим йиллик статистик ҳисоботни ишлаб чиқиб, 1998 йил 1 январидан жорий этсин.

Республика, соҳа ва ҳудудий миқёсларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт якунларини кўриб чиқишда асосий эътибор тугалланмаган қурилишлар таҳлили ҳамда уларни камайтириш чораларига қаратилсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 28 октябрь,  
ПФ № — 1875.

### **ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИ ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш мақсадида:

1. Хоразм Маъмун академияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими Хива шаҳрида ташкил этилсин.

Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифалари қуйидагилар, деб белгилансин:

— илм-фан соҳасидаги қадимги улуг миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш;

— қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб

бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш;

— минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш;

— халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (Т. Жўраев):

— Хоразм Маъмун академияси таркибида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлинмаларни ташкил этсин, икки ҳафта муддатда Хоразм Маъмун академиясининг тузилмаси ва Уставини тасдиқласин;

— бир ой муддатда Хоразм Маъмун академиясининг асосий илмий йўналишлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг дастурини ишлаб чиқсин;

— бир ой муддатда Молия вазирлиги билан бирга Хоразм Маъмун академияси штат жадвалини, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ҳисобини тайёрласин;

— 1998 йилнинг биринчи чорагида ўз Уставига мувофиқ устувор илмий йўналишлар соҳасида самарали ишлаётган олимлардан Хоразм Маъмун академияси таркибига сайлов ўтказсин.

3. Хоразм Маъмун академиясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) икки нафарга кўпайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ж. Сайфиддинов) Хоразм Маъмун академиясининг илмий изланишлари ва илмий-ташкилий фаолият олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тайёрланган сарф-харажатлар ҳисобига мувофиқ бюджетдан маблағ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси (П. Ҳабибуллаев) 1998 ва ундан кейинги йиллардаги Хоразм Маъмун академиясининг илмий изла-

нишлар мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун академияси ва унинг бўлинмаларига истеъдодли ёш олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни таъминласин.

7. Хоразм вилояти ҳокимлигига (И. Юсупов) бир ой муддатда Хоразм Маъмун академияси учун маъмурий бино ажратиш, уни таъмирлаш, транспорт, алоқа ва бошқа зарур жиҳозлар ҳамда вилоятга таклиф этилган илмий ходимларни уй-жой билан таъминлаш юклатилсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 11 ноябрь,  
ПФ № — 1880.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ  
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан ҳамда инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек Чернобиль АЭС-

идаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

б) аёллар, шунингдек 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин:

а) беш йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаганлар.

б) етти йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганлар;

в) ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ўтаганлар.

4. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларга — ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилсин.

6. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларга ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2,3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, ўта хавfli рецидивистларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд жинoий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан ушбу Фармоннинг 1—4, 6-моддалари қўлланилмасин.

8. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан Фармон татбиқ этилмасин.

9. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 3 декабрь.  
ПФ № — 1885.

### **МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Республикамиздаги Маданият ишлари вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларга тегишли барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида Музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда турли муассасалар, шунингдек, хорижий ташкилотлар жамғарма ҳаммуассасалари бўлиши мумкинлиги инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

2. «Ўзбекмузей» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

музейларда ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний аке эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори-атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий-маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, Ватанимизнинг буюк келажагига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш;

музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

худудий, идоравий бўйсунитидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар музей фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга жалб қилиш;

музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратга олиш, бу соҳада тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга кўмаклаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Фанлар академияси, Бадний академияси, «Олтин мерос» халқаро ҳайрия жамғармаси ҳамда тегишли вазирлик ва ҳокимликлар билан биргаликда: икки ой муддатда мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришнинг ил-

мий концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

бир ой муддатда мустақил Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини тарғиб-ташвиқ қилишдаги алоҳида аҳамиятини эътиборга олиб, Ўзбекистон Тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона давлат музей-қўриқхоналарининг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Дастурни амалга оширишни мувофиқлаштириш «Ўзбекмузей» жамғармаси зиммасига юклансин.

Тегишли ташкилот, муассасаларнинг ушбу музейларга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари эътиборга олинсин.

4. Адлия, Маданият ишлари вазирликлари Давлат Божхона қўмитаси, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва шу масалалар билан боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

5. Ноёб маданий бойликларни сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатга олиб кириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бутун масъулият Маданият ишлари вазирлиги (Х. Жўраев), Фанлар академияси (Т. Жўраев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат Божхона қўмитаси (У. Комилов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадий академияси ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналининг таъсис этсинлар.

7. «Ўзбекмузей», унинг бўлим ва корхоналари, музейларнинг асосий ва қўшимча фаолиятдан олинади-

ган даромадлари 5 йил муддатга барча турдаги давлат солиқларидан, божхона ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада ривожлантиришга, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

Турли ташкилот ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг музейлар фаолиятини яхшилаш учун ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Молия вазирликлари Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва ойлик маошларини ошириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда етакчи музей ва қўриқхоналарни ўз ичига олган махсус халқаро туристик йўналишлар (турлар) ташкил этсинлар ҳамда уларга ҳорижий сайёҳларни жалб этиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсинлар.

10. Музейларнинг давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланишининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей иншоотларини қуриш ва тўлиқ таъмирлаш ҳамда уларни замонавий жиҳозлаш учун зарур бўлган техника воситаларини сотиб олиш ва Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни 1998—1999 йилларда ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 12 январь,  
ПФ № 1913.

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚУШИМЧА ЧОРА-  
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, қўшма корхоналарни барпо қилишга хорижий сармояларни кенг қўламда жалб этиш ҳисобига иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган қўйидаги технология ускуналари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин;

1998 йилги инвестиция программасига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун;

ҳукуматнинг кафолати билан бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган, янги барпо этиладиган ва қайта қуриладиган корхоналар учун;

хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав маблағига қўйилма сифатида хорижий сармоядорлар томонидан келтириладиган технология ускуналари.

2. Белгилаб қўйилсинки, импорт бўйича етказиб бериладиган ҳамда ҳукумат қарорларига мувофиқ «Ўзқишлоқхўжаликтаъоминоттузатиш» бирлашмаси ва «Ўзқишлоқ хўжаликмас-холдинг» компанияси томонидан олиб келиниб, машина-трактор саройларига сотиладиган қишлоқ хўжалик техникаси, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари олиб келинганида икки йил мобайнда қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир белгиланган тар-

тибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, республика худудига келтирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 3 август Фармони билан тўлдирилди).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 19 январь,  
ПФ № — 1919.

**ҲИСОБ-КИТОБ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ  
БЮДЖЕТЛАРГА ТЎЛОВЛАР ТУШИШINI  
РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, пенсияларни, нафақаларни, стипендияларни, бюджет маблағидан пул билан таъминланадиган корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг «Корхоналар ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқариш навбатини тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 16 январдаги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1998 йил 20 январдаги 568-1-сонли қарорига мувофиқ:

1. 1998 йил 1 февралдан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқаришнинг қўйидаги тартиби белгилансин.

Ҳисоб рақамида унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли миқдорда пул маблағи бўлса, бу маблағ мижознинг фармойиши ва бошқа ҳужжатларнинг тушиши тартибига қайси бири олдин тушганига қараб ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисоб рақамидаги пул маблағи унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан пул маблағи биринчи навбатда бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳамда иш ҳақини тўлашга пул маблағи беришни кўзда тутган тўлов (ижро) ҳужжатларига мутаносиб равишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқади-

ган талаблар бўйича мажбуриятларини баравар таъминлайдиган даражада ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига пул маблағларини қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳисобдан чиқариш календардан ташқари навбатда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Марказий банк ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафталик муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамидан пул маблағини чиқариш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг молия, солиқ, божхона ва банк муассасалари ишига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқаришда белгиланган тартибни бузишга олиб келадиган аралашуви тақиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг 1-бандида келтирилган маблағни ҳисобдан чиқариш тартибини бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ қаттиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади.

3. Тўловларнинг давлат бюджети даромадларига ўз вақтида ўтказилиши ва бюджетнинг даромад қисми бўйича операцияларнинг бажарилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан маблағни чиқаришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик тижорат банклари муассасалари ва Марказий банк бош бошқармалари ҳисоб-китоб-касса марказлари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юклансин.

4. Даромад маблағларидан солиқлар ва бошқа тўловларнинг тушиши ва қарзларнинг камайиши бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тизими жорий этилсин.

Бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун раҳ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 апрель 1992-сонли Фармони билан тўлдирилди.

**барлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги низом тасдиқлансин.**

Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича **Хукумат комиссиясига зарур бўлган тақдирда унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.**

5. **Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссияси йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай бюджетга тааллуқли барча солиқлар ва тўловлар тўлиқ тушишига доир ишларнинг аҳволини, худудлар бўйича қарзларнинг камайтирилишини кўриб чиқиб, солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.<sup>1</sup>**

6. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга тўловлар бўйича 1998 йил 1 январгача қолган қарзлар тузилмасини ўзгартиришга доир таклифларни бир ой муддатда солиқ ва тўлов имтиёзини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссиясига тақдим этсин.**

7. **Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:**

**идораларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларини ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин;**

**амалдаги қонунларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тайёрласин ва тақдим этсин.**

8. **Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хамидов зиммасига юклансин.**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**Тошкент шаҳри, 1998 йил 4 февраль,  
ПФ № — 1923.**

<sup>1</sup> **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 30 июль 2062-сонли Фармони таҳририда.**

## **ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга расмиятчилик билан ёндашишни ва сансалорликни бартараф этиш, уларни танлаб олиш ва амалга ошириш механизмини тартибга солиш, шунингдек келишиб олиш ва тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар бериш тартибларини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва унинг мониторинги давлат томонидан олиб борилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти давлат инвестиция сиёсати амалга оширилишини ташкил этувчи ягона ваколатли ва масъул орган ҳисобланади, унинг қарорлари инвестиция жараёнининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаментига хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилиши устидан давлат мониторингини ташкил этиш юклансин.

4. Қўйдагилар Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши устидан давлат мониторингининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида уларга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўриш;

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш;

мавжуд расмиятчилик тўсиқларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ турли масалаларни кўриб чиқиш муддатларини тартибга солиш йўли билан бартараф этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида кредитларни жалб қилган ҳолда хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда:

қўлланиладиган технологиянинг иқтисодий жиҳатдан

мақсадга мувофиқлиги, техник даражаси ва нархига кўра рақобатбардошлилигини умумий баҳолаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида;

иқтисодий самарадорлиги ва ўзини ўзи қоплашини, маблағ билан таъминлаш схемасини баҳолаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ва ваколатли банкларда бирйўла экспертизадан ўтказиш тартиби белгилаб қўйилсин.

6. Алоҳида йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим объектлар бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар бевосита Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаментида экспертизанинг ваколатли органлари ҳамда юқорида кўрсатилган вазирликлар ва идоралар жалб қилинган ҳолда кўриб чиқилади ва келишиб олинади.

7. Белгилансинки, хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг белгиланган тартиби ва муддатлари бузилиши учун вазирликлар, идоралар ва республиканинг тегишли тузилмалари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.

8. Қорхоналарнинг ўз маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари юқорида кўрсатилган экспертизадан ўтказилмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва келишиб олиш бўйича идоравий норматив ҳужжатларни текшириб чиқсин ва улар мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилиши устидан назорат ўрнатсин.

10. Мазкур Фармоннинг сўзсиз бажарилиши устидан жавобгарлик Бош вазир У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 9 февраль,  
ПФ № — 1924.

**ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР**  
**ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Импорт операцияларини бошқариш тизимини тако-

миллаштириш, бу операцияларни амалга ошириш чоғида шартнома ва молия интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 мартдан бошлаб товарлар (ишлар ва хизматлар)ни импорт қилишни тарифлар билан бошқариш ва импорт битимлари тузиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш тартибини енгиллаштиришга доир чора-тадбирлар тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари ва божхона органларида юридик ва жисмоний шахсларнинг импорт битимларини ҳисобга олиш ва улар ижросини назорат қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Ўз валюта захиралари билан таъминланмаган хўжалик юритиш субъектларининг импорт битимларигина Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Импорт бўйича республика божхона чегарасига келтирилган ва тўлаш учун валюта маблағи билан таъминланмаган товарлар божхонада расмийлаштирилмаслиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур товарлар вақтинча сақлаш тартибида жойлаштирилади, бу муддат ўтгач, тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса, импортчи маблағи ҳисобидан товарни етказиб берувчига қайтариб юборилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ваколатли банкларгина халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида импорт битимлари ҳақини тўлаш бўйича кафолат мажбурияти беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият органларига импорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўлаш бўйича хорижий ҳамкорларига кафолатлар бериш ёки ўзга мажбуриятларни олиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, ваколатли банклар импорт битимлари ҳақини тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни таъминлаш манфаатларини кўзда тутиб, бир ҳафта муддатда:

четдан келтириладиган акциз солиғи олинadиган товарлар рўйхатини, акциз солиғи ставкалари ва импорт ббж тўловлари рўйхатини;

жисмоний шахслар акциз солиғи тўламай олиб келиши мумкин бўлган товарлар меъёрини қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ — 1871 сонли Фармониға 3-илова 1998 йил 1 мартдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 18 февраль,  
ПФ № — 1930.

### САНИТАРИЯ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИҚ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ Тўғрисида

Давлат санитария назорати тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олиш, республика аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимлар шахсан жавоб берадилар.

2. Санитария назорати органларининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳудудларнинг санитария муҳофазаси ва касалликларнинг олдини олишга доир амалға ошириладиган фаолиятиға тўсқинлик қилиш мақсадида уш-



бу органларга ҳар қандай таъсир кўрсатиш қатъий тақиқлансин.

3. Санитария қонунчилиги бузилганлиги учун шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилсин. Белгилансинки:

санитария қонунлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги юқорида айтиб ўтилган мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади;

карантин қилинган касалликлар ёки инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишнинг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларнинг бузилиши мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги жазо жарималаридан тушувчи маблағлардан фойдаланиш тартибини бир ҳафта муддатда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жарималар қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда давлат санитария назорати органларининг қарорлари бажарилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

санитария қонунчилиги ва эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгилаш;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи қўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ранси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳо-

латини яхшилаш, юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш, санитария қонунлари талаблари бажарилиши учун маҳаллий ҳокимият органлари, коммунал хизмат ва санитария назорати органларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги республика санитария-эпидемиология хизматининг фаолияти тўғрисида махсус телекўрсатувлар ва руқнлар жорий этсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Эпидемияга қарши кураш республика фавқулодда комиссияси раиси И. Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 2 март,  
ПФ № — 1933.

**ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
НОЧОРЛИГИ ВА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ  
БАЖАРИЛИШИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ  
ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТУҒРИСИДА**

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориши шунинг кўрсатмоқдаки, қатор хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги ва ташаббуссизлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши корхоналарни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келмоқда.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хўжалик судлари иқтисодий беқарор хўжаликларга нисбатан мурасозликка йўл қўймоқдалар, мазкур корхоналарнинг мансабдор шахсларини қонунда белгиланган жавобгарликка тортмаяптилар. Хўжасизлик ва пул маблағларини беҳуда сарфлаш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларига хўжалик низоларини кўриб чиқишда етарли баҳо берилмаётир. Судлар корхоналарни банкротликка олиб келувчи дебитор-кредитор қарзларининг юқорилиги ҳамда зарар кўриб ишлашнинг сабабларини етарли даражада ўрганмаяптилар ва аниқламаяптилар. Етказил-

ган мулккий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундириш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаяпти.

Натижада, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзибуларчилик, совуққонлик ва хизмат мансабини суниестемол қилиш ҳолатларига йўл қўйилиши давом этмоқда. Бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди ва кескин чоралар кўрилиши талаб қилинади.

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларда белгиланган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Хўжалик судлари фаолияти республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига етарли даражада жавоб бермаётир деб топилсин.

Қонун бузувчиларга нисбатан мурасасозлик қилишдек номақбул амалиёт, айрим судлар томонидан хўжалик низоларини кўришга юзаки ёндошиш, аксарият ҳолларда уларнинг фаолиятида йўл қўйилаётган сансалорлик ва расмиятчилик ҳолатлари қоралансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига:

хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатиш;

иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулккий зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш;

пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси

**Адлия вазирлиги ўз фаолиятида хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уни ташкил қилиш масалаларида пала-партишликка ва ноизчилликка йўл қўйиб сусткашлик қилмоқда.**

Адлия вазири С. М. Мирсафоевдан:

хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахслари шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги қонунчиликда белгиланган чораларни қўлланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда бу ишда расмийлик ва ҳуқуқий саводсизликка барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди билан ўн кунлик муддат ичида шартномалар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида контрактация шартномаларини тузиш ва ижро қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, шартнома мажбуриятларини бажаришнинг аҳволини мунтазам ўрганиш ва хўжалик субъектларининг жавобгарлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш талаб қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар. Пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланилмаганлиги, тўлов интизомининг бузилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ва корхоналарни банкрот бўлиш даражасигача етказиш кўрсатиб ўтилган шахсларни қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликкача тортишга олиб келади.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик субъектлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин, корхоналарни иқтисодий ноқорликка, банкротликка олиб келганлиги ва шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, судларга даъво аризалари тақдим этишни жадаллаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрла-

син ва мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 4 март,  
ПФ № — 1938.

**ФОНД БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА  
ДАВЛАТ МУЛКИ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг Ўзбекистон ва хорижий сармоядорларни жалб этишдан манфаатдорлигини ошириш, уларнинг техник қайта жиҳозланишини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда фонд бозоридаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

1. Акциядорликка айлантирилаётган корхоналарнинг акциялари, пакетларини Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 31 мартдаги 1740 рақамли Фармонида белги-ланган улушлари бўйича қуйидаги тартибда жойлаш-тирилсин:

меҳнат жамоаси акциялари пакети акциядорликка айлантирилаётган корхона тасарруфига берилади, жа-моа аъзолари ўртасида тарқатилади ҳамда улар кўзла-ган тартибда фойдаланилади;

давлатга тегишли акциялар пакети давлат мулкани бошқариш ваколатига эга бўлган орган сифатида Ўзбе-кистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тад-биркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ихтиё-рида қолади;

эркин сотув ҳамда хорижий сармоядорларга сотишга мўлжалланган акциялар пакетлари Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда акциядорлик-ка айлантирилаётган корхоналар томонидан биргаликда жойлаштирилади ва тарқатилади.

2. 1999 йил 1 январга қадар бўлган даврда эркин со-тув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акция-лардан тушган маблағ (валюта ҳисобидаги тушумни ҳам ҳисобга олган ҳолда), истисно тарзида, тўлалигича (опе-рация харажатларидан ташқари) қайтармаслик имтиё-зи билан, акциядорликка айлантирилаётган корхоналар-га ўтказилади. Бу маблағ солиққа тортилмайди ҳамда

ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ренавация қилиш ва янгилаш бўйича қатъий мақсад йўлида фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналарнинг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларни сотишдан тушган маблағлари махсус очиладиган махсус ссуда ҳисобларида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига 1999 йил 1 январга қадар бўлган даврда акциядорлик жамиятларига айлантирилаётган корхоналар билан биргаликда уларнинг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларини сотиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси акциядорлик жамиятларининг акцияларни сотишдан ўз ихтиёрида қолган маблағлардан аниқ мақсадларда фойдаланиши устидан назорат қилсин. Бу маблағлардан кўзда тутилган мақсадларда фойдаланмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда, улар республика бюджетига ўтказилади.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида пайдо бўлган акциялар янги эгаларига белгиланган тартибда сотилгунга қадар биринчи марта жойлаштирилган давлат мулки ҳисобланади;

акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ўтказиш, уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги ҳолатига кўра, низом жамғармасининг бошланғич ҳажмига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, лекин сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар билан биргаликда 1998 йилнинг 1 чораги мобайнида акциядорлар рўйхатини улар олиши лозим бўлган дивидендларни тўлаш учун давлатга тегишли бўлган акциялар пакетларига мувофиқлаштирадилар.

4. Ўзбекистон Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари (ХИФлар) фаолиятини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. Таклифда қуйидагилар ҳисобга олинсин.

ХИФларни бошқарувчи компанияларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда уларнинг раҳбарлари профессионал даражасига талабчанликни ошириш;

ХИФларни бошқаришнинг чекланган кишилар доирасида концентрациялашуви ва ХИФлар активлари билан ғайриқонуний операциялар ўтказилишига барҳам бериш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси бир ҳафта муддат ичида:

Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф киритсин:

амалдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен ҳамда Молия вазири Ж. Сайфиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 4 март,  
ПФ № — 1939.

**1998—2000 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВРДА ҚИШЛОҚ  
ҲУЖАЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТУҒРИСИДА**

Аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни шакллантириш, мулкий пайлар ва оилавий пудрат тизимини жорий этиш асосида қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш

ва уни муҳофаза қилиш, селекция ва уруғчиликни яхши-лаш, рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. 1998—2000 йиллардаги даврда Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури маъқуллансин.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид ушбу Дастурнинг бажарилишини назорат қилувчи Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси ҳар чоракда Дастур қандай бажарилаётганлиги якунларини чиқариб, унинг натижалари тўғрисида республика ҳукуматига маълум қилиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Дастурни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида ҳудудлар бўйича Дастур қондаларини амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. 1998—2000 йиллардаги даврда Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури бажарилишини таъминлаш учун вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятларнинг ҳокимлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

6. Дастурнинг бажарилиши ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама қилиб борилсин.

7. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри 1998 йил, 18 март,  
ПФ № — 1978.



## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАНИ ОЛИБ КЕЛИШИ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА

Республикада нақд хорижий валюта муомаласининг амалдаги тартибини такомиллаштириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида:

1. 1998 йил 1 апрелдан бошлаб республикадан ташқарига нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

резидентларга — 1500 АҚШ долларига тенг миқдорда;  
норезидентларга — божхонага тақдим этилган декларацияга мувофиқ республикага келтирилган валюта миқдориди.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

2. Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига 1998 йил 1 апрелдан бошлаб белгиланган тартибда божхона декларацияларини тўлдириш шarti билан 10000 АҚШ долларига тенг миқдорда нақд хорижий валютани республикага эркин олиб келишга рухсат этилсин.

Нақд хорижий валюта белгиланган миқдордан ортиқ олиб келинган тақдирда унинг 10000 АҚШ долларидан зиёд қисмидан бир фоиз миқдориди бож тўлови олинади.

3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюта билан операция ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларига жисмоний шахсларга ҳисоб рақамлари ва омонатга қўйилган нақд хорижий валютасини олган тақдирда, шунингдек, хизмат сафари харажатлари учун республикадан хорижий валютани олиб кетиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни белгилашга рухсат этилсин.

4. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига махсус кассалар очиб, Ўзбекистон Республикаси норезидентларига халқаро йўловчиларни ташинишга эркин алмаштириладиган валютага билет сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси билан биргаликда авиация транспортида республика ҳудуди орқали ўтадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун божхона декларациясига мувофиқ, қўшимча ҳужжат ва маълумотномалар талаб қилмай, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда нақд хорижий валютани олиб келиш ва олиб кетиш устидан назоратнинг соддалаштирилган тартибини ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида»ги Фармонининг 3-банди бекор қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги амалдаги идоравий меъёрий ҳужжат ва йўриқномаларни уч кун муддатда ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси У. Комилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 20 март,  
ПФ № — 1979.

### **ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбектеатр» бирлашмасини ташкил этиш билан боғлиқ ижодий, ташкилий, молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси, театр ташкилотлари ва худудий бўлимларга эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, мулкчилик шакллари ва қайси идорага тааллуқли эканидан қатъи назар, мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр-студиялари, халқ театрлари жамоалари ва бошқа тегишли ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

4. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги инобатга олинсин:

театр ва театр-студиялар ижодий жамоаларини халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улғувчи ёрқин саҳна асарлари яратишга йўналтириш, шунингдек, ватанпарварлик ғояларини миллий эстетик тамойилларни тарғиб қилишга қаратилган ташаббус ва ҳаракатларни рағбатлантириш;

Ўзбек халқ томоша санъатлари (халқ анъанавий театри, майдон томошалари, байрамлар) соҳасидаги бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари яратиш учун шарт-шароит туғдириш;

ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, театрларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш;

театрлар жамоалари, режиссёрлар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ва балетмейстерларга долзарб мавзуларда буюртмалар бериш, республика ва халқаро миқёсда кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, хорижий мамлакатларга гастроллар уюштириш, илмий ан-

жуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, турли мукофот ва совринлар таъсис этиш;

иқтидорли ёшларни излаб топиш ва малакали му-тахассис кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига яқиндан ёрдам бериш;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Камолот», «Умид», «Олтин мерос» ва бошқа жамғармалар ёрдамида ёш ижодкорлар санъатини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш.

5. Миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Театр» ойлик адабий-бадий, ахборот-реклама журнали нашр этилсин.

6. Театр санъати маънавий ва маърифатни юксалтиришнинг қудратли воситаларидан бири эканлигини назарда тутиб, жойларда бу санъат ривожини билан боғлиқ ишларни изчил амалга ошириш масъулияти Маданият ишлари вазирлигини билан бир қаторда, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг зиммасига юклансин.

7. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бирлашманинг «Артмадад» номли махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларида ва идоравий буйсунишидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкин. Жамғарманинг таъсис мажлиси бир ой муддат ичида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Артмадад» жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб рақамига эллик миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳар Ҳамза кўчаси 49, 51-уйларни таъмирласин ва уларга «Ўзбектеатр» бирлашмасининг марказий аппарати, унинг жамғармаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасини жойлаштирасин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, қўғирчоқ театри, кино, телерадио, сахна, рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссерлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига кирувчи театр ташкилотларининг бинолари қурилиши ва таъмирланиши, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, Тошкент давлат санъат институти ва унинг 400 ўринли ётоқхонаси янги биноларини лойиҳалаш ва қуриш учун тегишли маблағ ажратишни 1999—2000 йиллар режасига киритсин.

11. Театр ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат, Маданият ишлари вазирликлари ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр муассасаларининг ихтисослаштирилган тизимини, республика, вилоят, шаҳар, туман, халқ ва ҳаваскорлик ҳамда хусусий мақомлари ва ижодий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Шу билан бирга, театр ташкилотларига қўшимча молиявий манбалар топиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг гастроль-концерт ва шартномалар асосидаги бошқа хизмат фаолиятидан тушадиган маблағлари, ҳомийлик ва инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларидан имтиёзли фойдаланиш ҳамда театр жамоасини рағбатлантириш тартибини белгиладиган Низом икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

12. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр ижодий ходимларига квалификация бериш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва бошқа мукофотларга тавсия этиш бўйича уларнинг, айниқса, ёшларнинг бутун фаолияти давомида касбий ва ижодий ўсиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олувчи Низом ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсинлар.

13. «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда театр-томоша санъатларини, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

Театр санъати ривожига ҳомийларни жалб қилиш мақсадида уларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси «Ўзбектеатр» бирлашмаси, унинг таркибидаги муассасалар ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдorigа монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 26 март,  
ПФ № — 1980.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
1996 ЙИЛ 30 НОЯБРДАГИ «ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР  
ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН  
ҚУШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР  
ТУҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ҚИСМАН ЎЗГАРТИШЛАР  
КИРИТИШ ТУҒРИСИДА**

Хорижий сармоялар иштирокидаги кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қўйидаги тарзда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирди:

корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларига мазкур Фармонга мувофиқ равишда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 27 март,  
ПФ № — 1981.

### **РЕСПУБЛИКАДА ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Республикада пиллачилик соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, ипакчилик соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Пилла» уюшмасини, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасининг «Андижон ипаги», «Хон атлас» ва «Кумуш тола» акциядорлик компанияларини тугатиш;

«Шойи» акциядорлик компанияси ҳамда «Пилла-холдинг» холдинг компаниясини ўз ичига оладиган «Ўзбекипаги» мустақил уюшмасини ташкил этиш;

ипакли ва аралаш газламалар ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш корхоналари, шунингдек табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича марказий илмий-тадқиқот институтини ўз ичига оладиган «Шойи» акциядорлик компаниясини тузиш;

таркибига пилла хом ашёси ва ипакли калава ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш саноати, ипак қурти уруғи тайёрлайдиган заводлар, хом пиллани қабул қилиш ва дастлабки ишлов бериш корхоналари, тутчилик хўжаликлари, ипак қурти наслчилик станциялари ва автотранспорт корхоналари, шунингдек, бевосита компанияга бўйсундириладиган Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти кирадиган «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва унинг худудий акциядорлик бирлашмаларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. «Ўзбек ипаги» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компаниясининг сифатли қуруқ пилла, пилла хом ашёси ва ипак калава, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган табиий ва аралаш шойи газламалари ишлаб чиқаришнинг ягона технологик жараёнини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

уюшма таркибига кирадиган компанияларнинг корхона ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик ва технологик алоқаларни шартнома муносабатлари тизимини такомиллаштириш йўли билан мустақамлаш;



пиллачилик соҳасида хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда агросаноат интеграцияси ва кооперациясининг янги ташкилий шаклларини ривожлантириш;

сифатли уруф ва пилла тайёрлаш, пиллакашлик, ипак йиғириш, шойи тўқиш соҳалари бўйича ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш борасида ягона техникавий ва инвестицион сиёсат юритиш;

пиллачилик соҳасига, жумладан, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш йўли билан, хорижий сармоялар жалб этиш;

ипакчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш учун ички ва ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, республика ипакчилик саноати корхоналари маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш.

3. Янги тутзорлар барпо этилган майдонлар 3 йил муҳлатга ер солиғидан озод қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 30 март,  
ПФ № — 1982.

### **ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚ, КИЧИК ВА УРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолият соҳасидаги кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қўйидагилар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади:

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари

соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб-чиқариш соҳасида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига белгиланганидан ортиқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улгуржи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

2. Белгилаб қўйилсинки, кичик ва ўрта корхоналар одатда хомашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадийий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинсин.

Қўрғонлар, қишлоқ ва овулларда янгидан барпо этилаётган, ишлаб чиқариш-техника соҳасига мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, майший корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 31-моддасининг 18-банди тадбиқ этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар фақат Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаридагина тегишлидир.

4. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўз вазифаси ва фаолият йўналишини кенгайтириш ҳақидаги таклифлари қўйидаги ҳолларда қабул қилинсин:

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг катта-кичиклиги, мулк-шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисобот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларининг амалда бажарилиши борасидаги ишларни йўлга қўйиш;

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк» кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк Қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банкларининг:

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк»нинг Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиб кириши ҳақидаги;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тармоқ ва худудий хўжалик бирлашмалари ва улар таркибига кирадиган корхоналарга кредит беришни амалга ошираётган тижорат банклари Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятида шартнома асосида, унинг билвосита аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги;

худудий хўжалик бирлашмалари, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, бозор инфратузилмаси ташкилотларининг марказий ва минтақавий кенгашлари фаолиятида уларнинг аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бир ой муддат ичида мазкур

Фармоннинг 4 ва 5-бандларидан келиб чиқадиган барча мазкур низом ўзгаришларини амалга оширсин.

6. Фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватловчи Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари уюшмасининг уни Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига айлантириш, айти вақтда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фондини Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фонди деб аташ ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси деҳқон ва фермер хўжалиқларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштиради, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

«Замин» банкининг Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок этиш;

Европа Таъмирлаш ва тараққиёт банкининг деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун 20 мингдан 125 минг АҚШ долларигача миқдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналиши ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳам қўшган ҳолда, сармоя лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинадиган йиллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим:

хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаёмга қайта тақсимланаётганида 3 ойдан ортиқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.

8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари,

жумладан, «Тадбиркорбанк» ва «Замин» банки орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган бош битимлар асосида кредит йўллари очиш орқали амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўзининг ихтисослашган ташқи савдо фирмалари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни ташкил этсин. Уларга хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотини ўтказишда кўмаклашсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бўлимлари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маҳаллий солиқ ва статистика хизматлари билан биргаликда 1998 йил 1 июлига қадар барпо этилган ва ишлаб турган кичик ва ўрта бизнесга мансуб барча корхоналарнинг сонини аниқлаш мақсадида уларнинг рўйхатини инвентаризациядан ўтказсинлар;

хусусий кичик ва ўрта корхоналарнинг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли ҳудудий бўлимларига ёки Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига белгиланган тартибда аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини барпо этилаётган ва тугатилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳақидаги ахборот билан ҳар ойда таъминлаб турсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида:

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида;

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида;

кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилсин.

12. Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркор-

лар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон қондаларига мувофиқлаштириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф кiritсин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 9 апрель,  
ПФ № — 1987.

### **ҲУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ҳуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини, маъсулиятларини янада ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ҳуқаролар йиғинлари, маҳаллалар раислари ва котибларининг маошлари иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб иловага мувофиқ икки разрядга оширилсин. Маошларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплансин.

2. Катта ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида алоҳида обрў эътиборга эга бўлган кишиларни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб ҳуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига нафақалар тўла миқдорда тўлансин. Нафақаларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

3. Мазкур масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари зиммасига юклансин.

4. Ҳуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ваколатларини амалга оширишлари учун Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

— 1998 йилнинг охиригача фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларга амалий ёрдам бериш тадбирларини жорий этсинлар;

— маҳаллалар ва фуқаролар йиғинлари самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериб, уларнинг асосий фаолиятини аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этишни таъминлашга, маиший-хўжалик, маданий-маърифий масалаларни ҳал қилишга йўналтирсинлар;

— жойлардаги жамоат ташкилотларининг иш фаолиятларини маҳаллалар билан узвий боғланган ҳолда олиб боришни ташкил қилсинлар.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда шахсан ҳокимларнинг масъул эканликлари таъкидлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 апрель,  
ПФ № — 1990.

**АКЦИЗ МАРКАЛАРИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ВА  
ҒАЙРИҚОНУНИЙ АЙЛАНТИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ  
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Қалбаки ва сифатсиз алкогольли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун қалбаки пулларни ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотиш каби ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 176-моддасида белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги акциз маркаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қат-

тиқ назоратни таъминласинлар, айбдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

икки ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга акциз маркаларни бошқа мақсадларда сотганлик учун, шунингдек уларни ноқонуний сотиб олганлик ва айлантирганлик учун аниқ жиноий жавобгарлик чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг айланишига нисбатан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлар сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21-майдаги 221-сон қарори 2-бандининг 1-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Б. М. Мустафоев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 6 июль,  
ПФ № — 2051.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ДАВЛАТ  
ҚУМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қоидаларини рўёбга чиқариш, ерга онд муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини бошқариш структурасини такомиллаштириш ва ер фондидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар ташкил қилинсин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ер тузиш ва ердан фойдаланиш Бош бошқармаси билан ердан фой-



даланишни назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси негизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси;

тегишли ҳудудий ер тузиш хизматлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари бошқармаси, ер ресурслари вилоят бошқармалари ва туман хизматлари.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер тузишни, ерлар мониторингини амалга ошириш, давлат ер кадастрини юритиш ҳамда ерлардан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этиш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

ер ресурслари бўйича ҳудудий бошқармалар ва хизматлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига бўйсунадилар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимликларига ҳисобот берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига ва ерга оид қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, ердан фойдаланиш, уни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш борасидаги Миллий дастурни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳамда ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида йиллик Миллий ҳисоботни тайёрлаш;

бозор иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш талабларига мувофиқ ерга оид муносабатлар тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ер тузишни ташкил этишни, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер ресурсларига бериладиган баҳони ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оши-

риш, қулай экология муҳитини вужудга келтириш ва табиат манзараларини яхшилаш;

ер фондининг ҳолатини кузатиб бориш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларни баҳолаш, ерга салбий таъсир ўтказиш жараёнлари оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ерлар мониторингини амалга ошириш;

давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш, ерга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш, давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат хусусиятлари, ер участкаларининг қаерда жойлашгани ва ҳажмлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича тақсимланиши тўғрисида ҳаққоний маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш;

ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар, бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари қонун талабларига риоя этишларини таъминлаш, йўл қўйиладиган бузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш;

ер тузишни ташкил этиш борасидаги энг янги жаҳон технологияларини ўрганиш ва жорий этиш, ердан фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни таъминлаш;

ер тузиш, давлат ер кадастри ва тупроқшунослик соҳасида банд бўлган мутахассислар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги техник инвентаризация республика ва ҳудудий кадастр бюрolari ер тузиш, ердан фойдаланиш, шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг ерларини баҳолаш ва уларнинг мониторинги масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига ҳисобот берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ер тузиш бўйича Давлат илмий-лойиҳа институти «Ўздаверлойиҳа» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва агрохимия институти Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси таркибига ўтказилсин.

«Ўздаверлойиҳа» илмий-лойиҳа институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимия институти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажарадиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари топография ишларига тенглаштирилиши ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 24 июль,  
ПФ № — 2059.

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 17 август,  
ПФ № — 2067.

## **«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида юксак спорт натижаларига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 25 август,  
ПФ № — 2069.

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Республика валюта бозорининг бундан буён ҳам эркинлашувини таъминлаш, фуқароларнинг валюта омонатларини очишга бўлган манфаатдорлигини ошириш, банк хизматларининг халқаро амалиёт талабларига мос замонавий турларини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларга мижознинг исм-фамилияси сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги хорижий валютада ҳисоб очишга руҳсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 1998 йил якунлари бўйича мижознинг исм-фамилияси сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги валютада ҳисоб очиш ва уларга хизмат курсатиш борасидаги тажрибасини умумлаштириб, уни бошқа ваколатли банклар ўртасида оммалаштирсин.

2. Ваколатли банкларга жисмоний шахсларга эркин

муомаладаги омонат ҳисоби бўйича операциялар ўтказгани учун омонат ҳисобидаги валютада воситачилик ҳақи ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

### 3. Республиканинг ваколатли банкларига:

омонатчиларга эркин муомаладаги валюта омонатларини сақлаш ва уларни ҳеч бир шартсиз қайтариб бериш ҳамда омонат ҳисобидаги валютага қўшиладиган фоизларни тўлаш бўйича тегишли кафолатлар бериш;

жисмоний шахсларнинг эркин муомаладаги валютадаги омонатлари бўйича ўзаро фойдали шартлардаги фоиз ставкаларининг янги, ошиб борадиган шкалаларини жорий этиш;

амалдаги қонунчиликка биноан, шахсий омонатлар, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар банкда сир сақланишига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

эркин муомаладаги валютада омонатлар очишнинг қулайлиги ва фойдали эканлигини аҳолига етказиш мақсадида зарур тушунтириш ишлари ва реклама тadbирларини ўтказишни ташкил этиш тавсия қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда белгиланган тартибда резидент ва норезидентларнинг омонатлари ҳамда бу омонатлар бўйича ўтказилган операциялар хусусида омонат сирининг очилишига олиб келадиган ғайриқонуний ахборот олишга уринишларнинг олдини олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддат ичида амалдаги идоравий-меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 сентябрь,  
ПФ № — 2079.

## **АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришда 'акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг қайтарилишини таъминлаш учун банкнинг раҳбар ва ижроия органлари жавобгарлигини ошириш, шунингдек хусусий банклар ташкил этиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар тасдиқлансин;

Акциядорлик тижорат банки тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом 2-иловага мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шу йилнинг охирига қадар тижорат банклари, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ акциядорлик тижорат банкларининг Кенгашлари тузилишини таъминласин.

Бунда банкларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтиришга ҳамда акциядорлар сармоясини қўшимча равишда жалб этишга, банкларнинг фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг роли ва масъулиятини оширишга банкларнинг ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказишга эътибор қаратилсин.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига махсус комиссия тузиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банкнинг устав капиталида давлатга тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ошган ҳолларда банк Кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ишончли вакил киритилади, унинг зиммасига мазкур акциялар пакетини бошқариш вазифаси юкланади.

4. Акциядорлик тижорат банки Кенгаши:

банк филиалларининг Бошқаруви ва раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, мазкур Намунавий низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиши;

банк Бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаши;

банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси тузиши белгилаб қўйилсин.

5. Акциядорлик тижорат банкларига қўйидагилар тавсия этилсин:

ички ой муддатда қонунчиликда белгиланган тартибда ўз низомлари ва ички меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармон билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳолга келтириш;

1998 йилнинг охиригача акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилишини ташкил қилиб, уларда банклар Кенгашларининг таркибларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларининг белгиланган тартибда банк Кенгаши томонидан тайинланишини таъминлаш;

Бошқарув раисининг ва банк ички аудит хизмати раҳбарининг ҳар чоракдаги маърузаларини Кенгаш ҳузурида мунтазам тинглаб боришни амалиётга жорий қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қўйидагилар тавсия қилинсин:

тижорат банкларининг фаолияти устидан назоратни ошириш, улар томонидан операторлик вазифаларини амалга ошириш бўйича талабларни кучайтириш, зарур ҳолларда банклар томонидан акциядорлик тижорат банклари фаолияти тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ва акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилганлиги учун уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, ҳатто банк лицензиясини қайтариб олиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимлари билан бирга бир ой муддатда ҳусусий сармоя иштирокидаги акциядорлик тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чоратадбирларини, шу жумладан янги ташкил этилаётган ҳамда ишлаб турган тижорат банкларининг устав, капиталига аҳоли ҳамда ҳусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларини инвестициялаш жозибadorлигини ошириш, моддий-техника базасини шакллантириш, шунингдек ходимлар билан таъминлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш чоғида шундай банкларга амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:

1999 йилнинг 1 июлига қадар давлат маблағларини жалб этган ҳолда ташкил қилинган банкларнинг устав капиталидаги давлат улуши кўпи билан эллик фоизни ташкил этиши, қолган қисми эса юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан банкларнинг мижозлари ўртасида жойлаштирилиши лозимлигини назарда тутиб, тижорат банкларининг устав капиталига нисбатан қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқсин;

икки ой муддат ичида тижорат банклари олдидаги қарздорликни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, бунда Ҳукумат қарорларига биноан кечиктирилган кредитларни белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш механизмини кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон банклари уюшмасига қуйидагилар тавсия этилсин;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда банкларнинг мижозларини ва эҳтимол тутилган сармоядорларни ўзларининг эркин пул маблағларини банклар томонидан чиқариладиган акцияларга мақбул тарзда жойлаштиришлари учун кенг ахборот билан таъминлаш борасидаги комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

1998 йилнинг 1 декабрига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда банкларнинг молиявий ҳолатини мустақил рейтинг компаниялари баҳоларининг натижалари билан оммавий ахборот воситаларида мунтазам суратда ёритиб бориш чораларини кўриш;

1998 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси билан биргаликда банк омонатларини нотижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш тизимини янада ривожлантириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар ўзларининг меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Хамидов ва Ўзбекистон Республикаси Мар-



казий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 2 октябрь,  
ПФ № — 2084.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ  
УЧУН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат солиқлари (алкоголли маҳсулотга акциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қуйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилади:

даромад (фойда) солиғи;

қўшилган қиймат солиғи;

экология солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

мол-мулк солиғи;

ер солиғи;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар, деҳқон

хўжаликлари бундан мустаснодир. Деҳқон хўжаликлариغا Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган солиққа тортиш шартлари тадбиқ этилади;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади;

ягона ер солиғи миқдори ер майдонининг қаерда жойлашганлигини, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олувчи базавий ставкалар ҳамда тузатиш коэффициентларидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ер майдони бирлигига қайд этиб қўйилган тўлов ҳолида белгиланади. Ягона ер солиғининг миқдори қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди;

ягона ер солиғи маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади.

4. Иловага мувофиқ таркибда ягона ер солиғини жорий этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тузилиб, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

ягона ер солиғига тортиладиган ер майдонларини ҳисобга олиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ягона ер солиғи миқдорларининг ер майдонлари сифатига мувофиқлиги таъминланишини назарда тутган ҳолда ерни кадастр жиҳатидан баҳолаш мониторингини ўтказиш;

ягона ер солиғи жорий этилишини назорат қилиш;

ягона ер солиғи базавий ставкалари ва унга нисбатан тузатиш коэффициентларининг қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти натижаларига таъсирини таҳлил қилиш;

ягона ер солиғининг айрим тўловчиларига солиқ имтиёзлари бериш самарадорлигини ўрганиш;

ерларни кадастр жиҳатидан баҳолаш чора-тадбирларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шу йилнинг 15 ноябрига қадар ерлар жойлашишининг тафовутлари, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ

хўжалик экинзорларига мутлақ миқдорда 1999 йилга мўлжалланган ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини, шунингдек ягона ер солиғи муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффициентларини тасдиқласин;

ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида туманлар ва шаҳарлар бўйича ягона ер солиғи ставкаларини тасдиқласин;

1999 йилги иш якунлари бўйича, Республика комиссиясининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентларини қайта кўриб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон амалга киритилгунга қадар айрим қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи, шунингдек даромад (фойда) солиғини тўлашда имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса шу муддат тугагунга қадар бундай имтиёз ягона ер солиғи тўлашга тадбиқ этилади;

ягона ер солиғини ҳисоблаш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ер солиғига тортилмайдиган ер майдонлари солиққа тортиш базасидан мустасно қилинади;

янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 10 октябрь,  
ПФ № — 2086.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

## Ф А Р М О Н И

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларни адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар отабоболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжақўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-муруват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўз-

ларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) Муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) Жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номаъқулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарсин ва зарур чоралар кўрсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 28 октябрь,  
ПФ № — 2100.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI COғЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида:

1. Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 июндаги Ф—856-сон Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998—2005 йилларда ислоҳ қилишнинг қўйидаги таркибдаги Давлат дастури маъқуллансин:

1998—2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси, 1-иловага мувофиқ;

бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, 2-иловага мувофиқ;

босқичма-босқич пулли тиббий хизматларга ўтказиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати, 3-иловага мувофиқ;

2001—2005 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури, 4-иловага мувофиқ;

шифокор кадрлар ва ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга бўлган қўшимча эҳтиёжлар, 5-иловага мувофиқ;

1999—2005 йилларда тиббиёт билим юртларини касб-ҳунар коллежларига айлантириш дастурлари, 6-иловага мувофиқ.

2. «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг тиббиёт-санитария қисми, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси, республика ва Тошкент вилоят санитария авиацияси негизида 7-иловага мувофиқ таркибда Республика шошилич тиббий ёрдам марказини минтақавий филиаллари билан ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар тасдиқлансин:

Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг тузилмаси, 8-иловага мувофиқ;

Республика шошилич тиббий ёрдам маркази тўғрисидаги Низом, 9-иловага мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 1998 йилга белгиланган ходимлар сони ва ажратилган маблағлар доирасида Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги филиалларининг ишлаши билан боғлиқ ташкилий, техникавий, молиявий ҳамда бошқа масалаларни ҳал қилсинлар;

Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг жойлардаги филиаллари юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу йилнинг 20 декабрига қадар касаллик турларини ва беморларни даволаб, саломатлигини тиклашни ҳисобга олган ҳолда уларнинг шошилич тиббий ёрдам хизматларида бўлишининг чекланган муддатларини ишлаб чиқиб, жорий этсин.

5. Нодавлат даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан, аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий даволаш-профилактика муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ имтиёзга эга беморларга 20 фоизга қадар бепул тиббий хизмат кўрсатишлари ҳамда бу хизматлар бюджет ҳисобидан молиялашиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

1999—2000 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт олий ўқув юртларининг даволаш факультетлари ҳузурида ўрта тиббий маълумот негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган олий малакали тиббиёт ҳамширалари (ревматологлар, анестезистлар, жарроҳлик ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш бўлимларини очсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Макро-

иқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда 1999 йилнинг 1 майга қадар мазкур бўлимларда олий малакали тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш бўйича абитуриентларни қабул қилиш қондалари ва давлат таълим андозалари тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширувчи Республика комиссиясига тақдим этсинлар;

1999—2000 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий ўқув юртлирида профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг сони 1:6 нисбатида белгилансин.

7. 1998—2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишга доир асосий чора-тадбирлар 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш Республика комиссияси (бундан буён Республика комиссияси деб юритилади) 11-иловага мувофиқ тuzилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни амалга ошириш билан алоқадор вазирликлар, идоралар, муассасаларнинг, шунингдек, мулкчилик шаклларида қатъи назар барча ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат дастури талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг янгиларини ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий сармоядорлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг маблағларини соғлиқни сақлаш тизимига жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

Давлат дастури бажарилишининг мунтазам мониторингини ташкил этиб, Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этиш.

Республика комиссияси зарур ҳолларда тиббий суғурта тизимини жорий этиш, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялашни тубдан ўзгартириш, тиббиёт муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш, соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат секторини ва хусусий даволашни ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини,



меъерий-услугий ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун юқори малакали маҳаллий ва хорижий экспертлардан иборат ишчи гуруҳларини ташкил қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан бирга республиканинг ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантиришга ажратиладиган маблағларнинг лимитларини кўзда тутсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси билан бирга 1999 йилининг 1 июлига қадар қишлоқ ва маҳалла (шаҳар) врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиб, қабул қилсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари, шу жумладан, босқичма-босқич пулли тиббий хизматга ўтилиши муносабати билан тиббиёт муассасалари харажатларидан тежаб қолинган маблағлар, корхоналар ва ташкилотларнинг, ҳомийларнинг, бевосита хорижий сармоядорларнинг маблағлари қишлоқ врачлик пунктларини ривожлантириш дастурини молиялашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппаратида давлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ажратилаётган бюджет маблағларидан ўринли фойдаланилишини назорат қилиш Бош бошқармаси 9 кишидан иборат таркибда ташкил этилсин. Аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш билан банд-бўлган бўлинмалар жорий йил учун белгиланган ходимлар сони ва маблағлар доирасида мустаҳкамлансин, уларнинг зиммасига хусусий соғлиқни сақлаш тизимининг ташкил этилишини назорат қилиш юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси 1999 йилнинг 1 январига қадар соғлиқни сақлаш тизимини

ислоҳ қилиш Давлат дастурининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан Республика комиссияси билан келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, қабул қилсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини молиявий таъминлаш, шу мақсадда хорижий сармояларни жалб этиш ва жалб этиладиган хорижий кредитларга белгиланган тартибда кафолатлар бериш учун жавобгарлик юклансин.

13. Соғлиқни сақлаш нодавлат секторини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни вужудга келтириш учун:

хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилган пайдан бошлаб 2 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод қилинсин, бундан йиғилган маблағларнинг муассасаларни замонавий тиббий ва ташхис ускуналари билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хусусий даволаш-профилактика муассасаларини барпо этиш учун ер майдонлари ажратилишини ҳамда одам яшаши учун мўлжалланмаган бинолар сотилишини таъминласинлар; «Бизнес-фонд» ва «Ўзтадбиркорбанк»га янги ташкил этилаётган хусусий тиббиёт муассасаларини молиялаш учун белгиланган тартибда кредит линиялари очиш тавсия қилинсин;

соғлиқни сақлаш объектларини бўлғуси мулкдорлар узоқ муддатли ижарага олиб, кейинчалик пулли тиббий хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобига уларни хусусий мулк қилиб сотиб олиши тарзида давлат тасарруфидан чиқариш тажрибаси кенгайтирилсин.

14. Ўзбекистон Шифокорлар уюшмаси бир ой муддатда республикада «Ибн Сино» Халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил. 10 ноябрь,

ПФ № — 2107.

## ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Ислом оламининг беназир мутафаккири, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг дунё маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, унинг башариятга қолдирган бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда эзгулик ва маънавий комилликка етакловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, фарзандларимиз онгу шуурига теран сингдириб бориш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Фанлар Академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий Академияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилот ҳамда идоралр томонидан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тuzилганлиги эътиборга олинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Мамлакатимиз ташкилотлари, идоралари, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Низомини белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

2. Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини жамғарма балансига ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг таклифи маъқуллансин.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг Самарқанд вилоятидаги бўлими мазкур мажмуага жойлаштирилиши назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион сўм ажратсин.

Қувайт давлати амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ томонидан Имом ал-Бухорий мажмуига хайрия этилган 500000 АҚШ доллариға тенг маблағ Жамғармага ўтказилгани инобатга олинсин.

Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари, халқаро

ташкилотлар ва хорижий шахсларнинг хайрия улушлари учун Жамғарма ҳисоби очиқ эканлиги қайд этилсин.

Жамғарма, унинг бўлимлари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган барча солиқлардан, божхона тўловларидан беш йил муддатга озод қилинсин.

4. Жамғармага тушган маблағлар алоҳида ҳисобга олиниб, уларни харажат қилиш қўйидаги мақсадлар учун ишлатилсин:

— Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб қилиш, алломанинг шахси билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни қидириб топиш ва тўплаш мақсадида илмий ва амалий экспедициялар ташкил этишга;

— Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёратгоҳга айлантириш, унинг муқаддас қадамжоларига маҳаллий ва хорижлик фуқароларнинг зиёратларини уюштиришга;

— муҳаддис ижодига мансуб барча турдаги асарлар ва манбаларни излаш, жамлаш ва уларни чоп этишга;

— миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган қадимий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилишга;

— Имом ал-Бухорийнинг маънавий-маърифий ва бошқа йўналишдаги асарларини халқ, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга;

— миллий одоб-ахлоқ анъаналарига, урф-одатларга, умуминсоний қадриятларга асосланган ёшлар руҳиятига мос таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда мутафаккир асарларидан унумли фойдаланиб, кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, бадий, илмий-оммабоп фильмлар яратиш, адабиётлар, кўргазмали воситалар ва бошқаларни нашр этишга.

Тўпланган маблағларнинг ана шу мақсадлардан ташқари ўзлаштирилиши ман қилинсин.

5. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг асосий вазибалари этиб қўйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб этиш;

— халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-маъ-

рифий савиясини юксалтириш, уларда миллий ғурур, аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига садоқатни мустаҳкамлашда Имом ал-Бухорий ва бошқа улур мутафаккирларимиз маънавий меросидан самарали фойдаланиш;

— юрtdошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ва қадамжоларини зиёрат қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— Имом ал-Бухорий мероси, ўзбек халқининг маданий-маънавий қадриятлари ҳамда ислом фалсафасига бағишланган халқаро илмий анжуманлар уюштириш, экспедициялар ташкил этиш;

мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш, чет эллардаги давлат, жамоат ва хайрия ташкилотлари билан мунтазам илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш;

— Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-Саҳийҳи» ва умумэътироф этилган яна бешта ишончли ҳадислар тўпламларини ўзбек ва бошқа тиллардаги изоҳли ҳамда оммабоп нашрларини амалга ошириш ва тарқатиш;

— Қуръони Қаримнинг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимаси нашрини амалга ошириш ва тарқатиш;

— ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш;

— халқаро аҳамиятга молик диний-тарихий ёзма обидаларнинг факсимиле, репринт ва илмий нашрларини амалга ошириш ва тарқатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Фанлар Академияси Жамғармага барча нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда ва ҳамкорлик қилишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарув аппаратига хизмат кўрсатиш учун 1 та енгил автомашина ва 1 та микроавтобусга лимит ажратсин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси белгиланган лимитга мувофиқ Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини автомашиналар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлигига Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминлаш топширилсин.

9. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари раислари ва раис ўринбосарлари учун тегишли равишда белгиланган моддий-маиший ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) бир ой муддатда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини бино билан таъминласин.

11. «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситаларига Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 16 ноябрь,  
ПФ № — 2110.

### **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 1998—2000 йилларга мўлжалланган Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишда бошқариш тизimini янада такомиллаштириш, қурилиш соҳасидаги бошқарув тузилмаларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, тегишли қурилиш корпорацияси, уюшмаси ва бирлашмаси муассисларининг қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси — «Ўздеҳқончиликқурилиш»;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлиги ҳузуридаги кооператив ва акциядорлик қурилиш корхоналари уюшмаси — «Ўзжамоатқурилиш».

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси икки ҳафта муддатда «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясини, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасини ва «Ўзжамоақурилиш» уюшмасини тугатиш бўйича белгиланган тартибда тугатувчи комиссияларни тузсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси ва «Ўзжамоақурилиш» уюшмаси таркибига кирувчи пудрат қурилиш трестлари, бошқармалар, бирлашмалар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар мустақил юридик шахслар сифатида сақлаб қолинади ва улар хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширадилар.

3. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тегишли ҳудудий комиссиялар билан бирга икки ҳафта муддатда ҳудудлар бўйича қурилиш ташкилотлари тизими ва тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ортиқча бўғинлар ва бўлинмаларни тугатишни, ишлаб турган пудрат қурилиш ташкилотларининг ташкилий тузилмасини маъқулланган намунавий бошқарув тузилмасига мувофиқ ҳолга келтиришни, кенг кўламда акциялашни таъминлаган ҳолда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бундан буён ҳам ўзгартириб борилишини назарда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари;

тегишли лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ва молиялашманбалари тасдиқланмаган объектлар қурилишига йўл қўймасинлар, қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини кўрсинлар;

объектлар қурилишига, шу жумладан объектларни тўлиқ қуриб топшириш шарти билан буюртмаларни тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизими кенг жорий этилишини таъминласинлар;

хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига, пудрат ишлари бозори, қурилиш мол-

лари улгуржи бозорларини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмак берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси («Ўзсаноатхўжаликқурилиш»)ни ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 25 декабрдаги ПФ—519-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил. 16 ноябрь,  
ПФ № — 2111.

### **ХУЖАЛИҚ ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асосиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва барча текширишларни ўтказиш, қонда тариқасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек муқобил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жинойи ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига



йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қоида тариқасида, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади ва тафтиш қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календар кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

аудиторлик текширишларини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, жумладан назорат тариқасидаги текширишлар ва тафтишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги

органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом 1 ва 2 илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқирилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қонидани татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонун-

лар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио», оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ—2008-сон Фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 19 ноябрь,  
ПФ № — 2114.

**ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА  
БОЛАЛАР ПОЙАБЗАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚУШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР  
ТУҒРИСИДА**

Юқори сифатли болалар пойабзали ишлаб чиқариш кўпайтирилиши ва турлари кенгайишини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун республикага олиб келаётган хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қўшилган қийматиغا солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Ушбу Фармоннинг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил. 24 ноябрь,

ПФ № — 2143.

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА»**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан, шунингдек инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) 60 ёшдан ошган аёллар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, қонунда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинлаш назарда тутилмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган шу тоифадаги ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар учун — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар учун — тўртдан бир қисмига.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а» банди бундан мустасно) ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёҳуд жиний уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1—3, 5, 6-моддалари қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг жиноят содир этган шахсларга нисбатан ушбу Фармон тадбиқ этилмасин.

8. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 1 декабрь,  
ПФ № — 2150.

## САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

Солиқни тартибга солишни такомиллаштириш ҳисобига муомала харажатларини камаййтиришда савдо корхоналарининг манфаатдорлигини ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, солиқ солиш тизимини содалаштириш ва бир хил қилиш, солиқлар тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг қўйидаги турларини тўлашдан озод қилинсин:

экология солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ер солиғи;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган жами умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига қўйидаги солиқларни тўлайдилар:

ялпи даромад солиғи;

мулк солиғи.

3. Ялпи даромад солиғининг ставкалари корхонанинг даромадлилик даражаси ва қаерда жойлашганига қараб табақалаштирилишини ҳисобга олган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тегишли йилга тасдиқлаш чоғида ялпи даромад солиғи ставкаларини ҳар йили қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи берилсин.

4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун: мулк солиғи;

божхона тўловлари, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифлар-

ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кiritсинлар.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 3 декабрь,  
ПФ № — 2151.

**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ МИЛЛИЙ  
КОРПОРАЦИЯСИНИ «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ  
КОМПАНИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги нефть ва газ конлари ўзлаштирилишини жадаллаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, республиканинг нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда нефть-газ тармоғини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг, «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий корпорацияси корхоналари ва ташкилотларининг:

а) «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантириш;

«Ўзнефтгазқурилиш» ва «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат акциядорлик бирлашмаларини тегишли равишда «Ўзнефтгазқурилиш» ва «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияларига айлантириш;

«Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтنيқайтаишлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаларини «Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтниқайтаишлаш» акциядорлик компанияларига айлантириш;

«Ўзнефтгазтаъминот» савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасини «Ўзнефтгазишчитаъминот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисидаги;

б) «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Ўзбекгеофизика» давлат геология корхонаси негизида «Ўёгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш;

«Ўзнефтқазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Ўзнефтгазгеология» давлат геология корхонасининг пудрат бурғулаш ташкилотлари негизида «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компаниясини ташкил этиш; тармоқнинг ҳамда «Ўзмашсаноат» уюшмасига қарашли «Ўбеккимёмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг машинасозлик корхоналари негизида «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

жорий ва узоқ муддатли тахминларни, газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг, табиий ресурслардан ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг аниқ мақсадли илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг нефть маҳсулотлари ва газга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш;

нефть ва газ соҳасидаги геология-қидирув ишларининг стратегик ҳамда устувор йўналишларини белгилаш ва мувофиқлаштириш, нефть ва газ конларини қазишнинг самарали тизим ва усулларини жорий этиш;

хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;

нефть, газ ва нефть маҳсулотлари республика ҳамда жаҳон бозори конъюнктурасини ўрганиш негизида сармояларни жалб этиш;

газ таъминоти ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

тармоқ корхоналарида янги технологияларни ва илғор менежмент усулларини жорий қилиш.

3. Қуйидагилар «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясининг устав жамғармасига ўтказилсин:

ушбу Фармонга мувофиқ ўзгартирилган ёки ташкил қилинган акциядорлик компаниялари акциялари пакетининг 51 фоизи;

бевосита холдинг компаниясига ҳисоб берадиган давлат корхоналарининг мулки;

холдинг компаниясига уюшган қатнашчилар — ак-



циядорлик жамиятларида давлатга тегишли бўлган акцияларнинг пакетлари.

Холдинг компанияси ҳамда унинг акциядорлик компанияларининг устав жамғармаларига ўтказилган акцияларнинг пакетлари ва давлатга тегишли мулкни самарали бошқариш учун жавобгарлик «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси зиммасига юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясида ва холдинг акциядорлик компанияларида давлатга тегишли акцияларни, шунингдек тармоқнинг давлат корхоналаридаги мулкни фонд бозорларида сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

4. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси юридик шахс бўлиб, очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилиши;

«Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концернини «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий корпорациясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 23 декабрдаги ПФ—518-сон Фармон ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 11 декабрь,  
ПФ № — 2154.

**ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ОЛИБ  
КЕЛИШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА  
ДОИР ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

Республика истеъмол бозорида мувозанат сақланишини ва барқарор тўлдирилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, товарларнинг айрим турларини қонунга хилоф равишда олиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига белгиланган тартибда олиб

келинаётган товарлардан импорт бож тўловлари ундириш 1999 йил 1 январдан бекор қилинсин.

2. «Ўздавстандарт», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги келтирилаётган истеъмол товарлари сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларга тегишли сертификатлар ва рухсатномалар ўз вақтида берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги экспорт қилиш тақиқлаб қўйилган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш ҳолларига чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилиш тақиқланган товарларни юридик ва жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиши ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурий ёки жисмоний жавобгарликка тортилади.

4. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг кўчма божхона постлари сонини кўпайтириб, қўшни давлатлар билан чегаралардаги дала йўллари ва айланма йўллар орқали товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетганлик, шунингдек, импорт қилинадиган товарларни сотишнинг белгилаб қўйилган тартибни бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритсин;

амалдаги қонунчиликни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Экспорт қилиш тақиқланган товарларни қонунга хилоф равишда олиб кетиш ҳолларининг олдини олиш-

да ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиб, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ—1871-сонли Фармонига 5-сонли илова матнидан «сионизм» сўзи чиқариб ташлансин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил, 25 декабрь,  
ПФ № — 2160.

### **ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг активлари банк фаолиятининг халқаро андозаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Халқ банкнинг Халқ банки низом жамғармасини уч миллиард сўм миқдорида белгилаш, унинг манбааларини қўйидаги улушда шакллантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51 фоиз) — 1,53 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49 фоиз) — 1,47 миллиард сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Халқ банки ресурсларини фуқароларнинг омонатлари тўла сақланишини кафолатлайдиган, талаб катта бўлган, ишончли ва кўп даромад келтирадиган сарфларга жойланишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Халқ банкни 2002 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилиш, бўш маблағларини банк инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1998 йил 25 декабрь,  
ПФ № — 2162.

### **ИБН СИНО ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИ ҚўЛЛАБ- ҚўВВАТЛАШ ТўҒРИСИДА**

Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида;

1. Ибн Сино халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан киритилган таклиф қабул қилинсин.

2. Жамғарманинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни тезлаштиришга кўмаклашиш;

соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатидан қайта қуришда, тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нурунийлар учун геронтология (гериатрия) марказлари-

ни очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириб бориш;

Абу Али ибн Синонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга кўмаклашиш, Ибн Сино кутубхонасини очиш;

буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китоблар, рисолалар, журнал нашр этиш, телевидение ва радиода доимий ишлаб турадиган дастурлар очиш, Ибн Сино музейини барпо этиш;

Ибн Синонинг тиббий ва илмий-маънавий меросига оид тадқиқотлар олиб боришга, унинг фандаги мактабларини ўрганишга кўмаклашиш, хусусан олимларнинг бу борадаги илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

тиббиёт ва доришунослик соҳасидаги энг яхши ишлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказиш;

мамлакатнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда Жамғарма бўлинмаларини ташкил этиш, буюк ватандошимиз таваллуд топган тупроқ — Бухоро шаҳрида ҳар йили Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиб туриш;

ЮНЕСКО билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб бориш, Жамғарманинг равнақ топиб бориши учун моддий асос яратиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Ибн Сино халқаро жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм миқдоридида маблағ ажратсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан беирладиган хайрия маблағлари учун Жамғарманинг ҳисоб рақами доимо очиқ ҳисобланади.

Ибн Сино халқаро жамғармаси ва унинг бўлимлари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқ-

лар, бож тўловидан беш йил муддатга озод қилинсин ва булар Низомда кўзда тутилган фаолиятларни амалга ошириш учун сарфлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма фаолиятини маблағлар билан таъминлашнинг асосий манбалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади: давлат грантлари, Ўзбекистонлик ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро инвестициялар, ҳайрия бадаллари ва ўз фаолиятдан тушадиган даромад маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 6 январь,  
ПФ № — 2171.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг самарали тизимини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Чегара қўшинлари Бош штаби негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилсин ва у бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсундирилсин.

Чегара қўшинлари Миллий хавфсизлик хизмати таркибидан чиқарилсин ва улар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита таркибига киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланиб, чегарага доир сиёсатни амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг ташкил этишни таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини

ҳимоя қилувчи қўмитанинг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари деб қўйидагилар белгилансин;

Давлат чегараларини ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, қуролланган душман тузилмаларининг мамлакат ҳудудига ўтишига йўл қўймаслик;

чегара қўшинларининг хизмат, жанговор ва тезкор фаолиятлари устидан самарали раҳбарлик ва бошқаришни, уларнинг мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари бузилмаслигини ҳимоя қилишга тайёр туришларини ташкил этиш ва таъминлаш;

шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг таъсирчан тизимини яратиш, уларда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни мувоффақиятли бажаришлари учун зарур юқори даражадаги жанговор, маънавий-руҳий сифатларни шакллантириш;

Давлат чегараларини қўриқлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимият органлари билан ишларнинг аниқ мувофиқлаштирилишини ва баҳамжиҳат ҳаракатини таъминлаш;

эҳтимол тутилган жанговор ҳаракатлар зоналарида вазиятларнинг характери, хусусиятлари ва улар ривожланишининг эҳтимол тутилган вариантларини чуқур таҳлил этиш ва олдиндан аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бош штаби билан биргаликда чегара қўшинларининг таркиби, тузилмаси, сони ва жойлашувининг, уларни замонавий қурол-яроғ турлари билан, ҳарбий техника ва чегарани қўриқлашнинг махсус воситалари билан таъминлашнинг энг мақбул вариантларини моделлаштириш;

Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш манфаатлари йўлида бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз ваколати доирасида Давлат чегараларининг ишончли тарзда ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини

таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

чегара қўшинлари ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажаришлари учун зарур ахборотни вазирликлар, идоралар, муассасалардан, жойлардаги давлат ҳокимияти органларидан, мансабдор шахслардан талаб қилиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг чегара қонунчилигини бузиш фактлари бўйича давлат органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ чегара масалалари бўйича белгиланган тартибда халқаро битимлар тузиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. 14 январь Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари куни этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Махфий.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил. 13 январь,  
ПФ № — 2176.

**АҲОЛИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИЖТИМОЙ МАДАД  
БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ  
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, унинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда ушбу органларнинг ваколатлари ва масъулиятини кенгайтириш мақсадида, шунингдек муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган иж-



тимой мадад кўрсатиш борасида тўпланган ижобий тажрибани эътиборга олиб:

1. 1999 йил 1 мартдан бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги чора-тадбирлар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин:

ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига, қарорлар қабул қилиш чоғида ошкораликка, мададнинг аниқ йўналтирилишига риоя этиш ҳамда боқимандаликка йўл қўймаслик, шунингдек ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш асосий шартлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги бюджетларни шакллантириш чоғида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ушбу бандда кўрсатилган тўловларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиб берилишини кўзда тутсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки фуқароларнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари учун «Ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақалар» ва «Ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш» махсус илова ҳисобварақаларини очсин.

3. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда фуқароларнинг Халқ банки муассасалари орқали белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда фойдаланиш сарф-харажатлари ҳамда коммунал хизматларга тўлиқ ва ўз вақтида ҳақ тўлашларини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Коммунал хизмат вазирлиги ва уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини аҳоли тўлиқ тўлашини таъминлаганлик учун

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини рағбатлантириш тизимини жорий этиб, бунда қуйидагиларни кўзда тутсинлар.

Фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бедгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар суммасининг 20 фоизи ажратилади;

тушумларнинг 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тушумлар суммасининг 10 фоизи ажратилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ушбу маблағларни уй-жой-коммунал хизматлари ҳақи-ни тўлаш учун кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, шунингдек маҳаллалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларни ободонлаштириш ишларини ўтказиш учун мақсадли фойдаланишга йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

4. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайрия маблағлари ҳисобидан моддий мададга муҳтож бўлган ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари зиммасига ижтимоий имтиёزلарни тайинлаш чоғида ошкоралик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан маблағлар қатъиян аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан доимий назоратни таъминлаш вазифаси юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юкланган янги юмушлар ҳамда вазифалар тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида ахборот бериб борсинлар.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зим-  
масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 13 январь,  
ПФ № — 2177.

**ХАЛҚАРО «КУРАШ» АССОЦИАЦИЯСИНИ ҚўЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида**

Миллий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватан-  
парварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган  
ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури си-  
фатида тан олинганлиги муносабати билан Халқаро  
«Кураш» Ассоциациясининг жаҳон миқёсидаги мавқеи-  
ни янада мустақкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-  
қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28 мамлакати вакилларининг ташаб-  
буси ва бевосита иштирокида Халқаро «Кураш» Ассо-  
циацияси ташкил этилганлиги эътироф этилсин.

Кураш бўйича миллий ва қитъа федерациялари фао-  
лиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишини  
йўлга қўйиш, қитъа ва жаҳон биринчиликларини таш-  
кил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўй-  
инлари қаторига киритиш Ассоциациянинг асосий вази-  
фаси этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Хал-  
қаро «Кураш» Ассоциацияси Бош қароргоҳини жойлаш-  
тириш учун алоҳида бино ажратиб уни Ассоциация ба-  
лансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Хал-  
қаро «Кураш» Ассоциациясини давлат томонидан қўл-  
лаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг за-  
ҳира жамғармасидан унинг ҳисоб рақамига 10 (ўн) мил-  
лион сўм миқдоридан маблағ ўтказсин.

4. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ва унинг Ўзбе-  
кистон ҳудудидаги бўлимлари ва корхоналари давлат  
бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан,  
божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Имтиёзли солиқ олинishi муносабати билан бўшай-  
диган маблағлардан кураш спорт турини ривожланти-  
риш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини  
мустақкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Курашни ривожлантириш ҳомийларининг фойдадан тулайдиган солиқ базаси уларнинг Ассоциация ҳисоби-га ўтказадиган маблағлари миқдорига мувофиқ равиш-да қисқартирилсин.

5. Ўзбек курашини, унинг халқаро анъаналарини, хотуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кураш» ой-лик адабий-бадий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журнали таъсис этилсин.

6. Оммавий ахборот воситаларига Ассоциация фао-лияти билан боғлиқ барча тадбирларни кенг жамоатчи-ликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш та-всия этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 1 февраль,  
ПФ № — 2211.

### **РАНГЛИ МЕТАЛЛАР ПАРЧАЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТУҒРИСИДА**

Рангли металлар ички бозорини ҳимоя қилиш, ва-танимиздаги ишлаб чиқарувчиларни хом ашё билан таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 15 февралдан бошлаб рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини Ўзбекистон Республикаси-дан ташқарига олиб чиқиб кетиш тақиқлансин.

1997 йил 10 октябрдаги ПФ — 1817-сон Фармон би-лан тасдиқланган 4-иловадаги «Экспорт қилиниши та-қиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати»га тегиш-ли қўшимча иловага мувофиқ киритилсин.

2. «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамия-тига ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси томонидан тасдиқланадиган ҳажмларда рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини экспорт қилиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўми-таси олиб чиқиб кетилиши тақиқланган товарлар, бу-юмлар ва маҳсулотларнинг республикадан ташқарига чиқарилиши чоғида белгиланган тартибга риоя этили-ши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 5 февраль,  
ПФ № — 2212.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲОЖИАЛИ ҲОДИСАЛАР  
МУНОСАБАТИ БИЛАН МОТАМ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

1999 йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабих ниятли кучлар томонидан террорчилик хуружлари содир этилди. Мустақиллигимизга, халқимизнинг осойишта ҳаётига, юртимиз хавфсизлигига тажовуз қилишга қаратилган бу ёвуз уриниш оқибатида беғуноҳ одамлар ҳалок бўлди, юздан ортиқ киши жароҳатланди. Бу мусибат ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қалбига чуқур қайғу солди ва қўпоровчи кучларга нисбатан чексиз қаҳру ғазаб уйғотди.

Беғуноҳ ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, ёри биродарларига ҳамдардлик билдириб, қурбонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида:

1. 1999 йил 18 февраль Ўзбекистон Республикасида Мотам куни деб эълон қилинсин.

2. Мотам куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи туширилсин.

3. Маданият муассасаларига, барча телерадиокомпанияларга 18 февраль куни кўнгилочар томошалар, кўрсатув ва эшиттиришларни тўхтатиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 февраль,  
ПФ № — 2236.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва

республикада паспорт тизимини такомиллаштириш, хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва ҳудудда бўлишини тартибга солиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

хорижий фуқаролар, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномаси бўлгандагина доимий қайддан ўтиш ҳуқуқига эга;

МДҲга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудда уч кундан ортиқ бўладиган фуқаролари истиқомат жойида вақтинчалик қайддан ўтиши шарт;

Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визада кўрсатилган муддат билан вақтинча қайд этилади.

2. Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизими тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармон билан тасдиқланган Низомга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида, жумладан МДҲга аъзо давлатлар фуқароларига ва хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда уларни доимий қайд этиш масалаларини кўриб чиқиш учун махсус комиссиялар тузилсин.

Мазкур ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ушбу масалаларни ҳал этишда комиссиялар Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун келувчи

шахсларни турар-жой, иш ва ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш имкониятлари мавжудлигига алоҳида эътибор берсин.

4. Паспорт тизими қоидаларига, хорижий фуқароларнинг, жумладан, МДХга аъзо давлатлар фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ҳамда республикада бўлиши тартибига қатъий амал қилиниши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 декабрдаги ПФ — 1027-сонли Фармонида 1 ва 2-иловалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги 143-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 26 февраль,  
ПФ № — 2240.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ

### Н И З О М

#### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига эга бўлишлари шарт. Ҳарбий хизматчилар бундай паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан беряладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Хорижий, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар. Ушбу Низом нормалари хорижий фуқаролар — дипломатик, консуллик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига тадбиқ этилмайди, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

3. Паспорт хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

— Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган фуқароларига;

— «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;



— «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паепорти бутун Ўзбекистон Республикасида ягона намунада ўзбек, рус ва инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса, қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади ва 32 бетдан иборат бўлади.

7. Паспортга ўзбек, рус ва инглиз тилларида (Қорақалпоғистон Республикасида эса — қорақалпоқ тилида ҳам) фуқаронинг шахсий тўғрисида қуйидаги маълумотлар ёзилади:

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- туғилган йили, кун, ойи;
- туғилган жойи;
- миллати;
- жинси;
- шахс ўхшашлигини аниқлаш рақами.

Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилётганда паспорт олувчининг истагига кўра отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёзма аризасига мувофиқ отаси ёки онасининг миллатига алмаштрилиши мумкин, ammo фақат бир марта ўзгартирилади.

Паспортда унинг эгасининг имзоси, паспорт берган масъул шахс имзоси бўлиши, шунингдек паспорт берилган вақт ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим. Шунингдек паспортга:

- балоғатга етмаган болаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, кун, ойи;
- ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги;
- никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;
- паспорт эгасининг яшайдиган ва доимий қайд этилган жойи ҳақидаги;
- вақтинча қайд этилгани тўғрисидаги;
- чет элга чиқиш учун рухсатнома ҳақидаги;

— хорижий давлатларга кириш учун визалар ҳақидаги маълумотлар ёзилади.

Фуқароларнинг розилиги билан уларнинг паспортига паспорт эгаларининг қони гуруҳи ва резуси тўғрисидаги белгилар қўйилади. Фуқаронинг паспортига ушбу Низомда кўзда тутилмаган ёзувларни киритиш тақиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига ёзувларни:

— ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотларни — ички ишлар органлари (хорижий давлатларга кириш учун визалар ҳақидаги ёзувдан ҳамда паспорт эгаларининг қони гуруҳи ва резуси тўғрисидаги белгилардан ташқари);

— ҳарбий хизматга муносабати ҳақидаги маълумотларни — мудофаа ишлари органлари, паспорт алмаштирилган ҳолларда эса — ички ишлар органлари ҳам;

— никоҳни қайд этиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ёзувларни — фуқаролик ҳолатини қайд этиш органлари, паспорт алмаштирилган ҳолларда эса — ички ишлар органлари ҳам;

— паспортнинг амал қилиш муддати, шунингдек паспорт эгаси билан бирга жўнаб кетаётган унинг балоғатга етмаган болалари тўғрисидаги ёзувларни — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари;

— хорижий давлатларга кириш учун визалар тўғрисидаги ёзувни — хорижий мамлакатларнинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

— қон гуруҳи ва резуси ҳақидаги белгини — соғлиқни сақлаш муассасалари киритади.

9. 16 ёшга тўлган шахсга ички ишлар органлари томонидан паспорт берилади ва у 25 ёшга тўлгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади.

Фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганда ички ишлар органлари уларга янги паспорт беради, унга олдинги паспортдаги маълумотларнинг янги паспорт бериш вақтида ҳақиқий бўлганларининг ҳаммаси киритилади.

45 ёшга тўлган фуқаролар паспортининг амал қилиш муддати чекланмайди.

Паспорт унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

10. Қўйидагилар паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулдирлар:

— ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг, меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатларнинг, қариялар ва ногиронлар уйлари ва бошқа шундай муассасаларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари;

— хусусийлаштирилган уй эгалари ва шахсий мулк ҳуқуқи билан уйларга эгалик қилувчи шахслар.

11. Паспорт тизими қондалари бажарилишини ички ишлар органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари назорат қиладилар.

## II. ПАСПОРТ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

12. Паспорт олиш учун фуқаро истиқомат жойидаги ички ишлар органига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига қуйидагиларни тақдим этади:

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

— туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (паспортни биринчи марта олиш чоғида);

— илгари олинган паспорт;

— 35x45 миллиметр катталиқдаги иккита оқ-қора ёки рангли фотосурат.

13. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиш чоғида илгари олган паспортини доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эса Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига топширишга мажбурдир.

Паспортни фуқаролар истиқомат жойидаги ички ишлар органлари, ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари беради ва алмаштиради.

14. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатилган ҳарбий хизматчиларга паспорт ҳарбий билет ва шахсий гувоҳнома асосида берилиши мумкин.

15. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган шахсларга паспортлар ички ишлар органлари томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилади.

16. Қуйидаги ҳолларда паспорт алмаштирилади:

— паспортнинг амал қилиш муддати тугаганда;

— фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;

— миллатини, туғилган йилини ўзгартирганда;

— ёзувлардаги чалкашлик аниқланганда;

— виза ва алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақлар тўлганда;

— фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

Паспортни алмаштириш учун ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади.

Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш, миллатини, туғилган йилини ўзгартиш ёки ёзувдаги чалкашликка аниқлик киритиш мақсадида паспортни алмаштириш учун шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

17. Фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили ва миллатини ўзгартирган, ёзувдаги чалкашлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай, паспорт аниқ муддатга берилган ҳолларда эса — паспортнинг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч кун муддатда паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этиши керак. Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижга жўнаб кетадиган тақдирда, агар паспортнинг амал қилиш муддати олти ойдан камроқни ёки кириш визасидаги муддатни ташкил этса, паспорт алмаштирилиши мумкин.

18. Ички ишлар органлари ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси томонидан алмаштириш тарзида ёки йўқолган паспорт ўрнига бериладиган паспортга ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотлар киритилиши керак.

19. Паспорт бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат пошлинаси (бож) олинади. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар пошлина тўлашдан озод қилинади.

20. Фуқаро паспортни авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро доимий қайд этилган жойидаги ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилиши лозим. Улар эса фуқаронинг аризасига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради. Маълумотнома шаклини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

Фуқаро паспортни йўқотган тақдирда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда паспорт йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилади.

21. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан шахс паспортни ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилганда уларнинг паспортлари хизматни ўташ даврида сақлаш учун хизматга чақирилиш жо-

йидаги мудофаа ишлари органларига, ҳарбий ўқув юртларига қабул қилинганда эса, кейин ички ишлар органларига йўқ қилишга юбориш учун шу ўқув юртига топширилади.

Вафот этганларнинг паспортлари фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг марҳум борган хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилади, улар эса ўлим рўйхатга олинганидан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай марҳумнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида охириги истиқомат жойидаги ички ишлар органларига белгиланган тартибда йўқ қилиш учун юборади.

Топиб олинган паспорт ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилиши лозим.

22. Қамоққа олинган, шунингдек озодликдан маҳрумликка, қамоқ жазосига маҳкум этилган шахслар паспорти суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Қамоқдан озод қилингандан ёки жазони ўтаб бўлганидан сўнг паспорт эгасига қайтарилади.

23. Ушбу Низомнинг 22-бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиб қўйиш, шунингдек паспортни гаровга ёки бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида қолдириш ва олиб қолиш тақиқланади.

24. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга ошириш учун зарур штамплар ва бланкаларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

25. Паспорт олишга ариза бланкалари ва Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга оширишда зарур бўлган бошқа бланкалар учун давлат пошлинаси олинмайди.

### III. ҚАЙД ЭТИШ, РҮЙХАТДАН ЧИҚАРИШ

26. Фуқароларни қайд этиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муайян истиқомат жойида шахснинг доимий ёки вақтинча яшаб туриши фактини ички ишлар органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олишдир.

27. Шахс муайян истиқомат жойида доимий яшаш ниятида бўлган ҳолларда доимий қайд этиш амалга оширилади.

Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий қайд этиш ҳуқуқига эгадирлар:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

— хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар ушбу тоифадаги шахсларда Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар

органлари томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномалари мавжуд бўлган тақдирда.

28. Вақтинча қайд этиш шахсининг ўзи белгилаган истиқомат жойида бўлиши даврида амалга оширилади. Уч кундан олти ойгача даврдаги вақтинча қайд этиш фуқарони доимий истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. 6 ойдан кўпроқ муддатга вақтинча қайд этиш шахсни доимий истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқарган ҳолда амалга оширилади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча қайд этилиши лозим;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi бир жойдан иккинчи жойга вақтинча яшаш учун келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

— МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролари;

— МДХга аъзо давлатлардан фуқаролиги тўғрисида белгиси бўлмаган собиқ СССР паспортлари билан келган шахслар;

— Ўзбекистон Республикасига кириш визалари билан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

29. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бир жойидан иккинчи жойига олти ойгача муддат билан вақтинча яшаш учун келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқишни расмийлаштирмаган ҳолда вақтинча қайд этиладилар ва бунда паспортларга қайд этиш штампи қўйилади.

30. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi бошқа жойга олти ойдан кўпроқ муддатга вақтинча яшаш учун жўнаб кетадиган (хизмат сафарларига, таътилларга, дала ҳовлига, дам олиш ёки даволашнига кетадиганлардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатдан чиқишлари ва вақтинча турадиган жойда қайд этилишлари шарт.

31. Қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади, бу орган ҳафтасига икки марта одамларнинг жўнаб кетиши ва келиши тўғрисидаги варақларни ҳудуд бўйича Манзил-маълумотнома бюросига юбориб туриши шарт. Мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳмонхоналарнинг, даволаш муассасаларининг, санаторийлар ва дам олиш уйларининг масъул шахслари қайд этилиши лозим бўлган жойлашган шахсларнинг сўровнома-аризаларини ҳисобга олиш учун бир кун ичида ўзи жойлашган ҳудуд бўйича Манзил-маълумотнома бюросига юборишлари шарт.

32. Доимий ва вақтинча қайд эттириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий ёки вақтинча истиқомат жойида қуйидагиларни тақдим этадилар:

— белгиланган шаклдаги ариза;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

— туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома — 16 ёшга тўлмаган, ота-оналаридан (васийлар ва ҳомийлардан) алоҳида яшовчи шахслар учун;

— ҳарбий билет ёки шахсий гувоҳнома — казармалардан, кемалардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар учун;

— давлат пошлинаси тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

16 ёшга тўлмаган, ота-оналари (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшайдиган болаларни қайд этиш туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар бўйича, улар тўғрисидаги маълумотларни уй дафтларларига (қайд этиш варақчаларига) киритиш йўли билан амалга оширилади.

МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасига вақтинча яшаш учун МДХга аъзо давлатлардан келган шахслар ички ишлар органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

— белгиланган шаклдаги ариза;

— паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (офицернинг шахсий гувоҳномаси);

— давлат пошлинаси тўланганлиги тўғрисида квитанция.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча қайд этиш учун қуйидагиларни тақдим этадилар:

— белгиланган шаклдаги ариза;

— миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси;

— Ўзбекистон Республикасига кириш визаси;

— давлат пошлинаси тўланганлиги тўғрисида квитанция;

— таклиф этувчининг ёзма аризаси.

Хорижий фуқаролар, шу жумладан МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, МДХга аъзо давлатлардан келган шахслар доимий қайд этиш учун:

— белгиланган шаклдаги аризани;

— Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномани;

— давлат пошлинаси тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни тақдим этадилар.

Чегара ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида қайд этиш учун ушбу ҳудудга кириш тўғрисида чегара ҳудудига жўнаб кетгунга қадар истиқомат жойида ички ишлар органидан белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.

33. Қайд этилиш лозим бўлган шахслар келган кундан бошлаб уч кун муддат ичида ҳужжатларни қайд этиш учун ички ишлар органларига топширишлари шарт.

Рўйхатдан чиқиш учун ҳужжатлар доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари томонидан расмийлаштирилади.

34. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, шунингдек белгиланган тартибда берилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фу-

қаролиги бўлмаган шахслар уй-жой майдонининг қанчалигидан қатъи назар донмий қайд эттириш ҳуқуқига эгадирлар:

— эр-хотин — бир-бирининг уй-жой майдониغا;

— балоғатга етмаган ва васийликдаги болалар — ота-оналари ва васийларининг уй-жой майдониغا;

— ўз онлаларига эга бўлмаган ёки балоғатга етмаган болалари бўлган, аммо никоҳдан ўтмаган балоғатга етган фарзандлар — ота-оналарининг уй-жой майдониغا;

— ота-оналар — фарзандларининг уй-жой майдониغا;

— балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек меҳнатга лаёқатсиз туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз онлалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар — акаси, укаси, опаси, синглисининг уй-жой майдониغا;

— илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар — олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдониغا;

— озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар — олдинги истиқомат жойига, ўз онла аъзоларининг, қариндошлари ёки ҳукм қилингунга қадар яшаб турган бошқа шахсларнинг уй-жой майдониغا;

— муддатли хизмат тугагандан сўнг Қуролли Кучлар сафидан бўшатишган ҳарбий хизматчилар — олдинги истиқомат жойига, ёки ота-онаси, ёхуд бошқа қариндошларининг уй-жой майдониغا;

— офицерлар таркибидан захирага ёки истеъфога бўшатишган шахслар, Қуролли Кучларнинг, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг, ички қўшинлар ва Миллий хавфсизлик хизматининг прапоршчиклари, мичманлари ва муддатга қўшимча хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилари. Ички ишлар вазирлигининг бошлиқлар ва оддий ходимлари сафида бўлган шахслар (оила аъзолари билан) — белгиланган тартибда уй-жой олгунга (сотиб олингунга) қадар қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг уй-жой майдониغا.

Ушбу бандда кўрсатилган тоифадаги шахслар билан бир қаторда қуйидагилар ҳам уй-жой майдони қанчалигидан қатъи назар вақтинча қайд эттириш ҳуқуқига эга:

— ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, прапоршчиклар, мичманлар онла аъзолари билан бирга — белгиланган тартибда уй-жой олгунга (сотиб олингунга) қадар муддатга бошқа шахслар ёки ҳарбий қисмнинг уй-жой майдониغا ёхуд ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув юрти ёки Мудофаа вазирлигининг, Миллий хав-



фсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ички ишлар Ўзбекистон Республикасининг ўзга ташкилоти жойлашган ерга;

— академик лицейларнинг, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари, ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари, докторантлари, адъюнклар, ординаторлари, кадрларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ёхуд малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари — ўқиш даврида ўқув юртлари ва идораларнинг, қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

— фаолияти доимий ҳаракат билан боғлиқ шахслар (кемалар экипажларининг аъзолари, геология ва қидирув партияларининг, экспедицияларнинг ходимлари ва шу кабилар) — иш даврида тегишли пароходчиликлар, бошқармалар, геология, қидирув партиялари ва экспедицияларнинг асосий базалари, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган манзилга.

35. Қайд этиш ва рўйхатидан чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат пошлинаси олинади.

36. МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролари уларнинг шахсини ёки фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига визасиз кириш ва унда ҳаракат қилиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

37. Чегара ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг истиқомат жойини танлашида чеклашлар белгилаб қўйилди. Ушбу бандда кўзда тутилган чеклаш амал қиладиган жойларда қайд этиш рухсат берилмаган шахслар шу ерларда жойлашган корхоналарга, муассаса ва ташкилотларга ишга қабул қилиниши мумкин эмас ҳамда улар шу жойни етти кун мобайнида тарк этишлари лозим. Улар чиқиб кетишдан бўйин товлаган ҳолларда ички ишлар органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда чиқариб юборилдилар. Мазкур жойларда вақтинча бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ республиканинг бошқа айрим минтақаларида аҳоли соғлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу жойларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бўлиши вақтинча чеклаб қўйилиши мумкин.

38. Хусусий уй-жой эгаси уй-жой майдони қанчалигидан қатъи назар оила аъзоларини ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш учун белгиланган тартибда берилган гувоҳномага эга бўлган хорижий фу-

қаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қайд эттириш ҳуқуқига эгадир.

Хусусий мулк тарзида ўзига тегишли бир қанча уйнинг эгаси улардан фақат биттасига қайд этилиши мумкин.

39. Суднинг Ўзбекистон Республикаси фуқаросини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш учун белгиланган тартибда берилган гувоҳномага эга бўлган хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаб турган уйдан кўчириб юбориш ёки бундай уйлардан фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотгани ҳақидаги қарори қонуний кучга кириши муносабати билан уларнинг яшаш жойига қайд этилиши бекор қилиниши лозим.

Қайд этиш бошқа ҳолларда ҳам, қонунчиликда белгиланган суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

40. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар мажбур шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар қонуний кучга кирганидан сўнг рўйхатдан чиқарилади.

41. Вафот этганлар ўлим рўйхатга олингандан кейин қайд этишдан чиқарилади.

42. Қайд этиш (рўйхатдан чиқиш) учун лозим бўлган аризалар, уй дафтарлари, манзил варақаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайд этиш ва рўйхатдан чиқаришга тааллуқли бошқа ҳужжатларнинг шакллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

#### IV. ПАСПОРТ ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

43. Фуқаролар:

— паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан қайд эттирмай яшаганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлик ҳамда паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик, паспортни авайлаб сақламай уни йўқотганлик учун;

— паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишига масъул бўлган шахслар фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, ёхуд қайд этмай яшашига йўл қўйгани учун, шунингдек фуқаролар ўзлари эгаллаб турган уй-жой биноларида паспортсиз шахсларнинг қайдсиз яшашига йўл қўйгани учун;

— мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспорти ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек қайдсиз яшаётган фуқароларни ишга қабул қилгани учун;

— мансабдор шахслар фуқароларнинг паспортини қонунсиз олиб қўйгани ёки паспортни гаровга олиб қолгани учун;

— чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлиши вақтинча, чекланган жойларга кириш ёки унда яшаш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ХОРИЖИЙ ШАХСГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИ  
ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИ  
ТЎҒРИСИДАГИ**

**Н И З О М**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом:

— хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲга аъзо давлатларнинг фуқароларига;

— фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шу жумладан «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тадбиқ этилади.

2. Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси уларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлмаган шахслар учун эса — уларнинг шахсини ҳам тасдиқловчи ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси доирасида ҳақиқийдир.

Фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси хорижда унинг эгаси шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси қуйидагиларга берилади:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга — улар ўн олтмишга тўлганларида;

— ушбу Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш учун рухсатнома олган шахсларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган ва қо-

чунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган шахсларга;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, аммо Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилмаган ёки қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган шахсларга.

4. Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг истиқомат жойида берилади.

5. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи, чет элга жўнаб кетувчи фуқаролиги бўлмаган шахсга берилади.

## II. ХОРИЖИЙ ШАХСГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИДАГИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИДАГИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИДАГИ ЕЗУВЛАР, УЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

6. Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш учун бериладиган гувоҳномалар, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шакллар бўйича ҳимоя воситалари бўлган махсус бланкаларда тайёрланади, Ўзбекистон Республикасининг гербига эга бўлади.

Яшаш гувоҳномалари 16 варақдан, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси эса 10 варақдан иборатдир.

7. Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномалари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида тўлдирилади. Ҳужжатларга қуйидаги маълумотлар киритилади:

а) хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган яшаш гувоҳномаларида:

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- туғилган йили, куни, ойи;
- туғилган жойи;
- миллати;
- Ўзбекистон Республикасига келган кундаги фуқаролиги;
- оилавий аҳволи;
- Ўзбекистон Республикасига келган куни;
- келишдан мақсад;

- яшаш гувоҳномаси ким томонидан ва қачон берилган;
- яшаш гувоҳномаси қандай ҳужжатларга асосланиб берилган;
- яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати ва амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида;
- балоғатга етмаган фарзандлар ҳақида;
- қайд этиш ҳақида;
- алоҳида белгилар (қон резуси ва ҳоказолар);
- Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эслатма;
- б) фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида:
  - фамилияси, исми, отасининг исми;
  - туғилган йили ва жойи;
  - миллати;
  - фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ким томонидан ва қачон берилган;
  - биргалликда бораётган балоғатга етмаган фарзандлар ҳақида;
  - визалар ҳақида;
  - фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахснинг розилиги билан, яшаш гувоҳномасида соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан яшаш гувоҳномаси эгасининг қон гуруҳи ва қандай резусга мансублиги тўғрисида белгилар қўйилади.

Хорижий шахс ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаларига ушбу Низомда кўзда тутилмаган ёзувларни киритиш тақиқланади.

8. Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган яшаш гувоҳномаларида, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида катталиги 35×45 миллиметрли қора-оқ ёки рангли фотосуратлар, ҳужжат эгасининг ва уни берган масъул шахснинг имзолари бўлиши лозим.

### III. ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ВА ФУҚАРОЛИГИ БУЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ЯШАШГА РУХСАТНОМА ОЛИШ ТАРТИБИ

9. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсатнома олиш учун вақтинча турган жойидаги туман (шаҳар) ички ишлар органига мурожаат этиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича 2 нусхада ариза-сўровномалар;

- аризачи доимий яшаш ниятида бўлган қариндошлари (танишлари)нинг аризачи илтимосига ўз муносабатлари тўғрисида нотариат томонидан тасдиқланган аризалари, шунингдек қариндош-

**лар** (танишлар)нинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини ва унда яшовчи шахслар сонини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— никоҳ тўғрисидаги, боланинг туғилганлик ҳақидаги ҳужжатларнинг нотариат томонидан тасдиқланган нусхалари;

— ҳужжатларни кўриб чиққанлик ва расмийлаштирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат пошлиnasi тўланганлиги тўғрисида қвiтанция;

— катталиги 35x45 миллиметрли 2 та фотосурат.

10. Ҳужжатлар қабул қилиб олингандан кейин аризачилар ўз илтимослари қондирилиши рад этилган тақдирда улар ички ишлар органлари томонидан белгиланадиган муддатда Ўзбекистон Республикасидан жўнаб кетишлари лозимлиги тўғрисида тилхат олиниб огоҳлантириладилар.

Қабул қилинган ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, вилоятларнинг ички ишлар бошқармаларига ва Тошкент шаҳар ИИББга юборилади, бу ерда тақдим этилган ҳужжатлар ва аризачининг, таклиф қилувчи кишиларнинг шахсиятлари текширилади, шунингдек ушбу масала бўйича миллий хавфсизлик органларининг фикри сўралади. Шу билан бирга мавжуд ҳужжатларнинг нусхалари аризачининг илтимоси юзасидан Махсус комиссия унинг минтақада истиқомат қилиши ва ишга жойлашиши учун реал имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда хулоса чиқариши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси текшириш ниҳоясига етиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Махсус комиссиясининг, шунингдек миллий хавфсизлик органларининг ижобий хулосаси олинганидан сўнг расмийлаштирилган ишни аризачига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсат бериш тўғрисидаги узил-кесил қарорни қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлигига юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мазкур масалани ҳал этиш чоғида, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хулосасини сўраб олади.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжатларни ваколатли органларнинг ҳар бирида кўриб чиқиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ижобий қарори хорижий фуқарога, фуқаролиги бўлмаган шахсга уш-

бу Низомда белгиланган тартибда яшаш гувоҳномасини бериш учун асос ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилиниши мумкин. Шундай ҳолларда хорижий фуқарога ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудини белгиланган муддатда тарк этиш таклиф қилинади, улар бош тортишган тақдирда эса мамлакатдан белгиланган тартибда чиқариб юборилдилар.

#### IV. ХОРИЖИЙ ШАХСГА, ФУҚАРОЛИГИ БУЛМАГАН ШАХСГА ЯШАШ ГУВОҲНОМАЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БУЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИНИ БЕРИШ, АЛМАШТИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ

15. Хорижий шахс ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаларини олиш учун ушбу Низомнинг 3-бандидаги 2- ва 4-хат бошида кўрсатилган шахслар доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этидилар:

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

— туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (биринчи марта олиш чоғида);

— хорижий давлатнинг ҳақиқий паспорти;

— ваколатли органлар томонидан берилган ва аризачининг фуқаролиги тугаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

— катталиги 35x45 мм. қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат;

— истиқомат жойидан овла аъзолари кўрсатилган маълумотнома;

— никоҳ тўғрисида гувоҳнома.

16. Туман (шаҳар) ички ишлар органи ушбу Низомнинг 3-бандидаги 2- ва 4-хат бошида кўрсатилган тоифадаги шахслар тақдим этган ҳужжатларни мустақил равишда кўриб чиқади ҳамда юқори ички ишлар органи билан келишган ҳолда хорижий шахс ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундай ҳолларда ҳужжатларни кўриб чиқишнинг ушбу Низом III бўлимида баён этилган тартиби талаб қилинмайди.

Мазкур ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати 15 кундан ошмаслиги керак.

17. Хорижий шахслар учун яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга берилади, ammo хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак, 60 ёшга тўлганда эса — хорижий давлат паспорти амал қиладиган бутун муддатга берилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, 60 ёшга тўлганда эса муддатсиз берилади.

18. Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати 17-бандда белгиланган муддатларга 5 мартага қадар узайтирилади, шундан сўнг у алмаштирилади.

19. Яшаш гувоҳномаси қуйидаги ҳолларда алмаштирилади:

— фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;

— миллатини, туғилган йилини ўзгартирганда;

— ёзувлардаги чалкашлик аниқланганда;

— алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақлар тўлганда;

— амал қилиш муддати тугаганда;

— фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

20. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаш гувоҳномаларини алмаштириш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш учун яшаш гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугашидан кечи билан 10 кун аввал истиқомат жойидаги ички ишлар органларига мурожаат қилишлари ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— белгиланган шаклдаги ариза;

— яшаш гувоҳномаси;

— хорижий давлатнинг ҳақиқий паспорти;

— катталиги 35x45 мм. қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат.

Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгариши, миллати, туғилган йили ўзгартирилиши ёки ёзувдаги чалкашликлар аниқланиши муносабати билан яшаш гувоҳномаси алмаштириладиган ҳолларда мана шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

21. Хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш гувоҳномасини олиш ёхуд уни алмаштириш учун тегишли ёшга етгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганидан, миллати, туғилган йили ўзгартирилганидан, ёзувлардаги чалкашликлар аниқлангандан ва яшаш гувоҳномалари яроқсиз ҳолга келгандан кейин бир ой муддатдан кечикмай ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этишлари лозим.

22. Яшаш гувоҳномасини алмаштириш тартибида ёки йўқотилгани ўрнига бериладиган шундай гувоҳномага ички ишлар органлари томонидан балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қайд этиш, нинкоҳдан ўтиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги белгилар киритилиши лозим.

23. Яшаш гувоҳномасини йўқотган шахс донмий истиқомат жо-



Йидаги ички ишлар органига янги яшаш гувоҳномасини бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиши ва давлат пошлиnasi тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни илова қилиши шарт. Бундай ҳолларда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда янги яшаш гувоҳномаси берилади.

24. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиш учун фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

— фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси;

— катталиги 35x45 мм. қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат.

25. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси 2 йил муддатга берилади. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддати ушбу бандда белгиланган муддатларга 5 мартага қадар узайтирилади, шундан сўнг у алмаштирилади.

26. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси қуйидаги ҳолларда алмаштирилади:

— фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;

— миллатини, туғилган йилини ўзгартирганда;

— ёзувларда чалкашлик аниқланганда;

— алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақлар тўлганда;

— фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

— фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

27. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини алмаштириш ва унинг амал қилиш муддатларини узайтириш учун фуқаролиги бўлмаган шахслар истиқомат жойидаги ички ишлар органига мурожаат этишлари ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— белгиланган шаклдаги ариза;

— фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси;

— катталиги 35x45 мм. қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат.

Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгариши, миллати, туғилган йили ўзгартрилиши ёки ёзувдаги чалкашликлар аниқланиши муносабати билан фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси алмаштириладиган ҳолларда мана шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс чет элда бўлган пайтда бу шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда у Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига мурожаат қилишга ҳақлидир. Ана шу ваколатхона ёки муассаса Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги билан келишиб олгандан сўнг, фуқаролиги бўлмаган шахс

гувоҳномасининг амал қилиш муддатини зарур муддатга узайтириши мумкин, аммо икки йилдан ошмаслиги керак.

28. Алмаштириш тартибда ёки йўқотилгани ўрнига бериладиган фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида ички ишлар органи томонидан икки йил муддатга чет элга чиқишга рухсат берувчи тегишли белги қўйилиши лозим.

29. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси йўқолгани тўғрисида фуқаролиги бўлмаган шахс у йўқотилган жойдаги ички ишлар органига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига дарҳол маълум қилиши шарт. Бундай ҳолларда ички ишлар органи фуқаролиги бўлмаган шахсга белгиланган тартибда янги гувоҳнома, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси эса — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича маълумотнома берадилар.

30. Хорижий шахс ва фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномалари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

— хорижий фуқаро доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетганида;

— фуқаролиги бўлмаган шахс чет элга жўнаб кетганида — фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узрли сабабларсиз узайтирмаган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтиришдан воз кечган ҳолларда;

— хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганида ёки ўз мамлакати фуқаролигидан чиққанида;

— фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат фуқаролигини қабул қилганида;

— яшаш гувоҳномасини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиш учун мутлақо ёлгон маълумотлар ёхуд сохта ҳужжатлар тақдим қилинганда.

31. Хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этган ҳолларда яшаш гувоҳномалари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларига, чет элларда эса — Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларига топширилади, улар гувоҳномани ўлим рўйхатга олингандан кейин қайд этиш жойдаги ички ишлар органларига юборадилар.

32. Ҳибсга олинган, шунингдек озодликдан маҳрум этишга ёки қамоққа ҳукм қилинган шахсдан яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси суриштирув, дастлабки тергов ёки суд органи томонидан олиб қўйилади ва унинг истиқомат жойидаги ички ишлар органига юборилади. Ҳибсдан озод қилинган-

да ёки жазони ўтаб бўлгандан кейин яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси унинг эгасига қайтарилади.

33. Яшаш гувоҳномасини ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш ҳамда унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда давлат пошлинаси ундириб олинади.

Яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш ва амал қилиш муддатини узайтириш учун тўла давлат таъминотида бўлган шахслар давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинадилар.

34. Ушбу Низомни амалга ошириш учун зарур бўлган гербли ва визали муҳрларнинг, штамплар, бланкларнинг нмауналари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

35. Топиб олинган яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ички ишлар органларига топширилиши лозим.

36. Хорижий фуқародан ва фуқаролиги бўлмаган шахсдан яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиб қўйиш ман этилади (Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек гаровга олиб туриш ва бошқа шахсга бериш тақиқланади.

37. Хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини авайлаб асрашлари шарт.

38. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Низомнинг талабларини бузганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

39. Мазкур Низомнинг бажарилиши ички ишлар органлари ва жойлардаги ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон  
Фармониغا  
З-И Л О В А

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ҚУРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТУҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚУШИМЧА ВА УЗГАРТИШЛАР**

1. Низомнинг 3-бет юқоридан 6—7-сатрларидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деб тузатилсин.

2. 6-бет юқоридан 7-сатрдаги «фуқароликдан чиққанлигини» сўзлари «фуқароликдан воз кечганлигини» деб тузатилсин. Шу бет пастдан иккинчи сатрдаги «ёки шу ҳудудда» сўзлари «ва шу ҳудудда» деб тузатилсин.

3. 7-бет пастдан 3 ва 5-сатрлардаги «Олий Кенгаши» сўзлари «Олий Мажлиси» деб тузатилсин.

4. 9-бет пастдан биринчи сатрдаги «Президенти ҳузуридаги» сўзлари олиб ташлансин.

5. 12-бет юқоридан 15-сатрдаги «III (б) бўлимининг» сўзлари «II (б) бўлимининг» деб тузатилсин.

Шу бет пастдан 12-сатр қуйидаги янги таҳрирда берилсин:

«Илтимономалар бўйича материаллар ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан албатта хулоса олган ҳолда мазкур Низом II (б) бўли-».

6. 13-бет юқоридан 5-сатрдаги «бу вазирлик» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий Хавфсизлик хизматидан хулосалар олиб» деган сўзлар қўшиб қўйилсин.

7. Шу 13-бет пастдан 8-сатрдаги «ички ишлар органлари» сўзларидан кейин «ёхуд консуллик муассасалари» деган сўзлар қўшиб қўйилсин. Яна шу бет пастдан 5-сатрдаги «ички ишлар органлари» сўзлари ўрнига «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги» сўзлари ёзилсин.

8. 14-бет пастдан 9-сатрдаги «ариза бўйича ҳужжатлар» сўзлари «ариза бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби» деб ёзилсин. Шу бет пастдан 7-сатрдаги «расмийлаштирилади» сўзи «амалга оширилади» деб тузатилсин.

9. 17-бет пастдан 1-сатр қуйидаги янги таҳрирда ёзилсин: «чиқиш муддати бир ойдан, умумий муддати эса — фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатлар очилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак».

10. 18-бетнинг охирига мазмуни қуйидагича бўлган 5-банд илова қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлинмалари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан биргалликда тасдиқланган шакллар бўйича фуқаролик масалаларига оид маълумотномаларни берадилар».

## 9 МАЙНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ҚУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб ил-

тимосномаларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инobatга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида:

1. 9 Май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиз марказида Хотира майдони ташкил этиш, ушбу майдон қурилишини 1999 йилнинг 20 апрелигача тугаллаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номус, виждон иши ва маънавий бурчи деб белгилансин. Фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоят ҳокимликлари Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида шундай Хотира майдонларини бунёд этиш режасини ишлаб чиқсинлар ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Хотира ва Қадрлаш куни билан боғлиқ тадбирлар юксак ахлоқий-маънавий савияда ўтказилсин, фахрийларга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан ўн кун муддат ичида Қарор тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 2 март,  
ПФ № — 2243.

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИИ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА**

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март,  
ПФ № — 2246.

**«ТУРКИСТОН-ПРЕСС» НОДАВЛАТ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИ  
ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТУҒРИСИДА**

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишни кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот бозоридан ўзига мос ўринни эгаллашига эришиш, республика ҳаёти ҳақида холис ахборотни дунёга тезкор тарқатиш тизимини яратиш, аҳолининг жаҳон миқёсидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистоннинг ҳукуматга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат ташаббускор гуруҳнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташкил этганликлари маъқуллансин. Агентликнинг низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги эътиборга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (Э. Ғаниев) ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З. Мирхўжаев) «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун Агентликнинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р. Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион сўм ажратсин.

4. Агентлик, унинг бўлимлари, филиаллари ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар бўш қолган маблағларни ўз моддий-техника базасини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришга ва Агентлик ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш шарти билан барча турдаги давлат солиқларидан, божхона божлари ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек, валюта тушумининг бир қисmini мажбурий тарзда сотишдан уч йил муддатга озод қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) 1998 йил 1 январ ҳолатидаги баланс қиймати бўйича Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй биносидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг эҳтиёжига мувофиқ қисmini бир ой муддат ичида ажратиб берсин.

6. «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўплamlари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини белгиланган тартибда шаҳар ва ҳукумат телефонлари, бошқа зарур алоқа каналлари ва воситалари билан таъминласин.

8. Маълумотлар узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўйича «UzPAK» корхонаси «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини шартнома асосида зарур техника жиҳозлари билан таъминлашда, «Интернет», бошқа тармоқлар ва агентликлар, шу жумладан хорижий тармоқлар ва ахборот агентликлари билан уланиш, ахборотларни тақдим этиш ва харид қилишида ёрдам кўрсатсин.

9. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 март,  
ПФ № — 2270.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ КАТТА ВА АЛОҲИДА МУҲИМ СУВ  
ХУЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТЕХНИҚ ҲОЛАТИНИ  
ҲАМДА БЕХАТАР ИШЛАШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ («ДАВСУВХУЖАЛИҚНАЗОРАТ»)НИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Халқ хўжалигининг фаолият кўрсатиши, қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил олиниши катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли ҳамда бехатар ишлашига боғлиқдир.

Мана шундай шарт-шароитларни таъминлаш бундай объектларнинг техник ҳолати устидан назорат кучайтирилишини, турли вазирликлар ва идоралар фаолияти мувофиқлаштирилишини, Марказий Осиё давлатларидаги сув хўжалиги ташкилотларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини тақозо этади.

Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ҳузурида Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан бу ёғига «Давсувхўжаликназорат») ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Давсувхўжаликназорат» давлат назорат органи ҳисобланиб, қўйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш ҳамда бехатар ишлашини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг бехатарлиги мезонлари ҳамда қондаларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва тасдиқлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда бехатар ишлашини экспертизадан ўтказиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларини қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, уларни барпо этиш сифати ва фойдаланишга қабул қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли муҳофазаси ташкил этилишини назорат қилиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда катта ва алоҳида муҳим давлатлараро ҳамда чегара бўйи сув хўжалиги объектларидан пухта ва бехатар фойдаланиш масалаларининг Марказий Осиё давлатлари билан бартараф этилишини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини ошириш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кириштиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Давсувхўжаликназорат»нинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концерн-

лар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 24 март,  
ПФ № — 2272.

**ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ  
СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН БАНК ВА СОЛИҚ  
НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини авж олдириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун реал шарт-шароитларга эга бўлган янги тадбиркорлик тузилмалари шакллантирилишини, шунингдек белгиланган ҳисоб-китоб тартибига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 апрелидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга янги ташкил этилаётган савдо ва савдо-воситачилик корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг ҳокимликларида рўйхатдан ўтказиш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш уларда ўзларининг устав фаолиятига мос келадиган савдо майдонлари, омборхоналари ҳамда асбоб-ускуналари, шу жумладан, чакана савдо корхоналари учун — назорат-касса аппаратлари ёки уларни харид қилишга ёхуд ижарага олишга маблағлари мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Мазкур тартибга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Давлат солиқ қўмитасининг Раиси ва ҳудудий солиқ органларининг раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июнь Фармони билан ўз кучини йўқотди).

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномасига биноан, молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ пул операцияларини банк ҳисобварақлари орқали амалга оширмаётган юридик шахсларни белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар реестридан чиқарсинлар.

4. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг юридик манзилгоҳи ўзгаргани ҳақида рўйхатга олувчи органга ва солиқ хизмати органига ўн кун муддат ичида маълум қилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига солиқ органлари томонидан энг озиш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача маъмурий жарима солиниши белгилаб қўйилсин.

5. «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ — 1504-сон Фармонининг 8-банди савдо ва савдо-воситачилик корхоналари учун ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 29 март,  
ПФ № — 2276.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровуллик қўшинлари Бош бошқармалари ҳамда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округлари ташкил этилганлиги муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, ҳарбий идораларда ва вазирликлар ҳамда идораларнинг ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратининг тўлалиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий прокуратураси негизда мавжуд лавозимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратураси ташкил қилиниб, унинг таркибида ҳарбий округларнинг тўртта ҳарбий прокуратураси тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси раҳбарияти таркибига Бош прокурорнинг ўринбосари — Ўзбекистон Ҳарбий прокурори лавозими қўшимча равишда киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг тузилмаси 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси (У. Худойқулов) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратураси тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (С. Мирсафоев) Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (У. Худойқулов) билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Х. Турсунов) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва унинг таркибий бўлинмаларини зарур молиявий, моддий-техникавий жиҳатдан таъминласин, шахсий таркибнинг ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми ҳамда пул ва бошқа таъминотнинг барча турлари сақлаб қолинсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мас-  
лаҳатчиси А. Носиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 март,  
ПФ № — 2277.

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТУҒРИСИДА**

Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университети ташкил этилсин.

Тошкент ислом университети ўз фаолиятини олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига тааллуқли амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда унинг диний таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиш асосида юритсин.

2. Университетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

диншунослик асослари, йўналишлари, илмий-тадқиқот тамойиллари, ислом дини тарихи, фалсафаси, уларнинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳамда замонавий фанларни чуқур ўзлаштирган, давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассис — бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд кадрларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича ма-  
лакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли  
олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофли-  
ча ўрганиш; таҳлил этиш ва Тошкент ислом универси-  
тетидаги ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий та-  
лаблар даражасида ташкил қилиш, миллатимизнинг бу-  
зук илмий, маънавий қадриятлари асосида етук ислом-  
шунос мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

аждодларимизнинг бой диний илмий-назарий мерос-  
ларини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривож-  
лантириш, тадқиқотлар натижаларини жамлаш ва умум-  
лаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш;

жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тут-  
ган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги кўпдинлилик  
шароитида дунёда, минтақада ва мамлакатимиздаги ис-  
ломнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йў-  
налишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий ва амал-  
лий жиҳатдан таҳлил этиш;

узлуксиз таълим тизими ва кенг жамоатчилик учун  
диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси  
бўйича илмий оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув дас-  
тури ва қўлланмалар яратиш ҳамда уларни нашр этиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий  
марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хориж-  
дан соҳанинг етук мутахассис — ўқитувчиларини жалб  
қилиш.

3. Университетнинг тузилмаси, низоми, икки босқич-  
ли олий таълим йўналишлари бўйича давлат таълим  
стандартлари, ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш  
учун зарур бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб  
чиқишда жаҳондаги илғор ижобий тажрибалар атроф-  
лича ўрганилсин, таҳлил этилсин ва амалиётга жорий  
қилинсин.

4. Университетнинг илмий-педагогик кадрлар тарки-  
би асосан мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тад-  
қиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси тизимида хизмат қилаётган, жумладан, шу йў-  
налишда хориждаги таълим ва илмий марказларда ма-  
лакасини ошириб келган, юқори савияли ўқитувчилар  
ва ходимлар, шунингдек, салоҳиятли соҳа мутахассис-  
лари — амалиётчилар қаторидан шакллантирилсин.

5. Университет таркибида қуйидаги икки таълим фа-  
культети ташкил этилсин:

ислом тарихи ва фалсафаси факультети;

фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультети.

6. Университет қошида исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицей ташкил этилсин.

Илмий ва ўқув тарбия жараёнларига энг замонавий тадқиқотчилик, педагогик ва ахборот технологияларни тадбиқ этиш кўзда тутилсин ва таъминлансин.

7. Мамлакатимизда ҳамда чет элларда мавжуд бўлган ва юртимизга олиб келинган ислом таълимотига оид манбаларни жамлаш, рўйхатга олиш, талаб даражасида сақлаш ва келажак авлод учун етказиш мақсадида Ислом университети таркибида Манбалар хазинаси ташкил этилсин.

8. Университетни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарманинг фаолиятини маблағлар билан таъминлашнинг асосий манбалари сифатида қуйидагилар белгилансин: давлат грантлари, тўлов-контракт асосидаги маблағлар, ўзбекистонлик ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро инвестициялар, хайрия бадаллари ва ўз фаолиятдан тушадиган даромад маблағлари.

Жамғарма божхона тўловлари ва барча турдаги солиқлардан 5 йил муддатга озод қилинсин.

9. Университетни ташкил этиш билан боғлиқ барча ишлар 1999 йил июл ойига қадар тугатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 7 апрель.

ПФ № — 2282.

**2005 ЙИЛГАЧА БУЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ  
ТУҒРИСИДА**

Миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятида тарғиб қилиш, шунингдек сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида:

1. 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Дастури ва уни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби, 1, 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

2. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, сайёҳлик ташкилотлари четдан келтириладиган технология ва меҳмонхона ускуналари, сайёҳлик мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона пошлиналари тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин.

3. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси тизимидаги жорхоналарга хорижий туристларга эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидан сайёҳлик хизмати ва қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилиб, бунинг учун махсус кассалар очилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий сайёҳларга эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидан хизматлар кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июнь 2332 Фармони билан ўз кучини йўқотди).

5. «Умид» жамғармаси ҳар йили талабаларни сайёҳлик индустрияси мутахассисликлари бўйича етакчи хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборишни кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиядаги элчихоналарида маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи лавозим бирликларини жорий этсинлар.

Маслаҳатчилар лавозими таъминотининг 50 фоизи «Ўзбектуризм» Миллий компанияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.



8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри. 1999 йил 15 апрель,  
ПФ № — 2286.

## **9 МАЙНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА**

9- Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 270 моддаси 3-қисмида, 271 мод-

даси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёхуд жинойи уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1—3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а, в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273. моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон тадбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 апрель,  
ПФ № — 2287.

### **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ НАВОИЙ ШАҲРИ ТАРКИБИДА КАРМАНА ТУМАНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Навоий тумани таркибидаги Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, тарихий обидаларини қайта таъмирлаш имкониятини кенгайтириш, маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, унинг амалда Навоий шаҳри ҳудуди билан туташиб кетганлигидан келиб чиқиб ҳамда маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истагини инобатга олиб:

1. Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини тузиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Навоий шаҳри ва Навоий

тумани чегаралари Кармана шаҳрининг ҳозирги ҳудуди ҳамда Навоий шаҳрининг бир қисми негизида Кармана тумани ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

3. Навоий шаҳри ва Навоий туманининг чегараларини ўзгартириш, Кармана туманини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 23-бандига мувофиқ Олий Мажлисга киритилсин.

4. Навоий шаҳрининг Кармана туманини тузиш тадбирига боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи Республика комиссияси иловага мувофиқ тузилсин.

5. Республика комиссияси:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда жорий йил охиригача Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда Навоий шаҳрини келгусида ривожлантириш бош режасига тузатишлар киритсин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қоммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни билан биргаликда Навоий шаҳрининг сув, электр таъминоти, канализация ҳамда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ягона тармоғини қайта таъмирлаш ва шакллантириш тадбирларини Кармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қоммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларнинг улушли маблағларини, шунингдек, бюджетдан маблағ билан таъминлаш марказлаштирилган манбаларини жалб этиш асосида Кармана туманини Навоий шаҳрининг марказий қисми билан боғловчи троллейбус йўлининг биринчи навбати қурилишини 2000 йилда тугаллашни таъминласин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, «Ўзавтойўл» Давлат концерни билан биргаликда Кармана туманининг магистрал йўлларини қайта таъмирлаш ва шаҳар ичидаги йўлларини кенгайтириш тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

— Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларини жалб этган ҳолда

Мирсаид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси мажмуи, Шайх Хўжа Хусрав мақбараси, Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармон юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 27 май,  
ПФ № — 2323.

**ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ТАЪСИС  
ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, Меъморлар уюшмалари, «Олтин мерос», «Қамолот», «Умид» «Улуғбек», «Наврўз» жамғармалари ва кенг жамоатчиликнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилаларига биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бериш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, зукколиги,

донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоен қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди тайинланади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фанлар академияси, Бадний академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган кўкрак нишони ҳамда дипломи намунаси тасдиқлансин.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги Низом 1-иловага, мукофот комиссияси тўғрисидаги Низом 2-иловага ва комиссия таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга қўмита раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Давлат мукофотини бериш, кўкрак нишони ва дипломини тайёрлаш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратсин.

7. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Гуломова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 10 июнь,  
ПФ № — 2326.

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТЎҒРИСИДА

### Н И З О М

1. Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилаларига жами 14 та берилади.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти талабгорнинг сўнгги икки йил мобайнидаги ибратли фаолияти, адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари тақдим этилади.

Хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби республика хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси томонидан белгиланади.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тақдим этиш тўғрисидаги қарорлар вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинади.

Ижодий, илмий ва таълим муассасалари юқорида қайд этилган ташкилотларга Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга номзод кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш, шунингдек, тавсия этилган ишларга доир ўз фикр-мулоҳазаларини мукофот комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсия этилган талабгорлар фаолияти ва асарлари муҳокамасини ташкил қилиш, шунингдек, зарур материалларни ўз вақтида тақдим этиш тегишли вазирликлар, компаниялар, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига юкланади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаган тақдирда комиссия ишларни кўриб чиқишни рад этиши мумкин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофотларини беришга доир таклифлар тўғрисидаги қарор комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

6. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганларга гантанали вазиятда совриндорлик ёрлиқлари ва иншонлари топширилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорининг фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти такроран берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
1999 йил 10 июндаги ПФ—2326-сон  
Фармонига  
2-И Л О В А

## **ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА**

### **Н И З О М**

1. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (бундан кейин «Комиссия» деб аталади) адабиёт, санъат, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли арбоблардан, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари ҳамда маданият муассасаларининг таниқли вакилларидан ташкил топади ва унинг таркиби ҳар тўрт йилда учдан икки қисми янгиланиши назарда тутилган ҳолда тасдиқланади. Мазкур комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

2. Комиссия ишига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси раҳбарлик қилади.

3. Комиссияга Зулфия номидаги Давлат мукофотини олиш бўйича таклифларни ушбу мукофот тўғрисидаги Низомга қатъий мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори учун зарур бўлган таклифларни тайёрлашга доир барча ишлар юкланади.

4. Комиссия:

а) Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади;

б) талабгорлар рўйхати, уларнинг ибратли фаолиятлари, асарлари ҳақидаги маълумотларни тавсия этган ташкилотларни кўрсат-



ган ҳолда, мукофот берилишидан икки ой олдин республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

в) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларининг жамоатчилик томонидан кенг ва ошқора муҳокама қилинишини ташкил этади, уларнинг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан ҳолисона баҳоланишига кўмаклашади;

г) Давлат мукофоти юзасидан тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, мукофотларни бериш тўғрисидаги қарорларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

д) Давлат мукофоти совриндори ёрлиқларини, фахрий нишонларини расмийлаштиради ҳамда уларни топширишни ташкил этади, шунингдек, мукофотлар пулини тўлашни амалга оширади.

#### 5. Комиссияга қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларини олдиндан кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун пул тўлаш йўли билан мутахассис-экспертларни таклиф этиш;

б) Давлат мукофотини олишга тавсия этилган талабгорларнинг ибратли фаолиятлари ва ижодий ишларига доир материалларни тегишли ташкилотларга экспертларнинг кўриб чиқиши учун юбориш;

в) мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва ижоди билан жойларда танишиш учун комиссия аъзоларини, экспертлар ёки эксперт комиссияларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга юбориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
1999 йил 10 июндаги П — 2326-сон

Фармонига  
З-И Л О В А

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИССИЯСИ

### ТАРКИБИ

Ғуломова Д. М.	— Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, мукофот комиссияси раиси
Азимжонова С.	— ЎзФА мухбир аъзоси, комиссия раиси ўринбосари
Омонуллаева Д.	— бастакор, комиссия масъул котиби
Абдураимов Ҳ.	— «Қамолот» жамғармаси раиси
Барноев С.	— «Гулхан» журнали бош муҳаррири
Жўраев Х.	— маданият ишлари вазири

- Иўлдошев Ж. — халқ таълими вазири
- Каримов Н. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор
- Кўчимов А. — «Ўзтелерадио» компанияси раиси
- Мавлоний М. — ЎзФА академиги
- Мусурмонова О. — «Оила» илмий-амалий маркази директори
- Орипов А. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
- Раҳматова Ф. — Ўзбекистон халқ артисти
- Саидова Д. — «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири
- Салимова Ш. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг де-юре етакчи консултанти
- Содиқова Т. — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири
- Убайдуллаева Р. — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрининг ўрганиш маркази директори
- Юнусов Т. — «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси раиси
- Қўзиёв Т. — Ўзбекистон Бадий академияси раиси
- Ғаниева С. — Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, филология фанлари номзоди
- Ғуломов С. — олий ва ўрта махсус таълим вазири
- Ҳожиёва О. — «Саодат» журналининг бош муҳаррири

**МОЛИЯ-ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРМАЁТГАН ВА ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА ЎЗЛАРИНИНГ УСТАВ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРМАГАН ҚОРХОНАЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Молия-хўжалик фаолиятининг амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларининг шакллантирмаган қорхоналарини тугатиш тартибининг йўлга қўйиш ва соддалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари икки

ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус (республика, вилоят, шаҳар ва туман) комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига ҳокимиятларнинг, молия, солиқ ва юридик органларнинг, банк муассасаларининг, статистика, ички ишлар органларининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллари киритилсин.

Тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вази́рлар Кенгаши Раисининг, вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари махсус комиссиянинг раиси этиб белгилансин.

2. Тузилаётган ҳудудий махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарнинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатларида вакил қилинган органлар уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек мазкур шахслар ва органларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда хўжалик судларининг қарорлари бўйича ана шундай корхоналарни тугатиш жараёнини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, савдо ҳамда савдо-воситачи корхоналар уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда, тижорат банклари:

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварақлари ёпилган санадан бошлаб уч кун муддатда у ҳисобга қў-

Йилган жойдаги солиқ хизмати органига мазкур субъект фаолиятини бундан буён давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун ахборот берадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиги тижорат банклари томонидан шу маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварақларга қўшилади, хўжалик юритувчи субъектнинг тўлаш учун банкка тақдим қилинган кредиторлик қарзи эса — кутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақларига ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар номига келиб тушадиган маблағлар уларнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан кейин фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварақларга қўшилади.

Фойдаланиш ҳуқуқини бермайдиган махсус ҳисобварақларга жамланган маблағлар тижорат банклари томонидан биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидagi қарзини тўлашга, қолган суммаларни эса — тўловларнинг календарь навбатига қараб уларнинг кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари солиқ органларининг тақдимномаси ҳамда ҳудудий махсус комиссиянинг тегишли хулосаси бўйича улар рўйхатга олган корхоналарни тугатиш жараёнларини, шу жумладан зарур ҳолларда суд тартибда амалга ошира бошласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, муассислар (қатнашчилар) ёки улар томонидан вакил қилинган органлар турган жойни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда корхона молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлар тоифасига киритилган ва бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида тегишли эълонлар босиб чиқарилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин тугатиш жараёни суд тартибда амалга оширилиши мумкин.

5. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонуңчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар суд чиқимлари ҳамда давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

«Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги 1652-сон Фармонининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устав жамғармаларини таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган миқдорларда шакллантиришнинг охириги муддати ҳукуматнинг айрим қарорларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, корхона давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак»;

«Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги 2276-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 28 июнь,  
ПФ № — 2331.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Республикада туризм соҳаси бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. 1999—2000 ўқув йилидан бошлаб туризм соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш Тошкент

давлат иқтисодиёт университетида мужассамлаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур Фармон юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 30 июнь,  
ПФ № — 2332.

**1999 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ,  
СТИПЕНДИЯ ВА ИЖТМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI  
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Қишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

2. 1999 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1750 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 3340 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд ойига 1750 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 3340 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2025 сўм миқдорида белгилансин.

3. 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пен-

сияларни ўрта ҳисобда 1,4 барабар ошириш уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблашни кўзда тутган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқласинлар ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг муайян миқдорини белгиласинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 1999 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий фондининг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат чиқимларини камайтириш ҳисобидан 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 ноябрдаги ПФ — 2144 Фармони 7 банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 июль,  
ПФ № — 2339.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
1995 ЙИЛ 12 МАЙДАГИ «ХАЛҚ ХУЖАЛИГИДА ҲИСОБ-  
КИТОБЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛИШИ УЧУН ҚОРХОНА  
ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ  
ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ПФ-1154 ФАРМОНИНИ ҚИСМАН ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар механизмини мустақкамлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154 Фармонини қисман ўзгартирган ҳолда:

1. Белгилаб қўйилсинки, товарлар етказиб берилган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб тўқсон кун ўтганидан кейин етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтган дебиторлик қарзи деб ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ — 1154 Фармони 2-бандининг биринчи хатбошисидagi «олтмиш» сўзи «тўқсон» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддат ичида мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 июль,  
ПФ № — 2340.



## **ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-УҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИНИНГ МАОШИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилар таркибининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда кўзланган мақсадларни амалга оширишида тутган ўрни, уларнинг билимдон, касб жиҳатидан яхши тайёрланган, замонавий фикрлайдиган, ўзининг шахсий фикрига эга бўлган фуқароларни — Ўзбекистон ватанпарварларини тарбиялашдаги юксак масъулиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчилари меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 1999 йил 1 сентябрдан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг разрядларига биноан, бир разряд юқори кўтариш ҳисобига оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, 1999 йил 10 августга қадар бўлган муддатда профессор-ўқитувчилар таркибининг янги маошларини кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижроси билан боғлиқ бўлган харажатларга бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Хамидов, Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 июль,  
ПФ № — 2341.

## **КОРХОНАЛАР БАНКРОТЛИГИ ВА САНАЦИЯСИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий қийинчиликка дуч келган, бироқ молия-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалала-

ри бўйича ҳукумат комиссиясининг янги таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундирилсин.

3. Мол-мулкида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари ишининг энг узоқ муддати бир йил билан чегаралансин. Ушбу муддатни яна узоғи билан ярим йилга узайтириш корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билангина амалга оширилсин.

Тугатиш комиссияси банкрот корхонани тугатиш бўйича барча ишларни белгиланган муддатда ниҳоясига етказа олмаган тақдирда мулкнинг сотилмаган қисми Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билан давлат мулкига ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфига берилади, хўжалик судлари эса Ҳукумат комиссияси қарори асосида тугатиш ишининг якунлангани ҳақида ажрим чиқаради.

4. Ташқи бошқарувчилар ва ишончли шахсларга қарздор корхоналар ёки уларнинг мулкни сотишда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан қўйидагиларга рухсат берилсин:

харидорга хизмат кўрсатадиган тижорат банки тегишли кафолатни тақдим қилган тақдирда корхона ёки мулкни бир йилдан ортиқ-бўлмаган муддатга ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш;

арзон-гаров ва тез ишлатиб бўлинадиган мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг қолган қисмини кимошди савдоси ўтказмасдан, олди-сотди шартномаси бўйича сотиш.

5. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ишончли шахслар ва банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари томонидан дебиторлик қарзини мажбурий тарзда ундириб олиш бўйича тақдим этилган материалларни давлат божи тўланмасдан туриб ҳам бу божни айбдор томондан кейинчалик ундириб олинишини белгилаган ҳолда кўриб чиқишни таъминласин.

6. «Корхоналарнинг банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 де-

кабрдаги ПФ — 1658-сон Фармонига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

Фармоннинг 1-банди ҳамда иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

2-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш, бу қарор кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки фармойиши билан тасдиқланиши шарт»;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси» ҳамда 4-банднинг 2-хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

— тугатиш жараёнини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва ишончли шахс сифатида қатнашиш, мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳамда хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилган қарздорлар бўйича тугатиш комиссияларини ташкил этиш»;

6-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органларидан корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш»;

8-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита мансабдор шахслардан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим қилинмаган ёки ўз вақтида тақдим қилинмагани учун ундириб олинмаган жарималар»;

банкрот корхоналарни кимошди савдоси орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, кредиторларнинг талаби қондирилган тақдирда мулкнинг баҳоланиш ва сотилиш қиймати ўртасидаги фарқдан тушган маблағларнинг бир қисми».

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссияси, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини мазкур Фармон асосида ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 23 июль,  
ПФ № — 2342.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАР  
БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Солиқ имтиёзлари аниқ берилишини таъминлаш, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетнинг даромад базасини шакллантиришнинг ягона тамойилларини белгилаш мақсадида:

1. Ҳайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзлар 1999 йилнинг 1 сентябридан бошлаб улар амалга оширадиган нотижорат фаолиятигагина жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

Тижорат фаолиятининг айрим турларига солиқ солиш бўйича амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзлар мазкур жамғармалар, жамиятлар, корхоналар ва тузилмаларга умумий асосларда тадбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ҳукумат қарорларига тегишли ўзгартишлар киритсин:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 26 июль,  
ПФ № — 2343.

## РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши эканлигини таъкидлаган ҳолда:

1. «Маърифатчилар», «Файласуфлар», «Тарихчилар» жамиятлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Қамолот», «Нуроний», «Наврўз», «Олтин мерос», Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармалари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, «Тасвирий ойна» уюшмалари, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари каби мақсад ва вазифалари маърифий--маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини таъсис этганликлари қўллаб-қувватлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилгани инobatга олинсин.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференциясида Кенгашнинг фаолият дастури, Низоми ва ташкилий тизими. (1, 2, 3-иловалар) тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясига таянган ҳолда Кенгашга аъзо ташкилотларнинг маърифий тарғибот йўналишидаги имкон ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замонавий талаблар асосида ташкил этишда қўйидагиларни ўзининг бирламчи мақсад ва вазифалари этиб белгилагани маъқуллансин:

— мамлакат аҳли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

— жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш;

— миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, ғоялари ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашиш;

— ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқи, имконияти ва иродасига таяниш, ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш, мамлакатда кечаётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг маъно-моҳияти, мақсадини теран англаган тарзда унинг фаол иштирокчиси ва курашчисига айланиш тафаккурини камол топтириш;

— маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлигини, халқчил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига, барча соҳалардаги соғлом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлаш.

4. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Кенгашнинг жойлардаги бўлимларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарликка сайланганликлари инобатга олинсин.

5. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилгани, «Олтин мерос жамғармаси», «Маънавият» на-

шриёти, «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги ташкилотлар сифатида тасдиқланганидан келиб чиққан ҳолда мазкур ташкилотларнинг низом ҳамда меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши тавсия этилсин.

6. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ҳамда унинг таркибидаги «Маънавият ва маърифат» марказининг жойлардаги бўлимлари тегишли ҳудуд ҳокимликлари биносида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор тайёрласин.

8. Ушбу Фармонни амалга оширишни назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов ва А. Зиё зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 3 сентябрь,  
ПФ № — 2385.

И Л О В А — 1

## **РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ ФАОЛИЯТ ДАСТУРИ**

*Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб,  
биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод  
жамиятни барпо этиб бўлмайди.*

**И. КАРИМОВ**

Йигирманчи аср охирига келиб жаҳон майдонида маънавий салоҳият, ақл-заковат мусобақаси, мафкуравий кураш етакчи ўринга чиқди. Бутун дунёда инсонларнинг қалби ва онгига ҳукмрон бўлиш учун кескин кураш бормоқда. Табиийки, ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси жамият бу жараёндан четда туролмайди.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирдики, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Энди қурол-яроғ билан эмас, балки «фикрга қарши

фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя» билангина курашиб, олға бориш мумкин. Бугун кимнинг мафкураси, маънавияти, миллий ғояси қудратли бўлса, ўша енгиб чиқади. Мафкуравий кураш бир жамият, бир мамлакат ичида ҳам, халқаро ва давлатлараро миқёсда ҳам давом этмоқда.

Шу маънода Президент Ислон Қаримов таъкидлаганидек, «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир».

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллагач, биз мураккаб дунё билан кўптомонлама муносабатлар ўрнатишга киришдик. Сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилди. Айни вақтда мамлакатимизга турли йўллар билан ҳар хил мафкуравий, ғоявий либосдаги ахборот оқимлари кириб келмоқда, хилма-хил диний мазҳаблар, секталар фаолият юритиб, ўз таъсир доираларини кенгайтиришга, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий мувозанатини бузиш, маънавий беқарорликни вужудга келтириш орқали ўз мақсадларига эришишга интилмоқда. Коммунистик мафкура тарафдорлари ҳам ҳали қуролларини буткул ташлагани йўқ. Шунингдек, ён-атрофимизда шовинистик қарашлар, бизга империя кўзи билан қараш кайфиятлари, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволари ҳам мавжуд. Экстремизм, диний ақидапарастлик ҳаракатлари, унинг ваҳ-ҳобийчилик, «Ҳизби таҳрир», «Мусулмон биродарлар» каби турли кўринишдаги зарарли тўдалари мамлакатимизнинг хавфсизлигига, халқимизнинг тинчлиги, тотувлигига, келажакка бўлган эзгу ишончига тажовуз қилишга уринмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда ҳар биримиздан, бутун халқимиздан руҳан уйғоқ ва сергак бўлиш, давр зиммамизга юклаган масъулиятни теран ҳис қилиш, миллатимиз, халқимиз, Ватанимиз озодлиги ва бахту саодати йўлида фидокорона курашиш талаб этилмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши (бундан буюн Кенгаш деб юритилади) ана шундай ижтимоий-сиёсий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай олға боришига эришиш, уни бизнинг миллий манфаатларимизга зид бўлган турли хил ёт ва бузғунчи мафкуравий таъйиқ ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.



## Кенгашнинг асосий мақсад ва вазифалари

Кенгашнинг асосий вазифаси жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларини янада чуқур сингдириш, унинг мустақил тафаккурини юксалтиришга кўмаклашиш, аynиқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бунинг учун Кенгаш уларни демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлаш руҳида тарбиялаш, жисмонан соғлом, ақлан етук, тафаккури теран фуқароларни камол топтиришга қаратилган кенг кўламли маънавий-маърифий тарбия дастурини амалга оширади.

Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун Кенгаш республикада фаолият кўрсатаётган тегишли давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг Низом ва Дастурларида кўзда тутилган, аҳолининг турли қатламлари, тоифалари ва табақалари манфаатларини мужассамлаштирган ҳолда маънавий-маърифий тарбия, тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга оширади.

Кенгаш мамлакат аҳлини истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белгилайди, ҳаракат услубларини ишлаб чиқади ва уларни ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашади.

Кенгаш барча таълим-тарбия муассасалари, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий муҳитни, омманинг кайфиятини, интилиши ва муддаоларини ўрганади, уларни ҳисобга олган ҳолда ижобий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсирини таҳлил қилади, бартараф қилиш чораларини тавсия этади.

Кенгаш маърифий-тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, мунтазамлигини таъминлайди, яъни маъруза, суҳбат ва баҳс-мунозаралар, семинарлар, конференциялар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш йўли билан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш ва

жундалик фаолият дастурига айлантиришга раҳбарлик қилади.

Кенгаш ўзбек халқининг улуғ мутафаккирлари қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратади. Жамоатчилик орасида тарғибот ишларини дунёвий билимлар билан бир қаторида Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари сингари маданий меросимиз асосида олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, таъсирчан ва тушунарли тарзда етказиш учун эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан одамлар қалбига йўл топа оладиган фидойи инсонларга таянади ва улар орқали иш олиб боради.

Жамоатчиликнинг, пенҳадам зиёлиларнинг тажрибаси, билими, салоҳиятига таянган ҳолда жамият ҳар бир аъзосининг соғлом фикрли бўлиб камол топишига шароит яратиш, юрт тинчлиги, эл саодатига хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш йўли билан кучли давлатдан кучли жамият яратиш тамойилини рўёбга чиқариш бош вазифалардан биридир.

### **Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари**

1. Фуқароларнинг маънавий баркамоллигига эришиш.

Бунинг учун Кенгаш аҳолининг маърифий савиясини, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, экологик саводхонлигини ўстиришга қаратилган тадбирлар тизимини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бунда ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, фалсафий, маданий ва ахлоқий меросига, буюк қадриятларига, миллий ўзлигини англаш орқали юксалиш йўлини босиб ўтган илғор давлатларнинг тажрибасига асосланади.

Дахлдор вазирликлар, ташкилот ва муассасалар, ижодий уюшмалар, «Маърифатчилар», «Файласуфлар»,

«Тарихчилар» каби қатор жамиятлар, Ўзбекистон му- сулмонлари идораси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Қамолот», «Умид», «Устоз», «Экосан», Амир Темур, Имом Бухорий, «Олтин мерос» ва бошқа жамғармалар вакиллари тарғибот ишларига жалб этиб, уларнинг билим ва тажрибаларидан самарали фойдаланади.

Кенгаш буюк аждодларимизнинг ўғитлари, ўтмиш сабоқлари, мустақиллик даврида эришилган зафарлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш ва камол топтиришга хизмат қилади.

Бу борадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— ҳар бир хонадонда катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат ва эътибор барқарор бўлган соғлом маънавий муҳит яратилишига, ўзаро меҳр-оқибат жамиятнинг оммавий ва эзгу фазилатига айланишига, халқимизни миллий мафкура асосида бирлаштиришга кўмаклашиш;

— «Соғлом она - соғлом бола», «Соғлом бола—соғлом келажак» тушунчасини ҳар бир оила, ота-онанинг, йигит ва қизларнинг қалбига сингдириш орқали ялпи оилавий фаровонликка эришиш;

— тарбиянинг «оила-боғча-мактаб-лицей-коллеж — олий ўқув юрти-маҳалла-жамият» тизимини вужудга келтириш.

2. Миллий ва дунёвий тафаккурни уйғунлаштириш йўлида — жаҳон фани, маданияти, маърифий мамлакатларнинг тажрибасини тарғиб этиш, жамиятда илғор андозаларга интилишни рағбатлантириш орқали миллий фан ва маданиятнинг замонавий тараққиёт даражасига кўтарилишига ёрдамлашиш;

— хорижий мамлакатлар ҳаётида рўй бераётган ижобий ва салбий ҳодисаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларни лоқайд томошабиндан фаол мушоҳада юритувчи, воқеликни теран идрок этувчи онгли инсонга айлантириш учун кўмаклашиш;

— Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларини, бу ютуқларнинг бугун ва келажак учун аҳамиятини аңлатиш орқали миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш.

3. Фаол фуқаролик муносабатини ривожлантириш мақсадида:

— барча ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, айти пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

— ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ўтмишдан мерос иллатлар — порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизликка, қонунбузарликнинг барча кўринишларига қарши жамоатчиликнинг кескин ва муросасиз муносабатини шакллантириш;

— жамиятда диний мутаассиблик ва ақидапарастликнинг барча кўринишларига, юртнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг имон-эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоялар, назариялар ва тушунчаларга нисбатан муросасиз кураш муҳитини шакллантириш;

— мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўзига хос жиҳатлари ва муштарак мақсадларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролараро ўзаро ҳурмат, тоғувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;

— фикрлар хилма-хиллиги заминида пайдо бўлган илғор ижтимоий фикрлар, ташаббусларни оммалаштириш;

— халқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айланттириш;

— экологик тарбияни ижтимоий-сиёсий, маънавий тарбиянинг узвий ва уйғун таркибий даражасига кўтариш.

## **Кенгаш фаолиятининг ташкилий жиҳатлари**

Кенгаш ўз фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун қуйидаги ташкилий ишларни амалга оширади:

Мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга

қўмаклашади ва уларнинг имкониятидан фойдаланади. Бу ташкилотларнинг ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний хулосалар беришини ташкил қилади. Кенгаш мазкур хулосалар асосида жамиятни эски асоратлардан халос этиш, дунё-қарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўлларини ишлаб чиқади ва амалий таклифлар тавсия этади.

Кенгашнинг асосий мақсади — «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясига таянган ҳолда ўзбек халқининг онгини ва қалбини мустабид ўтмиш асоратлари — маънавий муътелик ва қўрқув, мустақил фикрсизлик, кўр-кўрона саждабозлик, ғоявий мувозанатсизлик сингари иллатлардан фориг этиш, ҳур тафаккур ва эркин турмуш тарзига хос кўникмалар билан қувватлантириш, айни пайтда озодлигимиз, тараққиётимизга таҳдид солувчи ташқи ва ички ғанимларнинг турли ниқобдаги ғаразли ниятларидан ўз вақтида огоҳлантириб ва муҳофаза этиб, миллий истиқлол ғояларини, мустақиллик мафкурасини умуммиллат мафкурасига-ғоявий, руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айланттириш, ҳар бир фуқарода ўз иродасига, халқининг куч-қудратига, Ватанининг ёрқин келажагига комил ишонч, собит имон туйғусини камол топтиришдан иборат.

Вилоят ва туманларда бевосита ҳокимлар раҳбарлигида Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг бўлимлари ташкил этилади ва Низомда белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

Кенгаш ва унинг бўлимлари ўқув муассасаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда кенг кўламли, кўп қиррали, аҳолининг барча табақалари ва тоифаларининг маънавий эҳтиёжига мос келадиган, жаҳон ва мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид долзарб саволларига жавоб берадиган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади, иш услубини замон талабларига биноан такомиллаштириб боради.

Кенгаш мактаблар, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида, аҳоли турар жойларида бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассисларнинг маънавий савияси ва билимини оширишга қўмаклашади.

Барча ўқув муассасаларида таҳсил олаётган, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ишлаётган ёш авлоднинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўғарақлар тузишда амалий ёрдам беради. Бу ташкилот ва тўғарақлар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик учун хизмат қилади.

Мустақиллик ҳар бир одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, яъни озод, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган, боқимандаликни ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашга кўмаклашиш — Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолиятидан кўзланган пировард мақсад ана шундан иборат.

Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини, шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки невара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунича туришини истар эканмиз, уни барча жабҳаларда, жумладан, мафкуравий кураш соҳасида ҳам ҳимоя қилиш, ёмон кўзлардан, ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан асраб-авайлаш — ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

Илова — 2

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ**

## **Н И З О М И**

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши (бундан буён Кенгаш) жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурага таянган ҳолда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлашга, жисмонан соғлом, ақлан етук, дунёқараши теран ва мустақил фикр-

ловчи фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган узоқ муддатли, кенг қўламли маънавий-маърифий тарбия дастурини амалга оширади.

— Кенгаш муассислари мамлакатда фаолият кўрсатаётган Низом ва Дастурларида аҳолининг турли қатламлари, тоифалари ва табақаларининг манфаатларини мужассамлаштирган, маърифий-маънавий тарбия, тарғибот тадбирларини амалга оширишни ўзларига асосий вазифалардан бири қилиб белгилаган давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларидир.

— Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва ушбу Низомга биноан фаолият кўрсатади.

## II. КЕНГАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Кенгашнинг асосий мақсади — «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясига таянган ҳолда ўзбек халқининг онгини ва қалбини мустақил ўтмиш асоратлари — маънавий муътелик ва қўрқув, мустақил фикрсизлик, кўр-кўрона саждабозлик, ғоявий мувозанатсизлик сингари иллатлардан фориғ этиш, ҳур тафаккур ва эркин турмуш тарзига хос кўникмалар билан қувватлантириш, айни пайтда озодлигимиз, тараққиётимизга таҳдид солувчи ташқи ва ички ғанимларнинг турли ниқобдаги ғаразли ниятларидан ўз вақтида огоҳлантириб ва муҳофаза этиб, ҳар бир фуқарода ўз иродасига, халқининг куч-қудратига, Ватанининг ёрқин келажагига комил ишонч, собит имон туйғусини камол топтиришдан иборат.

Кенг жамоатчиликнинг, пешқадам зиёлиларнинг тажрибаси, билими, салоҳиятига таянган ҳолда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг юрт тинчлиги, эл саодатига хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали кучли давлатдан кучли жамият яратиш тамойилини мунтазам тарғиб ва ташвиқ этишни уюштириш, рўёбга чиқариш Кенгашнинг бош вазифасидир.

Кенгаш ўз фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— мамлакат аҳлини истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуг ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белгилаш, ҳаракат услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— барча таълим-тарбия муассасалари, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш соҳаларида маънавий-руҳий муҳитнинг аҳволини, омманинг кайфиятини, интилиши ва муддаоларини ҳисобга олган

ҳолда ижобий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсирини таҳлил қилиш, бартараф этиш чораларини ҳаётга тадбиқ этиш;

— маърифий-тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлигини, мунтазамлигини ҳаққонийликка асосланишини таъминлаш, яъни, маъруза, суҳбат, баҳс-мунозаралар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этиш йўли билан мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш ва кундалик фаолият дастурига айлантиришга раҳбарлик қилиш;

— ўзбек халқининг улуғ мутафаккирлари қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратиш;

— миллий мафқуранинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний ва тушунарли тарзда етказиш учун эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр оташин, энг муҳими ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан одамлар қалби ва онгига йўл топа оладиган фидойи инсонларни сафарбар этиш.

— мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш таъмоийилларини, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш ва уларнинг имкониятларидан фойдаланиш.

### III. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

1. Фуқароларнинг маънавий баркамоллигига эришиш мақсадида:

— ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, фалсафий, маданий ва ахлоқий меросига, миллий ўзлигини таниш орқали юксалиш йўлини босиб ўтган пешқадам давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда миллий истиқлол ғояларини омманинг онги ва қалбига теран сингдириш, мустақиллик мафқурасини умуммиллат мафқурасига— ғоявий, руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш;

— мамлакат аҳлининг айниқса, ёш авлоднинг дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик ва фидойи ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;



— мамлакат озодлигини ҳимоя этиш, босқинчиларга қарши курашдаги буюк аждодларнинг ибрати, ўтмиш сабоқлари, мустақиллик даврида эришилган зафарлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш ва тарбиялаш;

— ҳар бир хонадонда катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат ва эътибор устувор бўлган соғлом маънавий муҳит яратилишига, ўзаро меҳр-оқибат жамиятнинг оммавий ва эзгу фазилатига айланишига кўмаклашиш;

— «Соғлом она— соғлом бола», «Соғлом бола— соғлом келажак» тушунчасини ҳар бир оила, ота-онанинг, йигит ва қизларнинг қалбига сингдириш орқали ялпи оилавий фаровонликка эришиш;

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган асосий мақсадларни, Миллий дастурнинг ҳар бир фуқаро, оила тақдири, келажаги билан чамбарчас боғлиқлигини кенг тарғиб этиш, унинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, эришилган ютуқларни оммага етказиш;

— тарбиянинг «оила-боғча-мактаб-лицей-коллеж-олий ўқув юрти-маҳалла-жамият» тизимининг тўлақонли ва мунтазам фаолият кўрсатишига эришиш.

## 2. Миллий ва дунёвий тафаккурни уйғунлаштириш йўлида

— жаҳон фани, маданияти, маърифий мамлакатларнинг тажрибасини тарғиб этиш, жамиятда илғор андозаларга интилишни рағбатлантириш орқали миллий фан ва маданиятининг замонавий тараққиёт чўққисига кўтаришга ёрдамлашиш;

— хорижий мамлакатларнинг ҳаётида рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларнинг лоқайд томошабиндан фаол мушоҳада ва теран идрок этувчи замон ва макон фарзандига айланишига имкон яратиш;

— Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатда эришаётган ютуқларини, бу ютуқларнинг бугун ва келажак учун аҳамиятини аңлатиш орқали миллий ифтихор туйғусини тарбиялаш.

## 3. Фаол фуқаролик муносабатини ривожлантиришда

— барча ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, аynи пайтда ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва ишлашига кўмаклашиш;

— ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклда бузилишига, ўтмишдан мерос иллатлар— порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, уруғчилик, мансабпарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, аҳлоқсизликка, қонунбузарликларнинг барча кўринишларига қарши жамоатчиликнинг кескин ва муросасиз муносабатини шакллантириш;

— жамиятда диний мутаассиблик ва ақиданарастликнинг барча кўринишларига юртнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг имон-эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай ғоялар, назариялар ва тушунчаларга нисбатан аёвсиз курашчанлик руҳи ва вазиятини яратиш;

— мамлакатда яшаётган барча миллатларнинг ўзига хос жиҳатлари ва муштарак мақсадларини ҳисобга олган ҳолда миллатлараро ўзаро ҳурмат, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;

— фикрлар хилма-хиллиги заминида пайдо бўлган илғор ижтимоий фикрлар, ташаббусларни оммалаштириш;

— халқнинг тарихий анъаналари, хусусиятлари, миллий онг ва турмуш тарзининг ҳаётий тамойилларига асосланган ҳолда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамоатчиликнинг таъсир кучини жамият ахлоқий-маънавий ҳаётининг мезонига айлантириш;

— экологик тарбиянинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тарбиянинг узвий ва уйғун таркибий қисми даражасига кўтариш.

#### **IV. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНING ҲУҚУҚЛАРИ**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларига қарашли барча ўқув муассасаларида, ҳарбий қисмларда, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда, қишлоқлар ва маҳаллалар, корхоналар, хўжаликлар, барча турдаги давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларида олиб бориладиган маърифий-тарғибот ишларининг йўналишларини белгилайди, мувофиқлаштиради.

#### **V. КЕНГАШНИING ТУЗИЛИШИ**

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши маънавий, маърифий, тарбиявий йўналишда фаолият кўрсатадиган давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари муассислигида вилоятлар, шаҳар ва туманлар конференцияларида сайланган вакилларнинг Республика конференциясида очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таркибига Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, Миллий мафкура илмий-тарғибот Маркази киради ва бевосита Кенгаш раҳбарлигида ишлайди. Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг раҳбари Кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

3. «Маънавият» нашриёти, «Олтин мерос» жамғармаси, «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари таҳририяти Республика Кенгаши қошидаги ташкилотлардир.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази Кенгаш

қарорларини жойларда амалга оширадиган ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирадиган ташкилий гуруҳ бўлиб, қуйидаги бешта бўлимдан иборат таркибда фаолият кўрсатади:

- тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий бўлими;
- маънавий-маърифий тарғибот бўлими;
- ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими;
- ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими;
- молия-бухгалтерия бўлими.

5. Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази истиқлол мафкураси ва миллий гоёнинг дастурий асослари устида иш олиб боради ва кенг жамоатчиликнинг онгига, қалбига етказишнинг замонавий, таъсирчан восита ва шаклларини яратади.

## VI. КЕНГАШ БОШҚАРУВИ

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг олий органи конференциядир. Конференция узоғи билан икки йилда бир марта чақирилади. Шунингдек, Республика Кенгашининг қарори ёки унинг таркибига кирувчи ташкилотлар талаби билан муддатидан олдин ҳам чақирилиши мумкин.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши конференцияси:

- Кенгашнинг иш тартибини белгилайди, раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;
- Кенгаш раисини сайлайди;
- Кенгашнинг Фаолият дастури ва Низомини тасдиқлайди, зарур ҳолатда ўзгартиришлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади;

3. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши.

Конференциялар оралиғида Республика Кенгаши юқори раҳбар орган ҳисобланади. Кенгаш икки йил муддатга сайланади.

Кенгаш:

- конференциялар оралиғида мамлакат миқёсида олиб бориладиган маънавий, маърифий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий йўналишлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади;
- Республика Кенгаши раисининг ўринбосарлари, Кенгаш маъсул котибини сайлайди;
- қўйи кенгаш раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилади;
- Кенгашга аъзо давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг, қўйи кенгашларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Республика «Маънавият ва маърифат» маркази тавсиясига биноан жамоатчи тарғиботчилар рўйхатини тасдиқлайди, уларни

зарур қўлланмалар ва тавсиялар билан таъминлаш, ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

— Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, унинг вилоятлар, шаҳар, туманлар бўлимларининг ишига бевосита раҳбарлик қилади, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

— Республика илмий, маданий ва маърифий марказлари, олимлар, адиблар, зиёлилар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларининг стратегиясини белгилайди, уни амалга оширишнинг замонавий ва таъсирчан усулларини тавсия этади;

— йиллик, ярим йиллик ва қисқа муддатга мўлжалланган дастурлар режаларини белгилайди, тасдиқлайди ва амалга ошириш чораларини кўради;

— оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради, мақсад ва вазифаларнинг, ўтказилаётган тадбирлар, илғор тажрибаларнинг телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, газета ва журналлар орқали мунтазам ёритиб борилишига эришади;

— Кенгаш ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва бошқа оммавий нашрларга ҳам муассислик қилади;

— Кенгаш йнгилиши узоғи билан ҳар икки ойда бир марта ўтказилади;

#### 4. Кенгаш раиси 2 йил муддатга сайланади:

Кенгаш раиси:

— Кенгаш ишига раислик қилади;

— ўринбосарлари, кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ижро интизомини таъминлайди;

— Кенгаш таркибидаги ҳамда республикадаги бошқа давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

— Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг ишини ташкил этиш, фаолиятининг йўналишини белгилаш, қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилади.

#### 5. Кенгаш раисининг ўринбосарлари 2 йил муддатга сайланади.

Кенгаш раисининг ўринбосарлари Кенгашнинг қарорлари ҳамда раиснинг топшириқларини бажаради, вазият тақозосига кўра Кенгаш раисининг ваколатини бажариши мумкин.

#### 6. Кенгаш масъул котиби 2 йил муддатга сайланади.

Кенгашнинг масъул котиби бир вақтнинг ўзида Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг раҳбари ҳисобланади ва:

— Кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи тизим— Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг фаолиятини ташкиллаштиради;

— Марказ бўлимларининг ишларини мувофиқлаштиради;

— давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

— Марказнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

— Маънавий, маърифий, тарбиявий йўналишлардаги тарғибот ишларининг аҳволи, таъсирчанлиги ва натижасини Марказ бўлимлари орқали таҳлил этиш, Кенгашга тавсиялар тайёрлаш ишига бевосита раҳбарлик қилади;

— Марказнинг молиявий-хўжалик масалалари билан шуғулланади, хўжалик ҳисоби билан қўшимча маблағлар топишни йўлга қўяди;

— жамоатчи тарғиботчиларни танлаш, Кенгаш томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш, қўлланмалар билан таъминлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини ҳал этади.

## **VII. КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1. Кенгашга Республикада фаолият кўрсатаётган, низом ва дастурда маърифий-маънавий тарбия, тарғибот тадбирларини амалга оширишни ўзларига асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят кенгашлари раислари 2 йил муддатга сайланадилар.

2. Кенгаш аъзолари:

— Кенгашнинг ишчи органларига сайлаш ва сайланиш;

— қабул қилинадиган қарорлар муҳокамасида иштирок этиш, таклифлар киритиш, тавсиялар бериш ҳуқуқига эга.

3. Кенгашнинг Низом ва Фаолияти дастури талабларини, қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларни амалга оширадилар.

## **VIII. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари (бундан буён — вилоят кенгаши) муассис ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги конференцияларда очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Вилоят кенгашининг раиси вилоят конференциясида, раис ўринбосари, масъул котиби вилоят кенгашида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Вилоят кенгаши таркибига Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг вилоят бўлими киради. Бўлим раҳбари кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

4. «Маънавият ва маърифат» Марказининг вилоят бўлими кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳ бўлиб, қуйидаги тўртта йўналишда фаолият кўрсатади:

- тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий гуруҳи;
- маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот гуруҳи;
- ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тарғибот гуруҳи;
- молия-бухгалтерия гуруҳи.

5. Вилоят кенгаши бевосита Республика Кенгаши раҳбарлигида ва Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг Фаолият дастури ва Низоми асосида фаолият кўрсатади.

## IX. ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ

1. Шаҳар ва туман кенгашлари (бундан буён— туман кенгаши) муассис ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги конференцияларда очиқ овоз бериш йўли билан тузилади.

2. Туман кенгашининг раиси туман конференциясида, раис ўринбосари, масъул котиби туман кенгашида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

3. Туман кенгаши таркибига Республика «Маънавият ва маърифат» Марказининг туман бўлими киради. Бўлим раҳбари кенгашнинг масъул котиби ҳисобланади.

4. «Маънавият ва маърифат» Марказининг туман бўлими кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштиради ва унинг таркибида тарғиботчиларни мувофиқлаштириш ташкилий гуруҳи фаолият кўрсатади.

5. Туман кенгаши бевосита вилоят кенгаши раҳбарлигида ва Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг Фаолият дастури ва Низоми асосида фаолият кўрсатади.

## X. КЕНГАШНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ

1. «Маънавият ва маърифат» Маркази ҳамда Кенгаш қошидаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

2. Жамоатчи тарғиботчиларнинг сафар харажатлари, маърузалар ҳақи тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалар билан тузилган шартнома асосида шакллантирилади.

## **XI. КЕНГАШНИНГ ТУГАТИЛИШ ТАРТИБИ**

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши фаолияти конференция қарорига биноан тугатилади.

2. Кенгаш фаолияти суд қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.


3. Кенгаш фаолияти тугатилганда унинг маблағлари Кенгашнинг асосий мақсад ва вазифалари йўлида сарфланади.

## **XII. КЕНГАШНИНГ ҚАРОРГОҲИ**

1. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг қароргоҳи Тошкент шаҳри, Мавораунаҳр кучаси, 6-уйда жойлашган.

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

И Л О В А № 3





# ВИЛОЯТЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Таъсисчилар конференцияси

Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши  
кенгаш раиси — ҳоким  
кенгаш аъзолари — вилоят миқёсидаги мутасадди идоралар,  
ташкilotлар, муассасалар раҳбарлари

шаҳар, туман кенгашлари  
раиси — ҳоким

кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш  
ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи  
ташкилий гуруҳ — «Маънавият ва маърифат» вилоят  
бўлими (бўлим раҳбари — кенгаш масъул котиби) (7)


Тарғиботчиларни  
мувофиқлаштириш  
ташкилий гуруҳи (3)

Маънавий — маърифий,  
ҳуқуқий тарғибот гуруҳи  
(1)

Ижтимоий сиёсий —  
иқтисодий тарғибот  
гуруҳи (1)

Молия — режалаштириш  
гуруҳи (1)

**ТУМАНЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**



## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШ ШКАЛАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА**

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш, меҳнатни рағбатлантириш ва даромадларни легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизга туширилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларидан солиқ иловага мувофиқ ставкалар бўйича ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш туғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1999 йил 31 декабрь.  
ПФ № 2472.


Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг фармониغا

**И Л О В А**

### **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ**

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоригача	даромад суммасининг 15 фоизи
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача	уч карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг оз иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача	беш карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг беш карра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз
Энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори	ўн карра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз

**УКАЗЫ ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН  
1995—1999**



## ОБ ИНИЦИИРОВАНИИ И СТИМУЛИРОВАНИИ ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

В целях обеспечения широкого вовлечения населения республики в сферу предпринимательства, качественного повышения роли частного бизнеса в производственной сфере и оказании услуг:

1. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимам областей и г. Ташкента, министерствам и ведомствам, корпорациям, концернам, ассоциациям и другим организациям республики в своей повседневной деятельности:

неукоснительно обеспечивать полное равноправие предпринимателей и государственных предприятий в доступе к материально-техническим, информационным и кадровым ресурсам;

не допускать вмешательства в оперативно-хозяйственную и хозяйственно-коммерческую деятельность предпринимателей, кроме случаев, предусмотренных законодательством;

исходить из принципа обоюдной ответственности органов управления и предпринимателей в экономических отношениях, с возмещением убытка и упущенной выгоды, полученных по вине одной из сторон.

Прокуратуре и Министерству юстиции Республики Узбекистан обеспечить контроль за неукоснительным выполнением принятых законов и Указов по соблюдению прав предпринимателей и владельцев частной собственности. Принимать оперативные меры по безусловному их выполнению и предупреждению нарушений.

2. Установить, что государственная регистрация частных предприятий производится в установленном порядке в трехдневный срок с даты подачи в хокимият, по месту их нахождения, документов, предусмотренных законодательством.

Возложить ответственность за организацию регистрации предприятий на начальников территориальных управлений Госкомимущества Республики Узбекистан, являющихся по статусу заместителями соответственно Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента, с подчинением им соответствующих отделов и служб хокимиятов.

3. Госкомимуществу Республики Узбекистан передать в 1995 году Фонду содействия развитию малого и сред-

него бизнеса до 50 процентов средств, предназначенных для реконструкции, технического перевооружения и поддержки предпринимательства, поступивших от приватизации государственной собственности.

Направить указанные средства на поддержку предпринимателей, прежде всего, путем долевого участия в осуществлении проектов, предоставления кредитов, а также выдачи гарантий по кредитам коммерческих банков.

4. Освободить от уплаты налога на доход (прибыль) в первые два года, с даты регистрации, частные предприятия по производству и переработке сельскохозяйственной продукции, выпуску товаров народного потребления, продукции производственно-технического назначения, строительных материалов, а также осуществляющие строительную деятельность, оказание ремонтных, ремонтно-строительных, бытовых и коммунальных услуг.

5. Установить, что налогооблагаемая база при исчислении налога на доход (прибыль) частных предприятий уменьшается на сумму, направляемую на расширение, реконструкцию, техническое оснащение производства.

6. Отменить действующие ограничения по численности работников, занятых по найму на частных предприятиях.

7. Разрешить хозяйственным судам принимать исковые заявления от частных предпринимателей без предварительной оплаты пошлины, с последующим ее взысканием в бесспорном порядке после вынесения судебного решения.

8. В целях практического укрепления материально-технической базы развития частного предпринимательства Госкомимуществу Республики Узбекистан совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента, корпорациями, концернами и ассоциациями шире практиковать:

предоставление частным предприятиям в установленном порядке в аренду неиспользуемых производственных помещений для организации производства продукции, торговли и оказания услуг;

реализацию через аукционы и конкурсы производственных объектов незавершенного строительства и неиспользуемого оборудования.

9. Совету Министров Республики Каракалпакстан,

хокимам областей и г. Ташкента, Госкомимуществу Республики Узбекистан, госассоциации «Узбексавдо», Узбекбирлашув, ассоциации «Уззаготторг»:

организовать в I квартале 1995 года постоянно действующие оптовые специализированные рынки по закупке сельскохозяйственной и промышленной продукции у дехкан (фермеров) и частных предпринимателей;

содействовать в организации и использовании пустующих помещений под хранилища и склады готовой продукции предпринимателей.

10. Ассоциации «Узоптбиржеторг», госассоциации «Узбеклегпром», госкорпорации «Махаллий саноат», Узбекбирлашув, Узсельхозснабремонту создать:

оптово-посреднические структуры по обеспечению предпринимателей-товаропроизводителей местным сырьем и материалами;

коммерческие центры и торговые дома, осуществляющие сбор заказов, покупку, сортировку, хранение, доведение до необходимых кондиций сырья и материалов и реализацию их по заявкам предпринимателей.

11. Заместителю Премьер-министра Республики Узбекистан Усманову М. З. оказать содействие частным предпринимателям в создании супермаркетов в крупных городах республики.

12. Разрешить Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г. Ташкента реализовывать в частную собственность жилые помещения вместе с земельными участками, на которых они размещены, иностранным юридическим и физическим лицам — сотрудникам дипломатического корпуса, представителям прессы, аккредитованным в Республике Узбекистан, сотрудникам постоянных представительств фирм, компаний и международных организаций, лицам, работающим на постоянной основе в совместных предприятиях, а также лицам, постоянно проживающим в республике и имеющим вид на жительство.

13. Министерству финансов, Госкомимуществу, Министерству юстиции Республики Узбекистан совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в декадный срок образовать при Министерстве финансов постоянно действующую Республиканскую комиссию по ценным бумагам.

14. Принять предложение Союза предпринимателей и Фонда содействия развитию малого и среднего бизне-



са о проведении ежегодных конкурсов частных предпринимателей с презентацией победителей — экспорто-ориентированных фирм на международных выставках и ярмарках.

15. Министерству высшего и среднего специального образования совместно с Госкомимуществом Республики Узбекистан в месячный срок разработать систему мер по расширению сети подготовки и переподготовки специалистов в области рыночных отношений.

16. Хокиму г. Ташкента обеспечить выделение в I квартале т. г. Республиканской фондовой бирже и Республиканской бирже недвижимости помещений, обеспечивающих нормальные условия для их деятельности.

17. Узтелерадио, редакциям газет и журналов развернуть пропаганду опыта работы частных предпринимателей, раскрывать на их конкретных примерах широкие возможности преодоления иждивенческой психологии и обеспечения ими на этой основе как собственного материального благосостояния, так и осуществления благотворительной деятельности.

18. Кабинету Министров в декадный срок принять постановление по реализации настоящего Указа.

**Президент  
Республики Узбекистан**

**И. КАРИМОВ**

гор. Ташкент, 5 января 1995 г.,  
№ УП — 1030.

## **У К А З**

### **ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

В целях упрощения и унификации процесса регистрации хозяйствующих субъектов на территории Республики Узбекистан:

1. Возложить с 1 марта 1995 года на Министерство юстиции Республики Узбекистан функции по правовой экспертизе и регистрации вновь создаваемых предприятий с участием иностранного капитала, осуществляющих свою деятельность на территории Республики Узбекистан, освободив от функций регистрации указанных предприятий Министерство финансов Республики Узбекистан.

Министерству юстиции Республики Узбекистан в ус-

тановленном законом порядке регистрировать совместные предприятия, обеспечив необходимые согласования с заинтересованными ведомствами.

2. Министерству финансов Республики Узбекистан в трехнедельный срок в установленном порядке передать Министерству юстиции государственный реестр совместных предприятий, а также зарегистрированные и принятые к исполнению документы по регистрации предприятий с участием иностранного капитала.

3. Установить, что перерегистрация ранее зарегистрированных предприятий с участием иностранного капитала в соответствии с настоящим Указом не производится.

4. Кабинету Министров Республики Узбекистан:

— внести в установленном порядке в Олий Мажлис Республики Узбекистан предложения о внесении изменений и дополнений в действующие законодательные акты;

— в месячный срок обеспечить приведение ранее принятых решений Правительства Республики Узбекистан, а также нормативных актов министерств и ведомств в соответствие с настоящим Указом.

**Президент  
Республики Узбекистан**

**И. КАРИМОВ**

гор. Ташкент, 6 января, 1995 г.,  
№ УП — 1034.

## **О СНИЖЕНИИ УРОВНЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ДОХОДОВ ГРАЖДАН**

В целях снижения уровня налогообложения доходов граждан:

1. Установить с 1 марта 1995 года минимальный размер необлагаемого налогом дохода граждан в размере 300 сумов в месяц.

2. Снизить с 1 марта 1995 года предельный размер прогрессивной ставки налогообложения доходов граждан с 45 до 40 процентов.

3. Кабинету Министров Республики Узбекистан:

до 1 марта 1995 года утвердить перечень отдельных категорий граждан, работающих на производствах с особо вредными условиями труда, для которых в соответ-

вии с действующим законодательством установлен льготный порядок налогообложения, предусмотрев, что уровень изъятия их доходов не должен превышать 25 процентов;

внести в установленном порядке в Олий Мажлис Республики Узбекистан предложения о внесении соответствующих изменений в законодательство Республики Узбекистан о подоходном налоге с граждан.

4. Признать утратившими силу с 1 января 1995 года пункт 5 Указа Президента Республики Узбекистан от 30 ноября 1994 года № УП—1014 и с 1 марта 1995 года — абзац четвертый пункта 1 Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 1995 года № УП—1080.

5. Контроль за выполнением настоящего Указа возложить на Кабинет Министров Республики Узбекистан.

**Президент  
Республики Узбекистан**

**И. КАРИМОВ**

Гор. Ташкент, 24 февраля 1995 г.,  
№ УП—1083.

### **О МЕРАХ ПО ПОВЫШЕНИЮ РОЛИ ЖЕНЩИН В ГОСУДАРСТВЕННОМ И ОБЩЕСТВЕННОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

В целях широкого привлечения женщин к решению вопросов социально-экономического и культурного развития, расширения их участия в государственном и общественном управлении, усилению социальной защищенности семьи, материнства и детства, а также координации деятельности в этом направлении министерств, ведомств, территориальных органов управления и общественных организаций:

1. Ввести новую должность заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан, возложив на него курирование вопросов, связанных с дальнейшим повышением роли женщин в жизни общества. Установить, что Председатель комитета женщин Республики Узбекистан одновременно назначается заместителем Премьер-министра.

2. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей, городов, районов ввести долж-

